

БУ СОНДА

БОШ МУҲАРРИР
Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ
Аҳмадали АСҚАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Камол БОБОМУРОДОВ
Галина МАТВИЕВСКАЯ
Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ
(масъул котиб)
Ўктам ПРАТОВ
Ўткир РАСУЛЕВ
Асом РАФИҚОВ
Зокиржон САЛИМОВ
Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ
Елқин ТУРАҚУЛОВ
Нурислом ТҲХЛИЕВ
Раҳим УСМОНОВ
Файзулла УСМОНОВ
Комил ХОЛМУҲАМЕДОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Шабот ХҲЖАЕВ
Эркин ЮСУПОВ

БҮЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:
Рустам ОБИДОВ
Оқилхон ОДИЛХОНОВ
Саидмурод ХҲЖАЕВ
МУҲАРРИРЛАР:
Маҳфуза АСАДУЛЛАЕВА
Рустам ЁРЛАҚАБОВ

| | |
|---|----|
| ИВАТОВ И. Нарх-наво ҳақида ўйлар | 2 |
| ФАЙЗИЕВ Р. Келажак энергетикаси | 3 |
| ҲОЖИМАТОВ Қ. «Табиатга қайтиш» зарур | 6 |
| МУҲАММАДЖОНОВ А. Бухоро ёши нечада! | 8 |
| ҚУЧҚОРОВ А., ҚОДИРОВ З. «Ўзинг учун нимани яхши кўрсанг ўзгаларга ҳам шуни раво кўргин» | 10 |
| СОДИҚОВ Ҳ. Туркистон: уч инқилоб даврида | 13 |
| Рустам ОБИД У дунёдан хабарлар | 16 |
| ЖУМАНИЕЗОВ Р. Машқини олинг | 18 |
| Ҳадис | 22 |
| Қурама | 25 |
| ЖҲРАЕВ О. Тасаввуф тариқатлари. Тасаввуф нима! | 26 |
| БАҲРИДДИНОВ Б., САИДОВ А. Динозавр изидан | 28 |
| «Мўчбурчаги ёхуд Бу ерда юрганлар бегона эмас | 30 |

МУҚОВАДА

2—3-бетлар: Араб хат турлари бир-бирдан ажралиб туради. Биз араб ёзувининг настаълиқ хати алифбосини эълон қилаёلمиз. Хаттот Тўхтамурод Зуфаров.

4-бет. Қадимий Бухоро манзараларининг ўзиёқ кўп кишиларда «Унинг ёши нечада экан!» — деган савол уйғотади. Археолог олим А. Муҳаммаджонов эса ўз мақоласида ана шу санани аниқлаштириш борасида фикр юритади.

КЕЛГУСИ СОНДА:

О Ўзга оламликлар билан мулоқот О Сайёрамиз зирҳига нима бўлди! О Юртни ҳимоя этган деворлар О Америкалик талабалар ҳузурида бир йил О Русия императорининг Тошкент бегига номаси О Ҳадис — одоб-ахлоқдан сўзлайди.

НАРХ-НАВО ҲАҚИДА ҲҲЛАР

Табиати саховатли Ўзбекистон ерида истиқомат қилувчи барча кишилар, бу днёрга келиб-кетувчи меҳмонлар бободеҳқон пешона тери ила яратаётган анвойи нозу неъматлардан баҳрамандлар. Ҳа, албатта, она тупроғимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини етиштириш учун қулай.

Аҳоли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат дўконлари, кооператив савдоси ва колхоз бозоридан харид қилади. Шуниси ажабланарлики, бу харидорлар сафи қишлоқ аҳолиси ҳисобига ортиб бормоқда. Нима учун шундай?

Давлат савдоси қатъий, арзон баҳоларда талабнамизни қондиришга қаратилгани ҳолда бунинг эвидан чиқа олмаяпти. Устига устак пештахталарга етиб келаётган маҳсулот сифати ҳам талабга жавоб бермайди.

Кооператив савдодаги аҳвол бундан ҳам баттар. Ўзбекистон матлубот жамияти турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аҳолига етказиб бериши, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчи ўртасида алоқачи вазифасини бажариши керак. Аммо амалда бу вазифани бажаришга қодир эмас. Жамият аҳолидан фақат бозори чаққон, юқори баҳода сотиладиган маҳсулотларни олиб сотади. Аҳолидан харид қилинадиган товарларнинг қарийб 85—90 фонз даромади гўшт маҳсулотларига тўғри келишини қандай изоҳлаш мумкин! Кооператив-комиссион савдодаги нарх-наво бозордагидан қолишмайди.

Сир эмаски, аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш асосан колхоз бозори ҳисобига тўғри келади. Бу савдонинг муҳим аҳамият касб этишига қарамай, кимлардир бу савдони тугатишга ундади, шаҳар билан қишлоқ ўртасида тавофут аллақачон тугатилган, деб ўртадаги муносабатларни такомиллашган қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар. Лекин ҳаёт аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришда колхоз бозори савдосининг аҳамиятини янада яққолроқ очиб берди. 1987 йилдан бошлаб колхоз ва совхозлар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 30 фонзига қадари давлат планига қўшиб ҳисоблангани ҳолда, бозорларда эркин, келишилган баҳода сотишга руҳсат берилди.

Шарқда, жумладан Ўзбекистонда бозорлар ўзининг ранг-баранглиги, шовқин-сурони, одамларнинг дам олиб ҳордиқ чиқарадиган, маданий-маиший маркази ҳисобланган. Бозорларда эрта саҳардан то қош қорайгунча савдо тинмаган. Илгарилари бозорларда карвонсарой-меҳмонхоналар бўлар эди. Негадир ҳозирги пайтда улар камайиб кетди. Карвонсаройлар ўрнида у ер, бу ерда битта-иккита «Колхозчилар уйи» ташкил бўлди. Шунинг учун ҳам қишлоқдан келган деҳқонлар тунаб қолиш имкони бўлмаганидан олиб келган маҳсулотнинг маълум қисмини апилтапил сотиб, қолганини чайқовчиларга кўтарасига бериб кетади. Қарабсизки, бозорда нарх-наво янада ортаверади.

Колхоз бозорларидан айниқса полиз маҳсулотлари, сабзавот, мевалар кўпроқ харид қилинади. Масалан, 1988 йили шаҳар аҳолиси сабзавотнинг — 56, меванинг — 47, полиз маҳсулотларининг — 71, картошканинг 32 фонзини колхоз бозоридан сотиб олган. Айниқса кўкат ва зираворларга бўлган талабнинг қарийб 100 фонзи колхоз бозоридангина қондирилмоқда. Тошкент, Самарқанд ва бошқа айрим шаҳарларда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларига бўлган талаб маълум даражада давлат савдоси орқали қондирилса, ўрта ва кичик шаҳарлар ҳусусида бундай дейиш мушкул. Чунки бу шаҳарларда бозор фондининг миқдори чекланган. Колхоз ва совхоз ерларида кўпроқ техника экинлари, яъни пахта, ғалла ва ҳоказо ўсимликларнинг кўпроқ экилиши ҳам бозорларимиз тўкин бўлишига хизмат қилмайди, албатта. Чунки бундан хўжалик раҳбарлари манфаатдор эмас. 1988 йили жамоат хўжаликларинда ишлаб чиқарилган сабзавот салмоғи жумҳурият бўйи-

ча жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 52 фонзини, ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган сабзавот салмоғи эса 48 фонзини, картошка етиштириш тегишлича 63 ва 37 фонзини, полиз маҳсулотлари 49 ва 51 фонзини, гўшт 48 ва 52 фонзини ташкил қилди.

Демак, ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини колхоз бозорлари орқали қондириб, чакана товар айирбошлаш миқдорининг кўпайишига олиб келади. Савдонинг бу шакли ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар аҳолисининг саломатлиги учун хизмат қилган бўлур эди.

Колхоз бозори савдосининг асосий ҳусусиятларидан бири шундаки, нарх-наво келишув асосида аниқланади. Баҳоларнинг эркин қўйилиши кейинги пайтларда жуда кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда ва ҳақли равишда ушбу саволларнинг берилишига сабаб бўлмоқда:

— Нима учун Ўзбекистон колхоз бозорларида баҳолар ҳаддан ташқари баланд!

— Шундай бўлишига қарамай, нима учун қишлоқ аҳолисининг турмуши фаровон эмас!

— Нима сабабдан 120—150 сўм атрофида маош оладиган шаҳарликлар ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланмайдиган меҳнаткашлар пул даромадларининг кўпроқ қисмини юқори баҳода сотиладиган маҳсулот учун йўллаши керак!

Кейинги 3—4 йил ичида, айниқса 1988—1989 йилларда Ўзбекистон бозорларидаги нарх 2—3 баробарга кўтарилиб, муболағасиз айтиш мумкинки, Сибирь бозорлари нархига яқинлашиб қолди. 1989 йилнинг ёз ва кузидаги нарх-наводан ёқа ушлайсан киши. Нарх-навонинг ҳаддан ташқари баландлигининг омиллардан бири — пахта яққақимлигидир.

Қишлоқ жойда яшаб гўшт, сут, тухум, картошка, помидорга зор бўлган ҳамюртларни ҳар қадамда учратасиз. Улар ўз ҳовлисида, томорқасида мева-сабзавот етиштиришдан аллақачон совуган. Чунки ишлаш учун ер йўқ, мол боқиш учун яйлов йўқ, ўт-ўлан йўқ. Қишлоқда туриб шаҳарга картошка, помидор, гўшт ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун келишади. Хўш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ким етиштиряпти! Албатта қишлоқдаги деҳқон, совхоз ишчиси, қишлоқ энёлиси, лекин булар камчилик, ана шу камчилик, жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотининг ярмидан кўпроғини етказиб бормоқда. Қандай қилиб! Бу ҳам бўлса, ердан самарали фойдаланиш, оила аъзоларининг унумли меҳнати натижаси, деҳқончилик маданияти самарасидир.

Тўғриси айтиш керак, ўтган йили сентябрь—октябрь ойларида қовун-тарвуз маҳсулотларига нарх тушгандай



ИНСОНИЯТНИНГ энергияга эҳтиёжи кун сайин ортиб бораётгани, лекин энергия манбаларининг чегаралангани кейинги пайтларда олимлар ва мутахассислар ўртасида қизгин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги энергия манбалари инсониятни қачонгача таъминлай олади? Энергия олишнинг одатдагидан бошқа усуллари мавжудми? Бу муаммоларни ҳал қилишда олимлар ва мутахассислар ўзаро кескин фарқланувчи турли фикрлар билдиришмоқда. Хўш, бу муаммолар нималардан иборат ўзи? Уларни ҳал қилиш йўллари мавжудми?

Авваламбор шунини айтиш керакки, энергия манбалари

кунда Месопотамия билан Форс кўрфазининг дунёдаги энг катта нефть ва газ кони экани аниқланган.

Мамлакатимизда асосан Озарбайжон бир неча минг йиллардан бўён нефть ўлкаси сифатида танилган. Газнинг ер юзига чиқиб туриши қадим замонлардаёқ оловга сиғинувчи диний оқимлар вужудга келишига олиб келган сабаблардан бири бўлса ажаб эмас. Далилларга мурожаат қилайлик. Боқиб яқин жойда ажойиб бир гўзалликка эга бўлган ўзига хос тоғ бор: қоронғуликда у ёруғлик таратиб туради. Бунинг сабаби — ёнаётган майда газ оқимчаларидир. Бошқа бир жойда эса оташпарастларнинг

КЕЛАЖАК ЭНЕРГЕТИКАСИ

ниҳоятда хилма-хил бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда унинг асосий манбаи углеводородлар бўлиб, истеъмол қилинаётган энергиянинг 60 фоиздан ортиғини бермоқда. Углеводородлар захираси қачонгача етиши ҳақида етарли маълумот бериш жуда қийин. Бу, аввало, углеводородлар геологиясини чуқур таҳлил қилишни, қазилушу усуллари ҳисобга олишни талаб этади. Масаланинг бошқа томони — иқтисодий жиҳатларни ҳам назарда тутиш фавқулодда муҳимдир. Шу боис углеводородларнинг энергия мақсадида фойдаланиладиган асосий турлари тарихи ва келажакига бир назар ташлаб кўрайлик.

Инсоният нефть ва газ билан танишганига бир неча минг йил бўлди. Нефть ҳақидаги илк маълумотлар қадимги Бобил миҳхат ёзувларида учрайди. Тахминан 6 минг йил илгари Фрот дарёси қирғоқларида нефть ва асфальт конлари мавжуд бўлган. Худди шу жойда 5 тоннагача нефть сиғадиган биринчи «танкер» — асфальт билан қопланган айланма саватлар кашф этилган. Уларда маҳсулот Фрот дарёсини оқиб оқибилган. Нефть асосан ер юзига сачраб турадиган жойлардан: табиий нефть кўллари ва қудуқларидан олинган. Узоқ ўтмиш берган маълумот бежиз эмас — ҳозирги

қадимги зиёратхонаси сақланиб қолганлиги кўзга яққол ташланади.

Уралнинг шимолида 1745 йилдаёқ маҳаллий маҳсулотни қайта ишлайдиган мўъжазгина нефть заводи қурилган эди. Нефть энергиянинг манбаи сифатида фақатгина ўтган асрнинг биринчи ўн йиллигида, ёнилғи ва мой талаб қилувчи механизмлар пайдо бўлгандан кейин, маълум бўлди. Ривожланаётган шаҳарларни ёруғлик билан таъминлаш эҳтиёжи ҳам энергияга бўлган талабни ошириб юборди. Оқибатда эса нефть баҳоси дастлаб жуда тез кўтарилиб кетди. Уни қазиб олишнинг бирмунча самарали усуллари ишлаб чиқилди. Шу билан нефть ва газ саноатининг бошланғич даври тамом бўлди.

АҚШнинг Пенсильвания штатида 1859 йили нефтни қудуқлардан узлуксиз қазиб олиш йўлга қўйилиши билан, нефть-газ саноатининг ривожланган ҳозирги замон даври бошланди. Асримизнинг 20—30-йилларидан нефть ўта жадал суръатда қазиб олина бошланди. Газ қазиб олиш бирмунча кечикди ва газ саноати асримизнинг 40-йилларидангина жадал ривожлана бошлади. Тарихий маълумотлар шундан далолат бермоқдаки, инсониятнинг энергия билан

бўлди. Албатта, бунинг сабаби бор. Ижара пудратининг аста-секин йўлга қўйилиши, Россия, Украина шаҳарларида ҳам қовун-тарвузларнинг мўл-кўл бўлиши, жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиладиган маҳсулотларнинг қаттиқ назорат остига олиниши биринчи навбатда жумҳурият аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини яратди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорга келтириш ҳам долзарб муаммолардандир. Ахир колхоз правление-си, совхоз маъмурияти ўз аъзоларининг томорқаларида етиштирган маҳсулотларни шаҳар бозорларига, район марказларига, аҳоли гавжум яшайдиган қасабаларга етказиб берса бўлади-ку! Бунинг олдиндан тузилган рўйхат асосида ҳам амалга ошириш мумкин. Шунинг ҳам айтиш керакки, бозорда нарх-наво юқори бўлиши ёхуд мева, полиз, сабзавот маҳсулотларини мўл етиштирган билан қишлоқ аҳолисининг турмуши ёппасига яхшиланиб қолмайди. Улар баҳодан фақатгина ўзларининг тўлиқ ва ҳақиқий оладиган ойликлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун фойдаланишди. Кейинги 3—4 йил ичида аҳоли учун зарур саноат молларини топиш қийин бўлиб қолди. Лекин кўлда топилади. Чайковчилар кўлида баҳоси 250—300 сўм турадиган этикларни, 200 сўмлик туфлиларни, қиймати 2—3 ойликка тенг аёлларнинг пальтоси ва кўйлақларни деҳқон қандай қилиб сотиб олсин. Ахир у ҳам ўғил уйлантириши, қиз чиқариши керак. Қолаверса, қишлоқ аҳли ҳам шаҳарликларга ўхшаб кийингиси, ясангиси келади. Ҳаммамизнинг хабаримиз бор, ўтган йилнинг кузида пахта теримида тўланадиган нарх 20 тийинга етказилди, бунинг учун 370 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди, 1990—1991 йилларда пахтага тўланадиган қиймат яна ошади. Бу эса деҳқоннинг турмуш фаровонлиги яхшиланди, деган сўз эмас. Моддий жиҳатдан улар ютадилар, тўғри. Лекин соғлиги ҳақида нима дейиш мумкин. Пахта нархининг ошиши, онла пудрати

деҳқонларни пахта яккахоқимлигидан қутқара олмайди, балки янада қаттиқроқ боғлаб қўяди. Чунки биз ўзбек оиласининг серфарзандлиги, айни вақтда пахта уларни иш билан таъминлайдиган яккаю ягона меҳнат воситаси эканлигини ҳисобга олсак, масала анча ойдинлашади. Пахта кўп меҳнат талаб қиладиган техника ўсимлигидир. Агар кўп ўтмай сув ва ерга солиқ тўлови жорий этилса, пахтадан тайёрланган маҳсулот нархи ошса, у ҳолда нима ўзгармади, нима ўзгармайди, булар ҳақида ҳам ҳозирдан ўйлаб кўришга тўғри келади.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, пахтага бўлган муносабатимиз ўзгармас экан, ҳали кўп вақт бозордаги нарх-навонинг ҳам юқори бўлиши табиийдир. Яна шунини айтиш лозимки, 1989—1991 йиллар давомида жумҳуриятимизнинг қишлоқ аҳолисини, айрим ҳолларда шаҳар аҳолисини ҳам шахсий томорқаларни кўпайтириш имкони туғилди. Лекин бу иш жуда сусткашлик билан олиб борилмоқда. Аксари ҳолларда ишлов қийин бўлган сувсиз ерлар таклиф қилинмоқда, ҳатто деҳқон қандай маҳсулот экиши кераклиги кўрсатиб ўтилмоқда. Бозор ва баҳо масалаларини, жумҳуриятимиз меҳнаткашларини заҳарланмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини ва барча қишлоқ меҳнаткашларининг ёрдамчи хўжаликларига хоҳлаган маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг маълум бир қисмини шаҳарликларга етказиб бериш учун ҳар томонлама шароит яратиш бериш билан ҳал қилиш мумкин. Бозорда иштирок этиш ҳақиқий байрамга, хурсандчиликка айланади керак. Умуман, Ўзбекистонда бозор муаммосини ҳал қилса бўлади, бунинг учун фақат мустақиллик ва ғайрат керак.

Ирисмат ИВАТОВ.
Ўзбекистон ССР ФА Иқтисод
институтининг етакчи илмий ходими,
иқтисод фанлари номзоди.

таъминлашда нефть ва газ XXI асргача биринчиликни бермас керак. Геологларнинг ҳисобларига қараганда, Ер қаърида ҳали етарли миқдорда углеводородлар заҳираси бор. Аммо нефть ва газ ҳукмронлиги қисқа бўлади — яна 90—120 йилдан ошмас керак. Шу даврга келиб уларни қазиб олиш шу даражада камаядики, кўмирнинг мавқеи яна олдинги ўринга чиқади. Бинобарин, энергиянинг янги манбаларини излаб топиш масаласи ўз-ўзидан муҳим бўлиб қолади. Шундай қилиб, нефть ва газнинг энергетикадаги ҳукмронлиги тугайди. Лекин уларни қазиб олишнинг пасайиши жуда секинлик билан узоқ давом этади. Энди нефтнинг бош истеъмолчиси энергетика эмас, балки химия саноати бўлади. Ҳозирдаёқ турли-туман пластмасса, резина, асфальт ва шунга ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришга 8 фоиз углеводород ишлатилмоқда. Ҳисобларга қараганда, 2000 йилга келиб химия саноатига ҳозиргига нисбатан икки баробардан кўпроқ табиий маҳсулот керак бўлади. Бундан ташқари, қимматбаҳо маҳсулотни ёққандан кўра, ундан халқ хўжалигига керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш шубҳасиз фойдалидир.

Нефть химияси жадал ривожланмоқда, унинг маҳсулотларига халқ хўжалигининг турли тармоқлари янада кўпроқ муҳтож бўлмоқда. Нефть химияси маҳсулотлари эса баҳоси жуда юқори бўлгани учун, нефтни қазиб олиш учун кетган харажатларни оқлапти.

Углеводород қолдиқларини жуда кичик миқдорларда олишга тўғри келади. Нефтни жадал қазиб олиш учун чуқур нефть қатламларини ёриб борувчи шахталар қуриш керак. Бу — нефть саноатининг тугаш даври ҳисобланади.

Ҳозир углеводородлардан фойдаланишнинг бутун тарихи деярли охиригача қараб чиқилмоқда. Нефть ва газни қандай ишлатиш ҳали маълум бўлмаган давр 6 минг йилни (бутун даврнинг 90 фоиздан кўпроғини) ташкил этади. Нефть ва газ саноатининг ташкил топиш ва ривожланиш даври 90—100 йилни ёки бутун даврнинг 1,5 фоизини, гуллаб яшнаши — 100—120 йилни ёки 2 фоизни ташкил этади. Сўниш даври жуда узоқ — бир неча юз йилларни, нефтдан фойдаланиш даврнинг тахминан 6,5 фоизини ташкил қилса керак.

Кўплаб мамлакатлар ҳозирнинг ўзидаёқ углеводородларнинг янги заҳираларини излаб топишда қийинчиликларга учрашмоқда. Катта, иқтисодий фойдали заҳиралар қуруқликда камроқ учрамоқда. Геологлар денгиз бўйи саёзликларини ўзлаштиришни бошлашди. Денгиз конлари 25 фоизга яқин нефтни беришига қарамасдан, нефть қазиб олувчи 62 мамлакатдан 30 тасида уни қазиб олиш камаймоқда (бунга нефтга бой бўлган Яқин Шарқнинг 11 мамлақати қўшилмаган, чунки бу ерларда олинмаган маҳсулот миқдори асосан конъюнктура ва сиёсат билан белгиланади).

Ер қазилма бойликларининг 40—45 фоизи излаб топилган. Янги нефть ва газ конларини топиш жуда мушкул бўлиб борапти, чунки қуруқликда текширилмаган районлар тобора камайиб кетмоқда. Ҳисобларга қараганда, нефтнинг потенциал ресурслари тахминан 220—400 млрд тонна ташкил қилар экан. Шунинг учун унинг ўртача қиймати 300 миллиард тонна деб ҳисоблашмоқда. Углеводородларнинг асосий массаси ер қаърининг 2—4 километр чуқур бўшлиқларида жойлашган.

Антарктида ва сузиб юрвчи музликлар остида яширинган шимолий денгиз саёзликларининг нефть ва газ заҳиралари кам ўрганилган. Геофизик ва бошқа хил маълумотлар шундан далолат бермоқдаки, бу борада Яқин Шарқ ва Мексика кўрфазидагидек бой манбалар топиш мумкин бўлмас керак. Аммо нефть ва газнинг бир неча миллиард тонналаб заҳиралари ҳали ер қаърида яшириниб ётган бўлиши мумкин. Лекин ҳозирги замон даражасида, яъни йилига 3 миллиард тоннадан қазиб олинса, унинг заҳиралари қачонгача етиши жумбоқ бўлиб қолмоқда. Янги манбалар ўрганилиши қийин бўлган чуқурликлардан (4—5 километрдан ортиқ) топилиши мумкин. Лекин ҳозирги замон фани нефть миқдори 3—5 километр чуқурликдан бошлаб камаяди деб ҳисоблайди. Кичик манбалар секин ўзлаштирилади ва жуда кўп харажат талаб қилади. Заҳира-

си 1 миллион тоннадан кам бўлган манбадан 1 тонна нефть қазиб олиш, 10 миллион тонна заҳирага эга бўлган манбадагига қараганда 10—50 баробар қимматга тушади. Шунинг учун уларни ўзлаштириш умумий қазиб чиқариш миқдорини оширмас ҳам пасайишини секинлатади. Аммо қийинчиликларга қарамасдан кичик манбаларни аниқлаш жуда муҳимдир, чунки вақти келиб катта манбалар батамом тугалланади. Кичик манбаларни ўзлаштириш учун транспорт масаласини ҳал қилиш, одам яшамайдиган ҳудудларда қасаба ва шахарлар қуриш, даставвал Арктика денгизларида фойдаланиш учун янги хил техник жиҳозлар ишлаб чиқиш керак.

Манбалар қазиб олингандан кейин 50—70 фоиз нефть ер остида — қатламлардаги бўшлиқларда қудуқлар билан умумий боғланишга эга бўлмаган кичик манбаларда қолиб кетади. Олимлар бундан қутулиш йўлларини излашмоқда. Жуда катта ва хилма-хил тажрибалар, жумладан, қатламларни буғ билан қиздириш, фаол моддалардан фойдаланиш, кучли портлатишлар билан нефтни тўғридан-тўғри қатламда ёндириш ва ҳоказо синовлар ўтказилмоқда. Аммо бу билан ҳали унча муваффақиятларга эришилгани йўқ. Қолган нефтнинг ҳеч бўлмаганда яна ярмини олишнинг ўзгача йўллари бўлиши мумкин. Зотан шунақанги йўл топилиши заҳиралар миқдорини икки баробар оширади демакдир.

Лекин шунини ҳам таъкидлаш керакки, кучли ер ости портлатишлари ўтказиш қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, шу йилнинг март ойида, ГДРнинг жанубида Бад-Зальценген районидаги Меркес деган жойда, ер ости конларида портлатиш ишлари олиб бориш Рихтер шкаласи билан 5,5 баллга тенг ер силкинишига сабаб бўлди. Натижада одамлар, уйлар ва халқ хўжалик объектларига зиён етказилди. Бу ер силкиниши ҳатто ГФР ва Чехословакияда ҳам сезилди. Агар нефть ва газ манбалари асосан сейсмик фаол ерларда жойлашганини назарда тутсақ, бу зоналар ва унга яқин жойларда кучли ер ости портлатишлари ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳозирги вақтда замонавий манбалардан энергия олиш билан экология ўртасида зиддият мавжуд. Энергиянинг



Вулқон шунчаки табиий офат эмас, балки қудратли энергия манбаи ҳамдир.



қандай манбаларига эга бўлмайлик, унинг бир қисми иссиқлик тарзида атроф муҳитга чиқиб туради. Сайёрамаиздаги ортиқча иссиқлик эса ўз навбатида парник эффекти, музликлар эриши ва бошқа ҳодисаларга олиб келади. Бундан ташқари, заҳарли моддалар чиқиши натижасида атроф муҳит зарарланади. Шунинг учун ҳозирги даврнинг бош масаласи — ресурсларни ва энергияни иқтисод қилишнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборатдир. Бизнинг институтимизда ҳам ёниш жараёни механикаси ҳамда кинетикасини ўрганиш соҳасида чуқур илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёниш жараёнини жадаллаштириш, ёнилғидан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Биргина энергияни иқтисод қилиш эвазига Ғарб мамлакатлари ўзларини энергетик тангликдан асраб қолишди. Бу, ўз навбатида, жаҳон нефть бозорида аҳволни тубдан ўзгартириб юборди, натижада, нефтнинг баҳоси тушиб кетди. Бу эса нефть экспорт қилувчи мамлакатлар, жумладан, бизнинг мамлакатимизнинг экономикасига жуда катта таъсир қилди. Биргина 1985—1988 йилларда мамлакатимиз жаҳон бозорида нефтнинг баҳоси пасайиши ҳисобига 37 миллиард сўм зиён кўрди.

Хўш, энергиянинг сўнаётган манбаларини нима билан алмаштириш мумкин?

Бу муаммонинг бир қисмини физиклар ҳал қилаётир: атом энергетикаси янада кўпроқ аҳамият касб этиб бормоқда. Қуёш, шамол, дарё, денгизда сув қалқиши ва қайтиши, ер ости иссиқлиги энергиясидан ҳозирги замон техникаси ёрдамида фойдаланиш мумкин, аммо бу ҳам жуда кўп харажат талаб қилади. Энергетика масаласини қисман геологлар ҳам ҳал қилишмоқда. Гап шундаки, ер қаърида бошқа хил ёнилғи моддалар заҳираси жуда улкан: нефть ва газга қараганда кўмири 10—15 марта кўп; сланецдан олинмаган смола нефть билан баробар; битум деярли икки баробар кам. Кўмирнинг улкан заҳиралари СССР, АҚШ ва Хитойда, ёнувчи сланецлар — АҚШ, Бразилия, Хитой ва СССРда, битум — Канада ва Венесуэлада тўп-ланган. Уларни ўзлаштириш бир қанча қийинчиликлар билан боғлиқ. Кўмири қазиб олишни кўпайтириш учун ҳозирнинг ўзидаёқ одам яшамайдиган районларга йўл ва шаҳарлар қуриш керак. Битумни қайта ишлаш нархи ҳозирча уни қазиб олишни оқламайди.

Газни қазиб олиш ва ундан фойдаланиш бошқа масалалар билан боғлиқ. Улардан энг муҳими — маҳсулотни ташиб олишдир. Биз газни қазиб олиш, сиқиш ва ташишни биламиз, лекин бу жуда қиммат, бундан ташқари табиий газнинг бир қисми компрессор станцияларини ишлатишга сарфланади.

Агар биз қазилма бойликларни қазиб олиш ва энергетиканинг ривожланиш тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, энергетиканинг келажаги тўғрисида қуйидагича мулоҳаза юритиш мумкин.

Энг кўп миқдорда нефть қазиб олиш асримизнинг охириги йилларига ёки узоғи билан XXI асрнинг биринчи ўн йиллигига тўғри келса керак. Шу даврга бориб нефть қазиб олиш ўзининг энг юқори қийматига етиб, йилига 3 миллиард тоннани ташкил этади, бу эса геологик ресурсларнинг 1 фоизини ташкил этади.

Энг кўп газ миқдорини дунё саноати келгуси аср бошида олса керак. Шу даврга бориб йилига 2,5 триллион куб метр газ қазиб олиниши кутилмоқда. Газнинг умумий потенциал ресурслари 300 триллион куб метр деб баҳоланмоқда.

Кўмири қазиб олиш нефтьга нисбатан секинроқ кўпаяди. Кўмири саноатининг тез ривожланишига унинг инерционлиги ҳалақат беради. Маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаш учун карьер ва шахталарни жиҳозлаш керак, бу эса кўп вақтни талаб қилади. Нефть ва газдан фарқли ўлароқ кўмири қазиб олиш узоқроқ давом этади. 1980 йилга келиб дунё бўйича 114 миллиард тонна кўмири қазиб олинди, бу умумий кўмири заҳирасининг 0,8 фоизини ташкил этади. Агар 2000 йилгача манбаларни ўзлаштиришнинг ҳозирги суръати сақланиб қолса, келгуси аср

бошига келиб кўмири қазиб олиш умумий заҳираларнинг 1,3 фоизинигина ташкил этади (ресурслар 14,3 триллион тонна деб баҳоланмоқда). Унда биз йилига 6 миллиард тонна кўмири қазиб оламиз.

Кўмири ҳавзаларидан аксариятини ўзлаштириш жуда қийин. Асосий заҳиралар етиб бориш мушкул бўлган Сибирь районларида (дунё заҳирасининг 44 фоизи атрофида) жойлашган. Бу ерларда манбаларни ўзлаштириш ўзини оқламайди, чунки кўпгина ҳавзалардан кўмирини очиб йўл билан қазиб олишга тўғри келади, бу эса табиатни бузади. Бундан ташқари, кўмири ёқилганда жуда кўп миқдорда кул ва олтингугурт атмосферага чиқиб, уни заҳарлайди. Экономика ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш нуқтани назардан қўйлаётган талаблар келажақда қанча кўмири қазиб олишни олдиндан айтиб беришни қийинлаштиради. Ҳар қалай, уни қазиб олиш келгуси аср ўрталаригача борар.

Умуман олганда, энергия ресурсларидан фойдаланиш жаҳон бўйича йилига 4 фоиз атрофида ошиб бормоқда. Агар ушбу ривожланиш шу суръатда давом этаверса, Ғарбий Германия олимларининг илмий тадқиқотларига қараганда, тошкўмири заҳираси 80 йилга, нефть 40 йилга, табиий газ эса 50 йилга етар экан. Энергия бойликларидан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси сақлаб қолинган тақдирда эса тошкўмири заҳиралари 500 йилдан кўпроққа, нефть — 80 йилга, табиий газ эса — 150 йилга етиши мумкин экан.

Битум тоғ жинсларидан қиздириш йўли билан ажратиб олинади. Бу жараён шу қадар қийин ва қимматбаҳоки, энг бой манбаларга эга бўлган Канада ва Венесуэлада ҳам унчалик ўзини оқламайди. Келажақда битум, шубҳасиз, энергетика ва химия саноатининг муҳим хом ашёсига айланса керак, чунки унинг заҳираси жуда катта — 150 миллиард тоннага тенг.

2000 йилдан кейин нефть ва газнинг дунё энергетика салмоғидаги ҳиссаси ва уларни қазиб олиш камаёди, кўмири қазиб олиш бирмунча ошса-да, барибир ҳиссаси кўп бўлмайди. Сланецли смола, битум ва синтетик нефтлар кўпайса ҳам, улар энергетиканинг ривожланишига сезиларли таъсир қилмайди.

Энергиянинг барча манбалари нисбати уни инсоният қандай истеъмол қилишига боғлиқ, албатта. Агар жаҳон аҳолисининг сони барқарорлашса (2030 йилларга бориб шундай бўлади деб ҳисоблашмоқда), энергия истеъмол қилишнинг ўсиши жиддий тарзда секинлашади.

Шубҳасиз, атом энергетикаси катта аҳамият касб этади. Балки, келажақ қуёш энергиясиникидир. Бундан ташқари, ҳали номаълум бўлган энергия манбалари аниқланиши мумкин; чунки фан юксак суръатларда ривожланмоқда. Бошқача айтганда, умидсизликка асос йўқ.

Геодинамик ҳодисаларнинг дастлабки энергия манбаи — Ер вужудга келган даврдан мавжуд бўлган иссиқлик ҳамда радиоактив элементларнинг парчаланиши ва турли химиявий реакциялар натижасида ажраладиган энергиядир. Ернинг чуқур қаъридан — мантиядан иссиқлик у ёки бу турдаги конвекция натижасида ер юзига чиқади. Бу ҳодиса, ташқаридан қараганда, литосфера плиталарининг ҳаракатида ифодаланади. Бу плиталарнинг ўзаро ва мантия билан таъсири Ердаги деярли барча геологик структура ва ҳодисаларни, шу жумладан зилзила ва вулқон отилишини вужудга келтиради. Агар ер ости энергиясидан фойдаланишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилса, ер қимирлаши ва вулқон келтирадиган фожеаларнинг олди олинар эди. Ер қаърининг иссиқлиги деярли туганмасдир. Уни олиш учун иссиқлик ташувчи воситалар (масалан, сув) керак.

Атом, қуёш ва ер ости энергияларининг ҳиссаси 2050 йилга бориб истеъмол қилинадиган барча хил энергиянинг деярли ярмини ташкил қилса ажаб эмас. Бу эса нефть

Давоми 12-бетда

«ТАБИАТГА ҚАЙТИШ» ЗАРУР

Қаҳдор ҲОЖИМАТОВ —
Ўзбекистон ССР Фанлар ака-
демияси Ботаника институти-
нинг етакчи илмий ходими,
биология фанлари номзоди.
Кўпдан буён доривор ўсим-
ликлар борасида илмий тад-
қиқотлар олиб бормоқда.
Яқинда шу соҳада ишлаёт-
ган бир гурӯҳ олимлар
«Ифдор мойли зирвор, бў-
ёқбоп ўсимликлар ва мева-

чеваларни илмий татбиқ этиш
ва уларнинг озиқ-овқат са-
ноатида ишлатилиши» мав-
зудаги илмий тадқиқот иш-
лари учун Беруний номидаги
республика давлат мукофо-
тига сазовор бўлишди. Улар
орасида Қ. Ҳожиматов ҳам
бор. Мухбиримиз у кишидан
иш раҳбари сифатида савол-
ларга жавоб беришни сў-
ради.



— Қаҳдор, ака, аввало сизни кўп минг-
ли журналхонлар номидан юксак муко-
фот билан табриклаймиз. Мана, сиз бир
неча йилдан буён ўсимликлар оламини
тадқиқ қилиш билан шуғулланиб келмоқ-
дасиз. Халқимиз қадимдан бу соҳада анча
тажрибага эга бўлган эса-да, кейинги давр-
да уларнинг кўпини унутдик. Эндиликда
ўсимликлар, хусусан, зирворлар ҳақидаги
тасавурумиз жуда тор. Шу боис биринчи
галда зирвор ўсимликлар, уларнинг тар-
киби, фойдаланиш кўлами, таъсири тўғри-
сида сўз юритсангиз.

— Мамлакатимизда қайта қуриш жа-
раёнида халқларимиз фаровонлигини
ошириш ҳамда юқори сифатли озиқ-овқат
маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тў-
ла-тўқис қондириш мақсадида улкан иш-
ларни амалга ошириш режалаштирилган.
Шу жумладан ишлаб чиқарилаётган озиқ-
овқат маҳсулотларининг тўйимлилигини
ошириш, таркибини биологик фаол мод-
далар билан бойитиш, сифатини яхшилаш-
га жуда катта эътибор берилмоқда. Бу ма-
салаларни ўсимлик хом ашёсидан, айниқ-
са зирворлардан фойдаланиб ҳал этиш
мумкин. Зирвор ўсимликлар озиқ-овқат-
нинг таъмини, тўйимлилигини, энгил ҳезм
бўлишини таъминлабгина қолмасдан, бал-
ки уларни тез бузилишдан ҳам сақлайди.

Зирворланган озиқ-овқат маҳсулотла-
ри таркибиде турли дармондорилар, хуш-
бўй ифдор мойлари, органик кислоталар,
карбон сувлар, буриштирувчи моддалар,
микроэлементлар ҳамда фитонцидлар бў-
лади. Бундай биологик фаол моддаларга
бой маҳсулотлар иштаҳа билан тановул
этилади ҳамда тез ҳазм бўлади. Натижада
инсон танасида модда алмашинуви жарё-
ни яхшиланади ҳамда турли хасталикларга
бўлган қаршилиги кучаяди.

Зирвор ўсимлик хом ашёларидан озиқ-
овқат саноатида турли хил истеъмол маҳ-
сулотлари ишлаб чиқаришда кенг фойда-
ланилади. Айниқса, гўшти (хасип, қазн)
балиқчи, мевали ҳамда сабзавотли
консервалар (помидор, бодринг, қарам,
патинжон, бақлажон), маринадлар, қандо-
лат маҳсулотлари, турли мева ҳамда саб-
завот шарбатлари, спиртли ва салқин
ичимликлар тайёрлашда ишлатилади.

Кулинарияда, уй шаронтида зирвор си-
фатида кўпинча ўсимлик барги, гули, мева-
си, уруғи, илдизи, илдизпояси, пиези ҳам-
да туганаклари ишлатилади, шунингдек
кимёвий усуллар билан олинаётган сувий
хушбўй моддалардан ҳам фойдаланилади.

— Мамлакатимизда, шунингдек, жум-
хуриятимизда зирворларга бўлган эҳти-
ёж, ўйлаймики, ортиб бормоқда. Аммо
бу эҳтиёжни таъминлаш қай даражада?

— Уларга бўлган талаб доим ошиб
бормоқда. Сўнгги йилларда бу эҳтиёжни
қондириш учун хорижий мамлакатлардан
ҳар йили 12000 тонна зирвор, жумладан,
қорамурч, занжабил, михчагул, долчин,
бадьян, мускат ёнғоғи ва бошқалар харид
қилинмоқда.

Мамлакатимиз ўсимликлар оламида 500
та, Ўзбекистон набототида 200 дан ортқ
ўсимлик тури зирворлик хусусиятига эга
эканлиги аниқланган.

Ҳозирги кунда зирворларга бўлган эҳ-
тиёж ошиб боришига қарамасдан, улардан
фойдаланиш етарли йўлга қўйилмаган.
Шу сабабли, зирвор ўсимликлардан оқи-
лона ва унумли фойдаланишни тўғри
йўлга қўйиш, уларнинг ботаник таърифни,
тарқалиши ва ўсиш шароитини, гуллаш
даврини, фойдаланиш аъзоларини, юмё-
вий таркибини, териш ва сақлаш усуллари-
ни билш гоят зарур тадбир чоралар-
дан биридир.

— Улкамиз наботот олами анча бой.
Халқимиз унинг мўъжизаларидан ҳамиша
бахраманд. Шундай бўлса-да, биз улар-
дан тузукроқ фойдаланиш тугул турлари-
ни, номланишини ҳам яхши билмаймиз.

— Зирвор ўсимликларни жумхурияти-
мизнинг барча вилоятларидаги текислик-
лардан тортиб то тоғ зонасининг ҳар хил
экологик шароитларига мослашган ҳолда
учратиш мумкин.

Энг кўп ишлатиладиган қоразира, зира,
кашнич, оқзира, карафс, ачиқ қалампир,
булғор қалампир, ерқалампир, райҳон,
тоғрайҳон, кийикўт, лимонўт, сармсоқ
пиез, қорақанд, жамбил, зарчавалар ҳам-
мамизга маълум. Лекин қимматбаҳо зира-
вор ўсимликлар; алқор ўти, занжабил, зу-
фо, ерчай, тоғ жамбили, упор, шунгила,
маврак, ёввойи сабзи, чўлялпиз, тоғялпиз,
тотим, тоғдастарбош, қорақат, шероғин-
лар ҳозирга қадар кенг миқёсда оммалаш-
гани йўқ.

— Шу кунга келиб табобатимизда
қўлланилаётган барча дори-дармонлар-
нинг 40 фоизи ўсимликлардан олинаётган
экан. Сиз юқорида номларини келтирган
зирворлардан ҳам шу мақсадда фойда-
ланиш мумкинми?

— Зирвор ўсимлик хом ашёлари фи-
тонцидлик, бактерияларни қириш хусу-
сиятига эга бўлгани сабабли, улардан на
фақат зирвор, балки шифобахш гиёҳлар
сифатида ҳам фойдаланилади.

Халқ табобатида кийикўт шарбати ёки
дамламаси юрак фаолиятини яхшилашда,
артериал қон босимини камайтиришда иш-
латилади. Шунингдек кучли сийдик ҳайдаш
хусусиятига эга бўлгани учун буйрак ҳамда

сийдик йўллари тозалайди, унда учрай-
диган қум ва тошчаларни ҳайдаб чиқариш-
да фойда беради.

Кийикўтнинг барги, барра новдалари
чойга солиб истеъмол қилинганда хуштаъм
ва ёқимли ҳид бериши учунгина эмас,
балки чанқоқни босиб, иштаҳани очувчи,
овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган, тана-
га дармон берадиган восита сифатида
ҳам ишлатилади.

Тоғрайҳондан тайёрланган шарбат ёки
дамламадан асабини тинчлантиришда уйқу-
сизликни даволашда ва сийдик ҳайдовчи
восита тариқасида фойдаланиш мумкин.
Ванна қабул қилишда ишлатилса терини ях-
шилайдди, танадаги айрим доғларни йўқот-
са бўлади. Бундан ташқари, у млкни
муштақамлайди ҳамда тиш оғриғини қол-
диради.

Тоғрайҳондан тайёрланган шарбат ёки
турли хасталиклар, айниқса, тумов, қорин
оғриғи, балғам ташлаш, бодни даволовчи
ҳамда иштаҳа очувчи дори-дармон ўрнида
ишлатса бўлади.

Упор деган зирвор ўсимликдан қон бо-
симини, бош оғриғини, занжабилдан эса
меъда шираси кўпайишини, жонгилдон
қайнашини даволашда кенг фойдаланила-
ди.

Тотимнинг пишган мева ҳамда барг-
ларидан тайёрланган қайнатма, дамлама
ва шарбатлар билан қорин оғриғи,
оғиз бўшлиғида содир бўлган жароҳат-
лар, млк касалликлари даволанади. Унинг
меvasи нордон ва аскорбин кислотага бой
бўлгани учун иштаҳани очадиган ҳамда
овқат ҳазмини яхшилайдиган хусусиятга
эга.

Зирвор ўсимликдан дори-дармон си-
фатида фойдаланганда, унинг сифатига,
тайёрлаш услубига, истеъмол этиш миқдо-
рига эътибор қилиш лозим.

— Қаҳдор ака, мана, журналхонларга
маълумки, сиз ўсимликлар асосида бир
қанча чанқовбосди ичимлик яратувчилар-
дан бирисиз. Бу соҳадаги ютуқлар
ҳаммамизни қувонтиради, ҳам қизиқти-
ради.

— Шифобахшлик хусусиятига бой бўл-
ган энг қимматбаҳо зирвор ўсимликлар-

нинг бир қанча турларини жумхуриятимиз ўсимликлари олампидан саралаб, чуқур ўрганитиш учун илмий тадқиқот ишларини оlib бордик. Натижада бир қанча ўсимлик турларини озмиқ-овқат саноатида ишлатишга кенг йўлланма бердик. Айниқса, райхон, тоғрайхон, кийикўт, зира, қорақанд, алқор, чойўт, маврак, ёнғоқ барги, лимонўт, тоғдастарбош, ялпиз, бахмалгуллар асосий ҳам ашё бўлиб қолди.

Биз, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг ифдор мойли, ошловчи ва бўёқли ўсимликлар лабораториясининг олимлари бир қанча зиравор ўсимликлардан шифобахш ичимликлар тайёрлаш билан шуғулланаяпмиз. Ўзбекистон ССР ФА Биоорганик химия институтининг илмий ходимлари А. Исmoilов, А. Каримжонов, Э. Раҳимхонова ҳамда ишлаб чиқариш мутахассислари Л. Кобец, О. Сердюкова, О. Қозоқовлар билан ҳамкорликда уларни тайёрлаш технологияси ҳамда рецептларини ишлаб чиқиб «Орзу», «Ўзбекистон», «Чортоқ», «Райхон», «Тоғ гуллари», «Тошнинг» ва бошқа хил чанқов босди, қувват берадиган, турли дармондориларга бой бўлган алкогольсиз ичимликларини яратдик. Ҳозирда булар ишлаб чиқаришга кенг жорий этилган.

Булардан ташқари, зиравор ўсимликлардан концентратия тайёрлаш технологияси ҳам ҳамкорликда яратилди ва шу йўсинда Чортоқ озуқа концентратлари ишлаб чиқариш тажриба заводи юзага келди.

Ҳозирги кунда завод ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган талаб нафақат Ўзбекистонда ёки Урта Осиёда, балки Иттифокимизда, қолаверса хорижий мамлакатларда ҳам ошиб бормоқда.

— Анъанавий савол сифатида эмас,

журналхонларни оз бўлса-да янгиликлар, режалар билан таништириш мақсадида ҳозирги ишларингиз тўғрисида сўрамоқчи эдим.

— Ҳозирги пайтда зиравор, ифдор мойли, бўёқли ҳамда доривор ўсимликларнинг энг қимматбаҳо хом ашё бўладиганларини ўрганиш билан бандмиз.

Айниқса, чойўт, кийикўт, лимонўт, тоғрайхон, шеролгин, лимонли шувоқ, серқатли бахмалгул (гулхайри)нинг морфо-биологик хусусиятларини, экиб ўстириш, ҳосилдорлигини ошириш ҳамда улардаги фойдали моддалар миқдорининг ўзгаришини ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ёшига қараб аниқлаш ҳамда агротехник тадбирларни кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий этиш усулларини яратмоқдамиз.

Айни вақтда агротехникага асосланган ҳолда Наманган вилоятининг Чортоқ ноҳиясидаги «Ўзбекистон», «Чортоқ» ва Ҳамид Олимжон номли совхозларда 150 гектарга яқин майдонда саноат миқёсидаги бахмалгулзорлар ва хушбўй ўсимликзорлар барпо этилган.

— Мен ўйлайманки, ўсимликларга фойдали ёки зарарли деб қараш нисбий тушунча. Табиатда кераксиз ўсимликнинг ўзи йўқ. Усимликлар олемига, умуман табиатга бўлган муносабатимиз ундан қай йўсинда фойдаланишимиздан келиб чиқади.

— Жумхуриятимиз ўсимликлар олампидан учрайдиган барча ўсимлик турларни у ёки бу даражада шифобахшлик хусусиятига эга. Биз жуда кўп турдаги ўсимликларимизнинг шифобахшлик хусусиятларини аниқ билмаймиз, улардан фойдаланиш йўллари аниқланмаган, илмий томондан деярли ўрганилмаган. Йиллар давомида

ота-боболаримиздан бизгача етиб келган шифобахш гиёҳлардан фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаларга эътибор берилмади. Улар томонидан яратилган рецептлар архивларга тушиб кетган. Улар араб, форс алифбосида ёзилган бўлиб, бунини ўқийдиган, тушунадиган мутахассисларимиз ҳақдан ташқари оз.

Ҳозирда биз аждодларимиз томонидан қолдирилган меросларни ўрганиш ва энг фойдалиларини қайтадан тиклашга киришишимиз лозим.

Жумхуриятимиз ўсимликларидан 570 тури дори-дармонлик хусусиятига эга эканлиги аниқланган. Аслида эса 4137 турдан ортиқ гиёҳ мавжуд. Уларни ҳар тарафлама ўрганиш, қимматбаҳо хом ашё бўладиган турларини аниқлаш ва улардан оқилона ҳамда унумли фойдаланиш асосий вазифаларимиздан энг муҳими бўлиши керак. Бизнинг асосий мақсадимиз кўп йиллар давомида табиат ином этган нозу неъматлардан, табиий бойликлардан ҳақдан ташқари кўпроқ фойдаланишга, барча кўрсаткичларини ортиги билан бажаришга ҳаракат қилдик, табиатнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олмадик, табиатдан фақат кўпроқ фойда олишни ўйлаб, унинг охири нима билан тамом бўлишини ҳаёлимизга ҳам келтирмадик, табиатга деярли кўмаклашмадик, уни қайта тиклаш лозим эканлигини бутунлай унутиб юборган эдик. Шу ўринда Жан-Жак Руссонинг «Табиатга қайтиш» у билан ошно бўлиш, босган қадамимизни билишимиз ва у нима-ларга қодир эканлиги устида ўйлашимиз зарурлиги ҳақидаги қайди ёдга тушади.

Сухбатни Рустам ЕРЛАҚАБОВ эзиб олди.

БАРАКАЛИ УЛУШ

Ядро энергетикасининг элвантр энергияси ишлаб чиқаришдаги салмоғи қандай! Ҳисоб-китобларга қараганда, Францияда бундай улуш — 70 фоиздан кўпроқ, Бельгияда — 66, Жанубий Кореяда — 53, Швецияда — 50, Венгрияда — 39, Финляндияда — 37, Японияда — 29, Буюк Британия ва АҚШда — 18, СССРда — 11 фоизни ташкил этади.

ОҚИ — ИНЖИК

Ғарбий германиялик зоолог, профессор Хельмут Хеммернинг кузатишларига кўра, уй мушукларининг табиати уларнинг рангига кўпроқ боғлиқ экан. Чунончи, қора мушуклар ниҳоятда асабий, сез-



гир, қизиқувчан, эркалашни жуда яхши кўради. Ола-була мушуклар эгасига, айниқса болаларга тез илакишиб кетади. Йўл-йўл ранг мушуклар эса, аксинча, одамови, дамдуз, фақат одам билангина эмас, ҳатто ўз хешлари билан учрашишдан қочади, эркинлик ва мустақиллигини ёқтиради. Малла ва оқиш-малла мушуклар, одатда, беғам, тепса-тебранмас, осойишталики маъқул кўради, хоналишини. Оқ мушуклар инжиқ, асабий, сезгир, галатинамо бўлади. Салга жаҳли чиқаваради. Бошқа хешларга нисбатан оқ мушук турли юқумли касалликларга берилувчан.

АФСОНАДАГИ ҲАҚИҚАТ

Афсоналарга қараганда, Перунинг жанубида қадимги инклар олтин қазиб олишган бир район бор, деган хабар испан конкистадорларининг ҳаёлини банд қилиб қўяди. Бу хабарни эшитган перулик геологлар ҳам бу ерни қайтадан текшириб чиқишга қарор қилдилар. Улар бу ерда ҳали қўл тоғмаган янги олтин кинини аниқладилар ва жуда хурсанд бўлиб кетдилар. Бу ердаги олтин захирасининг ҳозирги кундаги баҳоси уч



миллиард франкдан кам эмас. Демак, ҳақиқатан ҳам ҳиндулар афсонасида ҳақиқат бор экан.

ХУРРАК ДАВОСИ

Эшитмадим деманглр, минслик шифокорларнинг муолажаси ёрдамида қанчадан-қанча кишилар хурракдан қутулишди. Қандай қилиб дейсизми! Хуррак, одатда, танглай лак-луки мушакларининг таранглиги сусайгани туфайли вужудга келади. Баъзиларнинг хурраги шундай кучли жаранглайдикки, унинг шовқини ҳатто 70 децибелдан ҳам ортиши мумкин. Бунини тасаввур этиш учун шунини айтиш кифояки, бу асфальт кўчира-

диган асбобниқидан ҳам баланд! Бугина эмас, хурракнинг саломатликка зарари бинойидек: унинг таъсиринда юқини ва кўйи нафас йўлларининг мароми бузилади. Минслик шифокорларнинг муолажа усули танглай лак-лукини «музлатиб» қўйишдан иборатдир. Бир галги муолажадаёқ хуррак буткул йўқолиши ёки жилла қурса, анчагина камайиши мумкин. Кузатишлардан аниқланишича, бу муолажа кишининг бирон аъзосига мутлақо зиён-заҳмат етказмас экан. Шу йўсинда юз нафардан зиёд хурракчининг мушулки осон бўлди. Мазкур муолажа усулига муаллифлик гувоҳнома-си берилиши унинг амалий аҳамияти нақадар катта эканлига далилдир.



БУХОРО ЁШИ

НЕЧАДА?

Абдулахад МУҲАММАДЖОНОВ,
УзССР ФА мухбир аъзоси.

Маълумки, 1970 йилнинг кузидан Урта Осиёдаги энг кўча шаҳарлардан бири Самарқанднинг 2500 йиллик тўйи нишонланди. Ҳозирда Бухоро, Тошкент, Термиз, Андижон ва бошқа шаҳарлар раҳбарияти, аҳолисининг ўз шаҳарлари тарихига, ёшига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан кейинги йилларда жойлардан Ўзбекистон Фанлар академияси номига муттасил равишда мактублар, мурожаатнома ва сўровлар келиб турмоқда. Бу эса Тошкент, Бухоро, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида археологик тадқиқотларнинг кенгайишига бирмунча туртки бўлди.

Шу тўғрисида 1970 йил ёзида Яҳё Фуломов раҳбарлигида Бухоро шаҳрида археологик қазишмалар бошланди. Аммо тадқиқотлар ҳали ниҳоясига етмасдан Бухоро жамоатчилиги, айниқса зиёлилари ўртасида «Бухоронинг ёши 3000 йилдан кам эмас», деган фикр кенг тарқала бошлади. Аммо археологик қазишмаларда бу рақамни тасдиқловчи топилмалар учрамаётган эди.

Ҳўш, Бухоронинг ёши 3000 йилга тенг деган маълумот қайси манбадан олинган.

Х асрда яшаган вобкентлик тарихчи Муҳаммад Наршахий «Бухоро тарихи» китобида икки бор ана шу рақамни қайд этиб ўтган. У Аркнинг қурилишини қадимги Эроннинг афсонавий шаҳзадаси Сиёвуш номи билан боғлайди: «Сиёвуш ибн Кайковус отасидан қочиб, Жайхун дарёсидан кечиб ўтди ва Афросиёб ҳузурига келди. Афросиёб уни яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, барча мулкни ҳам унга топширди... Кимлардир у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдирди. «Дарвозан ғуриён» деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига дафн этдилар... Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ошиқроқ вақт ўтди», деб ёзади Наршахий.

Агар шу факт асосида ҳулоса қилинадиган бўлса Бухоро арки 4000 йилдан ошиқроқ вақт илгари қурилган бўлиб, Бухоро ёши ҳам шунга тенг бўлиб чиқади.

Модомики, Бухоронинг ёши ҳақида сўз борар экан, Наршахийнинг ушбу китобида шунга оид яна бир муҳим маълумотга ҳам эътибор берайлик. Унда Бухоро шаҳар сифатида шаклланмаган, аммо қишлоқлар пайдо бўлган давр тасвирланиб шундай баён этилади: «Халқ кўпайгач, бир кишини сайлаб амир қиладилар, унинг номи Абрўй эди». Тарихдан маълумки, Абрўй Афросиёб ёки Сиёвуш каби афсонавий эмас, тарихий шахс. У VI асрнинг 80-йиллари бошида йирик мулкдорларга қарши Пойкенд шаҳрида кўтарилган халқ кўзғолонига бошчилик қилган. Кўзғолон оқибатида пойкендлик мулкдорлар қувиб юборилиб, шаҳар қисқа муддат бўлса-да, Абрўй бошлиқ камбағаллар қўлига ўтган. Турк хоқони Қора Чўрининг ёрдами билан 586 йилда кўзғолон бостирилиб Абрўй ўлдирилган. Бинобарин, Наршахийнинг ушбу маълумотини асос қилиб оладиган бўлсак, Бухоро ёши 4000 эмас 1400 йил бўлиб чиқади.

Бухоро ёши 3000 йилга тенг деб даъво қилувчилар Наршахийнинг бу маълумотига наҳотки эътибор бермаганлар. Қолаверса, шу ўринда «Бу рақамларнинг қай бирига ишониб керак», деган ҳақли савол тўғилади.

Шу сабабли Наршахийнинг маълумотларини археологик топилмалар асосида таҳлил этиш зарурияти тўғрисида. Биз бу ўринда Наршахий маълумотини шубҳа остига олиб, унинг қимматини камситмоқчи эмасмиз. Унинг араб тилида ёзилган асари XII асрда Абу Наср Аҳмад Қубовий ҳамда

Муҳаммад ибн Зуфар томонидан икки марта қисқартирилиб форс тилига таржима қилинган нусхасигина бизгача етиб келган. Аммо Бухоронинг қадим тарихига оид маълумотлар аксарият афсоналар асосида ёзилганлиги учун уларга тўла асосланиб бўлмайди.

Бизнингча, аввало «Бухоро» номининг келиб чиқишига доир баъзи маълумотларни кўриб ўтиш лозим. Чунки бу топонимнинг маъноси негизда шаҳар қад кўтарган даврда Зарафшон ерлари табиатининг қадимий сифатлари яширинган бўлиб, Наршахийнинг бу вилоят тўғрисидаги тафсилотларига ҳамоҳангдир. Шаҳар пайдо бўла бошлаган қадимги даврда бу ўлканинг ҳам табиий, ҳам тарихий манзарасини тиклашда маълум даражада қўмаклашади.

Шубҳасиз Бухоро номи тилга олинганда кўз олдимизда аввало шаҳарнинг кўрки ҳисобланган Исмоил Сомоний мақбараси, Чашмаи Аюб, Минораи Калон, Мағоки Аттор, Лабиҳовуз ансамбли, тоқу тимлар, масжиду мадрасалар ва карвонсаройлардан иборат нодир обидалар манзараси гавдаланади. Шунингдек бу қадим халқ орасидан Ибн Сино, Исмоил Бухорий, Наршахий, Малик Санжар, Маҳмуд Таробий, Баҳовуддин Нақшбандий ва бошқа алломалар етишиб чиққан.

Урта асрларда Урта ва Яқин Шарқда илму маърифат ва маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган бу қадим шаҳарга «Бухоро» номи ҳам бу ўлканинг табиатидан келиб чиққан ҳолда қўйилган.

Бухоро номи сўғдийча икки сўздан «Буғ ёки бағ» ва «оро» бирикмасидан иборат бўлиб «буғ» — тангри, худо, «оро» эса, безак, сайқал маъноларини англатган. Агар бу икки сўз асосида «Бухоро» атамасига изоҳ бериладиган бўлса, «худо сайқал берган ўлка», «Тангри нигоҳи тушган жой» ёки «Тангри жамоли» деган мазмун англанади.

Дарҳақиқат, «Бухоро» сўзининг этимологияси бу вилоятнинг қадим табиатига ҳамоҳанг бўлиб, буни ёзма манбалар ҳам, археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди.

Муҳаммад Наршахийнинг таърифлашича, Бухоро шаҳри қад кўтарган мавзе қадимдан ниҳоятда хушманзара бўлиб, бу ерлардан катта бир дарё оққан. «Ҳозирда Бухоро ўрнашган бу мавзе илгари ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган. Айрим жойларига эса Самарқанд тоғларидан оққан қор суви тўпланиб қолган эди. Самарқанд томонида битта катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» — «Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб ўпириб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада бу жой ботқоқлик бўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то битик ва Фарабгача суриб келтира берди. Сўнг сув тошиб келиши тўхтади. Бухоро ўрнашган жой аста-секин тўлиб текис ерга айланди ва шундай қилиб, у катта дарё Сўғд ва бу лойқалар билан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди».

Наршахийнинг бу сатрларидан кўриниб турибдики, сўз Бухоро шаҳри тўғрисида эмас, балки Зарафшон этагидagi Бухоро воҳаси ҳақида юритилган. Шубҳасиз воҳа қиёфасининг шаклланиши тўғрисида айтилган бу мулоҳаза илк ўрта асрларда водий ерларининг вужудга келиши ва бу жараёнда сув манбаларининг аҳамияти борасида етарли маълумотлар беради.

Бундан қарийб минг йил аввал айтилган бу фикр нақадар тўғри эканлигини Бухорода олиб борилган гидрогеологик ва археологик тадқиқотлар тасдиқлаб берди. Археологик



логик қазилмалардан маълум бўлишича, ҳозирги эски шаҳар атрофидан кенглиги 100—120 метр бўлган дарё оқиб ўтган. Бу дарё ўзани ҳозирги вақтда Улуғбек, Абдулазиз-хон ҳамда Мир Араб мадрасалари, Миноран Калон, Масжиди Калон ва тоқи Заргарон каби меъморчилик обидалари бўй чўзган замин бўйлаб ўтган. Бу ўзандан қачонлардир ҳайқириб оққан дарёнинг қум ва лойқаларидан вужудга келган қалин ётқизиқлар ва улар устида тўқай ва дарахтлар чиридисидан ҳосил бўлган торф қатламлари шаҳар заминининг пойдеворига айланган.

Наршахий маълумотларининг чуқур таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, табиати ниҳоятда бой бўлган бу хушманзара ўлка қадимда даставвал овчилик билан машғул бўлган аҳоли диққатини ўзига тортган.

«Одамлар Туркистон томонидан келар эдилар, — деб баён этади бу ҳақда Наршахий, — бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хуш келиб шу ерга жойлашдилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар йиғилишиб иморатлар қурдилар».

Бу маълумотларни ҳам археологик тадқиқот натижалари маълум даражада тасдиқлади. Топилмаларга қараганда фақат овчилик ва балиқчилик билан кун кечирган Бухоронинг энг қадимги аҳолиси милoddан аввалги 5—3 мингинчи



Қадимги суғорилган ерлар. Кўҳна канал излари. Варахша. Аркадаги қазилмалар.



йилларда ҳозирги Қоракўл ноҳиясидан 30—40 километр жануби-ғарбда жойлашган Катта ва Кичик Тузгон деган жойларда яшаган. Улар истиқомат қилган 60 дан ортиқ чайла ўринлари устоз Яҳё Ғуломов ва археолог Уткир Исломов томонидан топиб текширилган. Агарда бу маълумотларга асосланилса, Бухоро вилоятида чайлалардан иборат дастлабки турар жойлар бундан 7—5 минг йил муқаддам қад кўтара бошлаган дейиш мумкин.

Наршахий бу тўрида сўз юритар экан: «Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмасдан пайдо бўлган баъзи қишлоқлар — Нур, Харқонруд, Вардона, Таровча, Сафна ва Исвоналардир» — деб ёзади.

Бухоронинг қадим деҳқонлари яратган қадим обидаларидан бири даставвал 1950—52 йилларда Яҳё Ғуломов томонидан Замонбобо кўли соҳилида топилиб текширилган эди. Шундай обидалар 1961 йилда Зарафшоннинг қадимги ўзанларидан бири Бужайли соҳилидан ҳам топилган. Археолог А. Асқаров томонидан эса, Бухоро вилоятида пайдо бўлган энг қадимги қишлоқлардан бирининг харобалари топиб текширилди. Бу маълумотларга асосланиб Зарафшон водийсининг қуйи қисмидаги энг қадимги қишлоқлар бундан 3 ярим минг йил муқаддам қурила бошлаган дейиш мумкин. Қишлоқлар дарё ўзани адоғида якка тартибда бино қилинган бўлиб, улкан чайладан иборат илк деҳқончилик билан машғул қишлоқлардан эди.

1973—74 йилларда воҳада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Қалқонота, Конимех ва Варахша атрофида улкан хом ёштлардан бино қилинган кўп хонали монументал қишлоқлар харобаси топиб текширилди. Бу ёдгорликлар милoddан аввалги V асрга мансуб бўлиб Бухоро тарихига бирмунча ойдинлик киритади. Маълумотлар Бухоро воҳасида суғорма деҳқончилиikka асосланган қишлоқлар милoddан аввалги V асрда Конимех ва Вобкент дарёларининг адоғида қад кўтарганлигини кўрсатади.

Наршахий ҳам Бухоро воҳасининг обод этилиши ҳақида сўз юритганида айрим қишлоқларни, жумладан, Варахша, Ромитон, Ромуш ва Пойкендни «Бухородан қадимийроқдир» деб таърифлайди. Унинг ёзишича, Варахша ва Пойкенд подшоҳлар қароргоҳи бўлган: «Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Байканд — Пойканд эди. Шаҳар «Қалъайи Дабусий» — «Дабусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар». Шунингдек у «Баъзи китобларда Ромитонни Бухоро деб атаганлар», деган маълумотни келтиради.

Наршахий маълумотлари таҳлил қилинар экан, эҳтимол Қўрғони Ромитон қадимда Бухоро деб юритилгандир, деган фикр туғилиши табиийдир. Масалага қисман бўлса-да аниқлик киритиш учун Бухоро атрофида бир қанча археологик қазилмалар ўтказилди. Варахша, Қўрғони Ромитон, Ромуш каби қадимги шаҳар харобаларидан топилган топилмалар қайта кўриб чиқилди. Бухоро яқинидаги Толимурдапарттов, Тахмачтепа Тали Моҳитобон ёдгорликларида қазилмалар ўтказилди. Қадимги Пойкенд харобаларида археологик тадқиқотлар бошлаб юборилди. Натижада Наршахий «Бухородан қадимийроқдир» деб кўрсатган Ромуш, Варахша ва Пойкендларнинг энг қадимги топилмалари милoddан аввалги IV аср охири ва III асрга мансуб бўлиб, уларнинг ёши 2300 йилга тенг эканлиги аниқланди. Кўҳна Ромитоннинг остки қатламларидаги харобалар ҳатто милoddан III—IV асрларига тегишли эканлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, Наршахийнинг Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқлар ёши ҳақидаги маълумотлари археологик қазилмаларда ўз тасдиғини топмади. Шундай бўлса-да, бу икки хил манба маълумотлари шаҳарнинг пайдо бўлиш жараёнининг манзарасини тиклашда бирмунча аниқлик киритди. Бухоронинг ёши археологик тадқиқотлар орқали аниқланди.

«ЎЗИНГ УЧУН НИМАНИ ЯХШИ КЎРСАНГ, ЎЗГАЛАРГА ҲАМ ШУНИ РАВО КЎРГИН»

Бугунги кунда дин, хусусан, ислом дини, диндорлар ва атеизм ҳамда атеистлар ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши керак, деган савол кўпчилик журналхонларни қизиқтириши табиий. Шунингдек, бу масала шахснинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий турмушимиз, одоб-ахлоқ масалалари билан ҳам узвий боғланиб кетган. Шу муносабат билан, КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий фан-

лар академияси Илмий атеизм институтининг Тошкентдаги жумҳуриятлараро бўлими директори, тарих фанлари номзоди Алижон ҚУЧҚОРОВ, Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом маъҳади (институт) мудир Зоҳиджон ҚОДИРОВ ва журнал мухбири иштирок этган ушбу давра суҳбати эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

М у х б и р: Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик жараёнида динга, хусусан Исломга эътиқод қилувчи кишиларга муносабат илгариги даврларга қараганда бир оз бўлса-да ижобий томонга ўзгара бошлагани сезилмоқда. Бу ўзгаришлар нималарда намоён бўлаётир?

М у д и р: Тўғри, эндиликда бундай ўзгаришлар яққол сезилмоқда. Бунга мисол тариқасида ўтган йилнинг бошларида мусулмонлар талаби билан Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари IV Қурултойининг ўтказилиши ва ҳазрати Усмон Қуръонининг мусулмонлар ихтиёрига қайтариб берилишини келтириш мумкин. Бундан ташқари, фақат Ўзбекистоннинг ўзида юздан ортиқ янги масжидлар очилди ва бир неча қадимги масжид ҳамда зиёратгоҳлар Диний бошқарма ихтиёрига топширилди. Шунингдек, Бухородаги Мир Араб мадрасаси ҳамда Тошкент Ислом маъҳади талабалари, сони ўтган ўқув йилидан бошлаб оширилди. Мазкур диний таълим даргоҳлари учун ётоқхоналар қуришни режалаштирганмиз, улар қуриб битказилса, талабалар сонини янада кўпайтирамиз. Яна шуни ҳам айтишим керакки, ислом илмий даргоҳларимизга хорижий мамлакатлардан дарсликлар олишга руҳсат этилди, ҳозирга келиб бир неча номдаги қимматли дарсликлардан талабаларимиз фойдалана бошладилар.

Д и р е к т о р: Фақат ўтган йилнинг ўзида жумҳуриятимиздаги масжидлар аввалги даврларга нисбатан қарийб икки бараварга кўпайгани бу соҳада ҳам қайта қуриш бошланганидан далолат беради. Мамлакатимизда руҳонийларнинг юқори ҳоқимият органларига сайланганлиги, матбуот саҳифаларида чиқиб туришлари, диний мавзудаги материалларнинг бемалол ёритилаётганлиги, «Фан ва турмуш»да Қуръони карим ва Ҳадисдан парчалар берилгани, китоб ҳолида нашрга тайёрланаётгани, диний маросимларнинг бир неча йил илгариги шаронининг акси ўлароқ, ҳеч қандай тақиқсиз ўтказилаётганлиги янгиланиш куртакларидир.

М у х б и р: Шу ишларнинг ўзи қониқарлими!

Д и р е к т о р: Йўқ, албатта. Биз бу жараённинг бошланиши арафасида турибмиз.

М у х б и р: Диннинг, хусусан, Исломнинг жамиятда тутган ўрни, вазифалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак. Яқин пайтларгача воқеликни рўй-рост ёритиш ўрнига, уни бузиб талқин этилди. Бунда матбуотнинг ҳам маълум роли бор, юқоридан бўладиган тазйиқлар уни четлаб ўтмайди. Лекин матбуот бугун ҳам шу масалада «миқ» этаётгани йўқ. Хуллас, Ислом бугунги ҳаётда қандай аҳамиятга эга, деган савол туғилади.

М у д и р: Маълумки, барча динлар, шу жумладан Ислом ҳам кишиларни фақат ибодат қилишга буюрмай, балки уларни ахлоқ-одоб, ўзаро ҳурмат ва бошқа инсоний фазилатларга даъват қилади. Дин доимо инсоният фойдасини кўзда тутган. Ҳар бир дин инсонларнинг ўз замонасида бахтли-саодатли, тинч-омон яшашларига кафолат берган. Динларнинг охиригиси бўлган Ислом ҳам, унинг қонуни-қоидаларига тўлиқ амал қилинган тақдирда, бундай кафолатни беради.

Қуръони каримда Оллоҳ таоло айтади: «Сизларнинг Оллоҳ ҳузурида ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир», яъни Ислом таълимотига тўлароқ қилувчилардир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтганлар: «Бесабаб на тили билан, на қўли билан мусулмонларга ҳамда бошқа дин вакилларига озор бермаган киши қимматли мусулмондир». Ул зоти вобаракот яна шундай деганлар: «Ўзинг учун нимани яхши кўрсанг, ўзгаларга ҳам шуни раво кўргин». «Кимда ким кексаларимизни ҳурмат этмаса ва ёшларимизга меҳрибонлик қилмаса, у менинг умматим эмас». Бу ва бошқа илоҳий таълимотлардаги ҳикматларни ҳар бир киши ўз ҳаётига татбиқ қилса қандай яхши бўларди!

Ҳозирги пайтда жамиятимизда маънавий ва руҳий тарбиянинг етишмаслиги туфайли одамлар орасида ўзаро меҳр-муҳаббат каби умуминсо-

ний фазилатлар йўқолиб, ўғирлик, ахлоқсизлик, порахўрлик каби бизнинг бобокалонларимизга ёт бўлган қабихликлар кўпайиб бормоқда.

Бу каби иллатлар нафақат маънавий, руҳий тарбиянинг, шунингдек, диний тарбиянинг ҳам етишмовчилигидан келиб чиққанлиги аниқ. Чунки неча ўн йиллар мобайнида кишилар орасида динга қарши кенг кўламда тарғибот ишлари олиб борилди, лекин эвазига етарли маънавий-руҳий тарбия берилмади. Қуруқ, баландпарвоз гаплар, ваъдалар бўлди-ю, амалда эса маънавий поклик ҳақида шундай сўзлаганларнинг кўпчилиги жиноятчи, порахўр бўлиб чиқди.

Ислом дини инсонларни келиб чиқиши, миллати, irqидан қатъи назар, ҳалолликка, покликка, виждон амрига қулоқ солишга ва бошқа барча умуминсоний фазилатларга даъват этади ва уларни жамиятга зарар етказадиган ишлардан қайтаради.

М у х б и р: «Умуминсоний фазилатлар» деганингизда жаҳонга доврўг таратган ёзувчимиз Темур Пўлатовнинг шундай сўзлари ёдимга тушди: «Мен Исломчалик байналминнал, эътиқод рамзи умуминсоний бўлган бошқа динни билмайман, зотан мусулмонлик кишиларни бирлаштирувчи дин сифатида носороларни ҳам, яҳудийларни ҳам тенг кўради ва улар ҳам барча учун умумий бўлган Яратганга эгадир, деб ҳисоблайди. Ислом инсоният пайғамбарлари сафидан ўрин олган Моисей [Мусо] ва Исус [Исо]ни ҳам баб-баравар ҳурмат қилади ва айб ишонч-эътиқодда эмас, балки уни бузган одамларда, Муҳаммад Исус Христос изидан бориб, адашган ва гуноҳкорларни яна ҳақиқат йўлига даъват этган, деб таъкидлайди».

М у д и р: Шу маънода динлар тарихи, хусусан Ислом динининг ўтмишини, тарбиявий аҳамиятга молик жиҳатларини матбуот ва бошқа воситалар орқали ёритишга кенгроқ имконият яратиб бериш лозим бўлади.

Д и р е к т о р: Ислом динига эътиқод қилувчи барча кишилар совет халқи қатори бугунги қайта қуришнинг мураккаб вазифаларини бажаришга



ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Айниқса уларнинг раҳм-шафқат, тинчликни ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза этиш ҳаракатидаги, ёшларни тарбиялашдаги фаолияти диққатга сазовор.

Ҳеч бир миллат фан, техника ва маданиятни ривожлантирмай туриб, илғор миллат бўлиб етиша олмаслигини унутмаслик керак. Бундай олижаноб вазифани мактаб, олий мактаб, фан, маданият соҳасидаги ишларни ўтмишдаги бой анъаналаримиз ва ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари асосида тубдан қайта қуриш асосидагина амалга ошириш мумкин. Мен бугунги муаммоларимизни ҳал этишнинг калитини шуларда деб билман. Бунинг атеистлар ҳам, диндорлар ҳам тўғри тушунишларига ишончим комил.

М у х б и р: Дин ва давлат, дин ва атеизм ўртасида ҳозирда қандай муносабатлар таркиб топиши керак, деган масала ҳам долзарбдир. Утган йили журналхонлар билан бўлган учрашувларда шу масалага доир кўп-кўп саволлар берилди. Уйлайманки, сизларнинг жавобларингиз бошқа журналхонларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этади.

Директор: Аввал мен сўзлай қолай. Ҳозирги шароит ва жамиятимизни демократиялаштиришнинг истиқболи шуни тақозо этадики, давлат ва жамоат ташкилотлари диний жамоаларнинг ташкил топиши ва тугатилишига, уларнинг ички ишларига, кишиларнинг динга эътиқод қилиш ёки қилмасликларига, диний урф-одатларни ўтказиш ёки ўтказмасликларига баъзи ҳор аралашмасликлари керак. Уларни таъқиб остига олиш эса мутлақо қонунсизликдир. Фақат диний фаолият совет қонунларига хилоф бўлмаслиги керак.

Дин билан атеизм муносабатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда аввало дин ва атеизм, диндор билан атеист ўртасидаги «душманлик» образини, аниқроғи, тушунчасини негизи билан тугатиш керак ва тенглик асо-

сида ўзаро мулоқот, мунозара йўлига ўтиш керак. Бу мулоқот ёки мунозарада «голиб» ва «мағлуб»лар бўлмайди. Диндор ёки атеист бўлишидан қатъи назар, кимки кишиларни инсонпарвар, меҳнатсевар, ватанпарвар қилиб тарбияласа, кимки ҳаётда адолатни тезроқ қарор топтиришга, одамлар турмуш шароитини яхшилашга ҳисса қўшса, ўшандай инсонлар жамият учун зарур.

М у д и р: Бу муносабатлар янада ижобий томонга ўзгармоғи лозим, чунки бу — давр талабидир. Ҳозир мамлакатимизда иқтисодий инқироз ҳақида кўп ва хўп гапирилмоқда, лекин маънавий ва руҳий қашшоқлик ундан ҳавфлироқдир. Дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши бу қашшоқликни енгиш учун зарур. Бунинг учун давлат идораларидаги масъул кишилар масалага ижобий ёндошишлари керак бўлади.

Атеизм соҳасига келсак, атеистлар бундан буён Исломи билмай, илгаригидек кўр-кўрона қоралайвермасдан, фикрларини чуқур илмий таҳлил асосида ёритишлари зарурки, акс ҳолда уларга нисбатан нафақат диндор ва динга эҳтиром билан қаровчилар, балки бошқаларнинг ҳам муносабати ўзгармай қолаверади.

Давлат билан дин ўртасидаги ҳозирги муносабат бизни сира қониқтирмайди, чунки ҳозирда ҳам ҳукумат қошидаги диний ишларга масъул баъзи ходимлар динга нисбатан турғунлик йилларидаги эски тафаккурлари билан ёндошмоқдалар. Бунга мисол сифатида, мамлакатимиз марказидаги биз, диндорлар билан ҳукумат ўртасида воситачилик қилувчи диний ишлар бўйича кенгаш фаолиятини келтириш мумкин. У бизнинг ўқув юртларимиз низомини тасдиқлаб бериши керак, мана, 2 йил бўлдики ҳануз жавоб йўқ. Ёки бўлмаса, СССР бўйича ҳар йили атиги 20 — 25 киши динимизнинг асосий фарзларидан бири бўлган ҳажни адо этишга Макка мукаррамага бориш имкониятига эга, холос. Диний бошқарма ҳажга бориш ададини кўпайтиришни талаб этган ёзма сўровга ҳам бояги идорадан 1 йилдан буён жавоб кутилмоқда. Шунингдек, хориждаги дорилфунунларга таълим олиш учун талабалар юбориш ҳақидаги талабларга ҳам жавоб йўқ, ваҳоланки бизга хорижий дорилфунунлардан расмий таклифномалар келган. Шулардан хулосага келиш мумкинки, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар ҳали замон талабига, қайта қуриш сиёсати талабларига жавоб бермайди.

М у х б и р: 20 — 30-йилларда маданий меросимизни йўқотишга ва ўтмишимиздан маҳрум этишга киришилган машъум даврда дин ва диндорларга бўлган ҳужумлар бир неча йил муқаддам бошқача кўринишда содир бўлди. Келгусида бундай ҳолатларнинг такрорланмаслигига ким кафолат бера олади!

Директор: Уша даврда Исло-

га, миллатимизнинг моддий ва маданий бойликларига нисбатан ваҳшийларча муносабатлардан пайдо бўлган қўрқув ҳисси ҳалигача сезилиб турибди. Ўзбек халқини атиги ўн йил ичида учинчи ёзувга ўтказиш эса инсоният тарихида мисли кўрилмаган ягона ҳодисадир. Бой маданий меросимиз, минг-мигглаб китоблар, қўлёзмалар фақат араб алифбосидаги илгариги ёзувимизда битилгани учун кули кўкка совурилди, қанчадан қанча руҳонийлар, диндорлар қатагон этилди.

Буларни ҳозирда тан олиш керак. Маъмурий-буйруқбозлик услубида иш юритаётганларнинг динга бўлаётган муносабатларида бу таъсир онг ва қонга ниҳоятда сингиб кетганлиги сезилиб турибди.

Шуни ҳам айтиш керакки, файласуф, шарқшунос ва тарихчи олимлар диний меросни ўрганишга, тарғиб этишга ҳанузгача қиришмаётганликлари кишини таажублантиради. Мен бу ўринда атеист олимларнинг масъуллигини инкор қилмоқчимасман, албатта. Жумҳуриятимизда Исломи тарихи, унинг ақидалари, Ўрта Осиёга тарқалиши, бу ердаги халқларнинг тарихи, маданий ҳаётида тутган ўрни билан шуғулланувчи олим, профессор Муталлиб Усмоновдан бўлак бу соҳада бирор мутахассис йўқ. Ҳар бир соҳада мутахассис етарли бўлмаса ва чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилмаса, хоҳ у атеизмда бўлсин, хоҳ Исломи тарихи бўйича бўлсин, кўча гаплари савиясида қолаверади. Тарих ва маданиятимизга бундай муносабатда бўлиш миллатнинг маънавий савиясини оширишга, унинг истиқболга жуда катта путур етказиши. Бунинг жумҳуриятимиз бошидан кечираётган ҳозирги вазиятда ҳар биримиз тўлиқ ҳис этиб турибмиз.

М у х б и р: Айтинг-чи, давлатнинг динга бўлган муносабати ўзгара бошлагани туфайли атеистик тарбия масаласи қандай бўлиши керак!

Директор: Гапнинг лўндасини айтсам, дин билан атеизм ўртасида доимо бир масала устиде кураш давом этиб келаяпти: кишининг турмуш, иш шароитини, бошқа кишилар, ташкилотлар билан муносабатини қандай қилиб адолатли асосда олиб бориш керак! Фақат, диндорлар ва атеистлар бунни турли, ўзига хос йўллар билан тушунтиришади, холос.

Атеизмнинг инқирозга учраганлигининг асосий сабаби унинг воқеликдан, кишиларнинг дардли муаммоларидан ажралиб қолганлигидан ва диннинг ҳам, атеизмнинг ҳам маъмурий буйруқбозлик услуби кишиларни билан боғлини келганлигидандир. Биринчи навбатда шу кишилардан озод бўлиш керак. Сўнгра қуруқ ва ҳаётдан узилиб қолган, кишиларнинг турмуш тарзи билан боғланмаган, фақат худо борми-йўқлигидан мунозара этадиган маъруза ва суҳбатлардан воз кечиб, инсоннинг кундалик ҳаётини яхшилаш, унинг маданий савиясини ошириш ишлари билан шуғулланиш керак. Мана бу ҳақиқий атеизм бўлади.

Дўконларда зарур маҳсулотлар етишмаса, турмуш шароити қимматчиликка юз тутган бўлса [айниқса қишлоқ аҳли иқтисодий аҳволининг танглиги] ва бу асосда жамиятда порахўрлик, юлғичлик, маънавий ва ахлоқий инқироз кучаяётган бир пайтда динга, худого қарши курашга қақирини, тарбия ҳақида маъруза қилишнинг ўзи ахлоқсизлик бўлади! Бу ҳақда СССР халқ депутатлари съездида жуда тўғри гапирилди.

М у х б и р: Дин ва бидъат бошқа-бошқа нарсалар. Бидъатни танқид қилиб туриб, динга «тош отиш» ҳалолликдан бўлмаса керак. Шу ҳақда ҳам фикр-мулоҳазаларингизни эшитсак.

М у д и р: Тўғри, дин бошқа, бидъат бошқа. Бу тўғрида пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам: «Ҳар бир бидъат залолатдур [яъни нотўғри йўлга бошлайди] ва залолатнинг оқибати дўзахдур», — деганлар. Бидъат деб — Исломининг асосий таълимотларида бўлмаган нарсаларни ундан

деб тушуниб, шунни бажаришга айтилади. Афсуски, мусулмонларимиз турмушида бидъат ишлар анчагина мавжуд. Диний бошқармаларимиз бундай бидъатларга қарши турли фатволар чиқарган ва масжидлар орқали улар халқимизга етказилган. Киши вафот этгандан сўнг қилинадиган еттиси, йигирмаси, қирқи каби маросимлар, суннат тўйи, бешик тўйи ҳам аслида бидъат ҳисобланади, лекин улар халқимизнинг урф-одатига айланиб, кенг тарқалган. Бу эса, ўз навбатида, Исломга қарши курашувчилар учун ниҳоятда қўл келади ва улар мазкур маросимлар Ислом таълимотидан деб унга қора чаплайдилар.

Д и р е к т о р: Урф-одатларга келсак, уларда ҳар бир миллатнинг турмуш тарзи, ўтмиши, ҳозирги кунни, маданий мероси мужассам. Шу боис удумларимизнинг мазмуни, миллийлик ва умуминсонийлик жиҳатларини ривожлантириш, есдан чиққан, унутилганларини тиклаш, ортиқча ташвиш ва харажатлардан озод этиш керак бўлади. Фақат, урф-одатлар динийми ёки диний эмаслигини мунозара қилиш ўрнига уларни ўтказишга ёрдам берадиган савдо, транспорт, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятидаги тўраларча муносабат, юлғичлик каби чидаб бўлмайдиган ҳолатларга мутлақо чек қўйишга эришишимиз керак. Агар шулар амалга оширилса, бунда раҳбар ходимлар, коммунистлар, барча зиёлилар шахсий намуна кўрсатишса, халқ қайси урф-одатларнинг яхшилигини ўзи ҳал этади. Фақат, уларга ёрдам бериш ҳамманинг бурчи.

М у х б и р: Мана, суҳбатимиз ҳам охирлаб қолди. Якунида дин, хусусан, Ислом тарихининг матбуотда ёритилиши, масалани, «Фан ва турмуш»да Қуръон ва Ҳадислардан парчалар берилганини қандай баҳолашингиз ҳақидаги мулоҳазаларни ўртоқлашсангиз.

М у д и р: Оллоҳ таоло ҳар-ҳар замонда бир динларни пайғамбарлари орқали юбориб, уларни халқларга етказишни буюрган. Шу жумладан Ислом динини инсониятга етказиш учун

пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламу юборди. Пайғамбаримиз ўз пайтида бу вазифани мукаммал адо этдилар ва кейинги келадиган мусулмонларга: «Менинг номимдан битта оят бўлса ҳам одамларга етказинг», — деганлар. Ислом динини тўғри, асосли равишда одамларга етказиш зарур. Қуръон ва Ҳадисдан баъзи парчаларнинг журналда ёритилгани жуда яхши иш бўлган. Айни пайтда Қуръонни таржима қилиш мисли кўрилмаган мураккаб иш. Уни ўзбек тилига таржима қилишда араб тили қондаларини, балоғат-фасоҳат илмларини ва тафсир учун шарт қилинган бошқа илмларни чуқур эгаллаган кишилар биргаликда иштирок этиши зарур.

Журналнинг эски ўзбек ёзувидан сабоқ беришни йўлга қўйгани ҳам таҳсинга сазовор ишлардандир. Чунки халқимизни тезроқ бу ёзувга ўргатишни йўлга қўйиш керак, шунда ота-боболаримиз қолдириб кетган улкан маданий меросдан баҳраманд бўлиш мумкин. Қолаверса, журналда ахлоқ-одоб, инсоний фазилатлар ҳақида мақолалар берилса яхши бўларди.

Умуман, истардимки, халқимиз ҳам моддий томондан, ҳам маънавий ва руҳий жиҳатдан бой бўлса. Чунки куш самодат қаноти жуфтлиги туфайли учганидек, халқимиз ҳар икки жиҳатдан бой бўлса, жамиятимизда ижобий ўзгаришлар юз беришига шубҳа йўқ.

Д и р е к т о р: Журналнинг маърифатли инсонни тарбиялаш йўлидаги бир қатор ташаббусларини чин кўнгилдан маъқуллайман. Бу борада мактублар йўллаб, журналнинг қизиқарли чиқишига ўз ҳиссасини қўшаётган халқимизга энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

М у х б и р: Сизларга ҳам бугунги давра суҳбатида иштирок этиб, қимматли мулоҳазаларни ўртоқлашганингиз учун кўпминг сонли журналхонлар номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Давра суҳбатини Саидмурод ХУЖАЕВ ёзиб олди.

Боши 5-бетда

ва газ-энг кўп қазиб олинган йиллардаги энергия миқдоридан кўпроқ. Олимларнинг келажак энергетикаси борасидаги деярли хаёлий хулосалари ХХI асрда воқеликка айланса керак. Бунинг учун энергетик хом ашёларни қазиб олиш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш, ҳозирги замон техникаси етиб боролмайдиган чуқурликлардан хом ашёларни қазиб олишни ўрганиш, табиий манбалар — Қуёш ва ер қаърига йўл топиш керак. Шу билан бирга чигал муаммоларнинг оддий ечимларини топишга қодир бўлган инсон ақл-заковатининг ижодий имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарур.

Агар табиатга билимдонлик билан муносабатда бўлинса, унинг қонунарига амал қилинса, турли фожеаларга чек қўйилади, табиат инсоннинг мададкорига айланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ф. Энгельс айтганидек: «Табиат устидан эришилган ғалабаларимиздан қувонмасак ҳам бўлади... Бу ғалабаларнинг ҳар бири биринчи навбатда биз кутган натижаларни беради, аммо кейин буткул бош-

қа, қутилмаган, биз эришган натижаларни бир пул қиладиган оқибатларга олиб келади». Сўнгги йилларда юз берган фожеали ҳодисалар, жумладан, Чернобиль АЭС даги ҳалокат, АҚШ нинг «Челленжер» космик кемаси ҳалокати, экологик танглик ва бошқалар ушбу фикр нақадар тўғри эканлигини, энергиянинг қудратли кучи билан ҳисоблашмаслик қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди. Бу эса фақат изчил ва чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилган тақдирдагина турли фожеаларнинг олдини олиш мумкинлигини яна бир бор исбот қилди. Зеро етти ўлчаб бир кес, деган мақол бежиз айтилмаган. Хуллас, олимлар ва мутахассислар зиммасида цивилизациямизни энергия билан таъминлашдек жуда муҳим ва долзарб масала турибди.

Раббим ФАЙЗИЕВ,
ЎзССР ФА Механика ва иншоотлар
сейсмик мустаҳкамлиги институтининг
илмий ходими, физика-математика
фанлари номзоди.

ТУРКИСТОН: УЧ ИНҚИЛОБ ДАВРИДА

Улкамиз тарихининг ҳаққоний илмий таҳлил этиб ёритилган саҳифаларига бугунги матбуотда кенг ўрин ажратилаётгани қайта қуриш ва ошкоралик даври руҳига монанддир. Утган йили журнализмнинг август ва октябрь ойи сонларида тарихчи олим Ҳайдарбек Бобобековнинг «Россия Урта Осиёни босиб олганми?» номли мақоласи эълон қилиниб, унда XIX аср бошларидан то 80-йилларигача бўлган катта тарихий даврни имкон қадар атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган эди. Бундан кейинги йиллар ва XX

аср бошларида, яъни 1905—1917 йиллар оралигидаги Туркистон тарихининг архив материаллари, тарихий ҳужжатлар асосида ёритилган саҳифаларини ушбу сондан бошлаб эътиборингизга ҳавола этаётимиз. Қуйида кўп йиллик муштарийларимиз яхши танийдиган, қизиқарли мақолалари билан журналимизда фаол иштирок этиб келаётган тарихчи олим Ҳамдам Содиқовнинг шу даврларни қамраб олувчи туркум мақолаларидан дастлабкиси билан танишишингиз мумкин.

УТГАН асрнинг охирида ўзбек ерлари Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасида парчаланган эди.

Туркистон генерал-губернаторлиги [1867—1917 йиллар] Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Закаспий ва Еттисувдан иборат беш вилоятни ўз ичига олган. Унга Бухоро ва Хива хонликлари ҳам тобе бўлган.

«Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га кўра ўлкада «ҳарбий-халқ бошқаруви» жорий қилинган. Улка бошлиғи генерал-губернатор бўлиб, у Россия императори томонидан шахсан тайинланган. Генерал-губернатор айна вақтда Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонини, Еттисувдаги казак қўшини атамани ҳам бўлган.

Вилоятларни ҳарбий губернаторлар, уездларни уезд бошлиқлари, даҳа-участкаларни приставлар бошқаришган. Бу лавозимларга асосан юқори унвондаги офицерлар ва генераллар тайинланган.

Сийёсий тусга эга бўлмаган барча маҳаллий ишлар аҳоли сайлайдиган мансабдорлар, яъни бўлис бошқарувчилари — мингбошилар, шаҳар ва қишлоқ старшиналари — оқсоқоллар, халқ судьялари — қозиларга топширилган.

Чоризм маҳаллий аҳолига «сайлов ҳуқуқи» бериш билан ўлкада гўё «ўз-ўзини бошқариш» усули жорий этган, чор ҳокимияти ўзини фуқаропарвар ҳокимият деб кўрсатишни истар эди.

Сайловлар икки босқичда ўтказилган. Қишлоқ ёки овул аҳолиси ўн хонадондан бир сайловчи — ўнбоши, ўнбошилар эса йғинида қишлоқ ёки овул оқсоқолининг номзодини кўрсатар, элликбошилар — эллик хонадон ё ўтовдан сайланар эди. Бўлис йғинида элликбошилар чор маъмурияти вакиллари иштирокида бўлис бошқарувчиси — мингбоши учун ёлпқ овоз беришган. Қўтилар атрофида тизилган элликбошиларни уезд бошлиғи ёрдамчиси бирин-кетин чақириб турган, улар эса махсус соққаларни қўтиларга ташлаган. Мингбоши лавозимига номзодларнинг қай бири кўп овоз олганлигини — бой, савдогарлар иштирокида уезд бошлиғи ёрдамчиси аниқлаб эълон қилган. Хусусий мулк давлат тузумининг барқарорлигини таъминловчи энг муҳим омил деб ҳисобланган, чор амалдорлари маҳаллий ҳокимиятга мулкдор табақадagi кишилар сайланиши учун шарт-шароит яратишган.

Улка шаҳарларини ноҳия бошлиқлари идора этган. Сийёсий-маъмурий марказ ҳисобланган Тошкент эса Россия империясида мавжуд бўлган «Шаҳар низоми»га кўра бошқарилган. Сийёсий назорат шаҳар бошлиғи — ҳојимда, қолган ишлар эса шаҳар думаси иштирокида бўлган. Думага шаҳар даҳаларидан депутатлар (гласнийлар) сайланган, улар эса шаҳар оқсоқоли (голова) бошчилигида бир маҳкама (управа)га бирилашиб, ҳўжалик ишларини юриштишган. Шу тариқа «ҳарбий-халқ бошқаруви» — чор Россиясининг мустамлака идора услуби ташкил топди.

Ўзбек халқи мустабид ҳокимиятга ва мустамлакачилик сийёсатига ўз муносабатини мингбоши, қози, оқсоқоллар сайловида очиқ-ойдин намойиш этган. Улка генерал-губернатори маҳкамаси, сийёсий разведка, полиция бошқармалари архивларида сақланган ва бизгача этиб келган ҳужжатларда бундай сайловлар баъзан галаён тусини олганлиги қайд этилган. Қўрама уезди бошлиғи полковник Каллаурнинг 1880 йил 16 июлда ёзган рапорти шу жумладандир. «Мен 10-июль кўни бўлис бошқарувчиси сайловини ўтказиш учун Хурдон бўлисига келдим, — деб ёзади Каллаур. — Мулла Шермуҳаммад Худойберганов, Холмуҳаммад Худойберганов, Муҳаммадқул Қоплонов бошчилигидаги оломон мен тушган уйни қўрашб олди. Халойиқ олдига чиққанмида одамлар Мулла Шермуҳаммад номзодини сайловга қўйишини талаб қилишди. Мен уларга йғилиш ўтказиладиган жойга боришларини буюрдим. Аммо улар кўрсатилган жойга бормасликларини айтиб

бақаришди. Шунда мен оломонни тарқатиб юборишни буюрдим. Лекин оломон орасидаги галамислар қаршилиқ кўрсатишга одамларни ундади. Улар буйруғимни бажаришга киришган йғитларимга қаршилиқ кўрсата бошлашди. Ур-йқит бошланиб кетди.

Одамларни тўполонга бошлаганлардан бири Муҳаммадқул Қоплонов тилмочининг юзига тарсаки тортди. Отлиқ казаклар этиб келгачгина оломонни тарқатиб юборишга ва галамисларни ҳибсга олишга эришдик. Қўлга олинган Мулла Шермуҳаммад, Муҳаммадқул Қоплонов ва Холмуҳаммад Худойбергановни Қўйлиққа юборгач, йғилиш белгиланган жойга бордим. Аммо у ерда элликбошилардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Одамлар икки чақиримча наридаги қўрғончада тўпланишиб, тўполонни давом эттиришга тўтганини хабар қилишди. Мен тилмоч ва миршабларни улар олдига жўнатдим. Кўп ўтмай улар қайтиб келишди. Одамлар уларни яна дўппослашибди... Халойиққа уларнинг бебошлиғи хунук оқибатларга олиб келишини босиқлик билан тушунтира бошладим. Қонунга кўра бундай тартиббузарлик яхшилиқка олиб келмаслиги ва оғир жазога дучор этилишларини айтдим. Оломон гапларимни сукут сақлаб эшитди. Аммо йғилишга бориш учун жойидан қимирламади. Сайловдан очикдан-очик бош тортишдан ташқари менга дўқ-пўписалар эшитилди.

— Дўқ қилма! Сибирингдан ҳам қўрқмаймиз! — деган қичқирлар янгради.

Оломоннинг авзойи бузуқлигини кўриб, сайловни қолдиришга қарор қилдим».

Полковникнинг рапортига кўра, «тўполон» чиқарган кишилар — юқорда айтилган уч камбағал деҳқон ҳибсга олиниб, Еттисувга бадарга қилинади. Чор ҳуқумати ўз ҳуқуқини талаб қилган кишилардан ана шундай ўч олди. Аммо бундай жазо чоралари халқ курашини тўхтата олмади.

Анджон атрофидаги Қўқонқишлоқ (ҳозирги Пахтаобод) бўлисида 1893 йил 13 февралда рўй берган воқеа маъмурларни гоят таҳликага солди. Пристав Шаригин элликбошилар ва мингбоши сайловини ўтказиш учун Қашқар қишлоғига келади. Номзодларнинг кўпчилиги халқ ёмон кўрган кишилар эканлиги аён бўлади. Халқ приставдан бошқа сайлов ўтказиб, элликбошиларни муносиб шахслардан сайлашни илтимос қилади. Бойлардан пора олиб, оғзи мойланган Шаригин уларнинг илтимосини рад этади. Норози оломон уларни казаклар ёрдамга келгунча калтаклайди. Одамлардан ўч йиши «тартибсизлик ташаббускорлари» сифатида қалоққа олиниб, Анджон турмасига жўнатилади. Аммо йўлда деҳқонлар миршабларга ҳужум қилиб, ҳибсга олинганларни қўтқаради. Пристав Шаригин қўйдек ювош деб ҳисоблаб келган ўзбек деҳқонларини танимай қолади, ўз жонини қўтқариш пайига тушади.

Шу кўни Қўқонқишлоқдаги воқеалар Узган, Ойим бўлисларигача этиб, Омончур, Масса қишлоқларида ҳам одамлар кўтарилгани, сайловлар очикдан-очик галаён тусини ола бошлагани маълум бўлади.

Генерал-губернатор барон Вревский буйруғи билан Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ёрдамчиси генерал-майор Мединский бошчилигидаги икки юздан зиёд аскар ва офицерлардан иборат жазо отряди Қўқонқишлоққа жўнатилади. Отряд зиммасига аҳоли батамом тинчланмагунча «тартиб ўрнатиш» юлганган эди. Шуниси қизиқки, подполковник Бряновнинг фикрича, қишлоқ аҳолисига «ҳарбий куч айтарли таъсир қилмади». Генерал Мединский ҳам унинг фикрига қўшилади. Омлавий жазолашни кучайтиришга қарор қилинади. Мединский буйруғи билан «ғаламислар»дан 31 киши яланғоч ҳолда очик майдонга ётқизилади. Аскарлар уларни дарра ва қамчин билан савалашди, ҳарбийларни боқиб учун аҳолидан катта жарима сифатида солиқ ундирилади.



Подшо амалдорларини яна бир далил талвасага солди: ўзбеклар Сибирга сургундан ҳам кўрқмай қолишибди. Бунинг оқибати эса хунук. Сиёсий разведка ва хуфия ишлар билан шуғулланувчи маҳкаманинг махсус бўлими биргина Фарғона вилоятида 1885—1892 йилларда ҳокимиятга қарши 205 жиноят содир этилгани ва унда асосан Сибирь сургунидан қочган ўзбеклар бош-қош бўлганини қайд этган. Барон Вревскийнинг ҳарбий министр П. Ванновскийга 1892 йил 17 мартда йўллаган рапортида шундай дейилган: «Тажриба шунини кўрсатдики, бу ўлкада ошқора қатлгина маҳаллий аҳолига таъсир кўрсата олади. Сиз, саодати олийларидан ўлим ҳукмини Россияда ошқора ижро этмаслик ҳақидаги қонунни Туркистон ўлкасига татбиқ этмасликка ризолик олиб берсангиз, деб илтимос қиламан».

Ҳарбий министр генерал-губернаторга исталган кишини ҳарбий судга беришга ижозат этади, ammo ўлим ҳукмини ошқора ижро этишга рухсат беришга ботинолмайди. Министр чет элда шов-шув кўтарилишидан ҳайқидади.

1896 йилда Наманган уездининг Оқчи-Шаҳрихон бўлисидаги мингбоши сайловида кучли ғалаён чиқиб, уезд бошлиғининг ўзи икки минг кишилик халойиқ олдида ҳақиқий сайловларни ўтказишга ваъда беражагини айтади.

Янгиқўрган пристави штабс-капитан Еникеев ўша йили Сарой қишлоғида камбағал деҳқонларнинг сайловга тўпланган элликбошиларни қуршаб олишгани ва катта тўполон тараддудини кўриб сайловни бекор этганини ҳоюмга маълум қилган.

Сайловлар жиддий синфий кураш тусини олганидан хавотирланган юқори лавозимдаги амалдорлар, архив материалларида ёзилишича бунинг ўзларида шундай шарҳлашди: «Туркистон ўлкасининг ерли аҳолиси ҳали жуда паст ақлий ривожланиш босқичида. У ўз маъмурияти ва судини ўзи сайлаш ҳуқуқини тушуниши, қадрига етиши учун ҳали жуда гўр ва нодондир. Жамият қонуни томонидан ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланишни билмайди, бу ҳуқуқ унинг фақат зарарига хизмат қилади».

Улканнинг ҳарбий-сиёсий раҳбарлиги шундай хаёллар билан ўзини овутиб, яқинлашиб қолган хавфни сезмади. Сайловлардаги ғалаёнлар катта гулхандан дарак берувчи учқунлар эканлигини пайқамасди. Ўзбек халқининг сабр косаси тўлганини чор амалдорлари эмас, балки илгор рус зиёлилари тушунди. Профессор Н. И. Веселовский ўша вақтда, аниқроғи, 1885 йилда тадқиқотчи хос зийраклик билан шундай ёзган эди: «Биз маданият олиб келдик деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осёликларга тинчлик ва осойишталик бердик деб ўзимизни овутамиз. Аммо булардан ҳам юксак бир олий туйғу борки, бу — миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Мусулмонлар ҳолини тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим оғир, миллий ўлим эса ундан ҳам оғирроқ. Бизнинг ҳукмронлигимизда эса улар шундай ҳолга тушдилар. Бас, шундай экан, ҳукмронлигимизга қарши ғалаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар борки, улар ҳақ оқ ёки тўқлигидан катъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоян этмак...»

АНДИЖОН ҚЎЗҒОЛОНИ

Атоқли олимнинг бу башорати орада 3 йил ўтгач рўёбга чиқди. 1898 йил май ойида Андижонда қўзғолон бошланди. XIX аср тугаб қолган ва XX аср эшик қоқа бошлаган бир пайтда халқ норозилигининг янги тўлқини юзга келди.

«Ҳукумат ва халқ давлат таркибида доимо ўзаро маҳдуд ҳол-

да, яъни ўз-ўзича яшайди. Зотан, халқ доимо ҳукуматга таҳдид солиб туради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай халқ ҳаракатида хавфхатар мужжасам. Ҳукумат халққа нисбатан доимо уруш ҳолатида бўлмоғи даркор», — алоҳида жандармлар корпуси офицерларига бериладиган кўрсатмалардан бирида шундай «насихат» келтирилади. Утган асрининг охирига келиб, шу мазмундаги кўрсатмаларнинг берилиши бежиз эмас эди. Россияда кучли акс садо бериб, ҳатто император Александр III [ҳукмронлиги 1881—1894 й.] ни талвасага солган «халқчиллар» («народниклар») ҳаракати, «Ер ва эриқ» ташиклоти фаолияти ва Шарқ мамлакатларида диний шаклу шамоилда кучаяётган миллий-озодлик ҳаракатлари чор ҳукуматининг ўз мустамлакаларида ҳушёр бўлишга, қўллик сиёсатининг юргизилишига қаршилик кўрсатувчи исёнкорларни халойиқ олдида ибрат учун бешафқат жазолашга ундар эди.

Туркистонда тобора кучайиб борган мустамлака истибодиди шаронтида солиқлар икки баравар кўпайиб, меҳнаткашларнинг иқтисодий аҳволи мушкуллашиб кетди. Ишонч-эътиқод рамзига, ёруғлик, адолат ва озодликка йўл кўрсатувчи умид маёғига зарурат туғилди. Ана шундай омиллар асл исми Муҳаммад Исҳоқ бўлган Муҳаммад Али Эшонни [1853—1898 йиллар] сиёсий кураш саҳнасига чиқарди.

Мавжуд тузум ва чоризм сиёсатидан фақат меҳнат аҳлигина эмас, балки имтиёзларидан, катта-катта мансабу мулкларидан ажраган собиқ Қўқон хонлиги амалдорлари, вақф ерларидан ажраб аламзада юрган руҳонийлар ҳам норози эди. Шу тариқа, кўтариладиган ҳаракатда қатнашувчи кучлар турли табақаларга мансуб бўлиб, улар қаторига бойиб бораётган ўзбек тижорат — савдо ҳамда саноат доираларининг вакиллари кирмас эди.

Муҳаммад Алининг хонақосида кунига минглаб кишилар бўларди. Дошқозонлар доим қайнаб турарди. Эшон содда, одми кийинган. Андижон ҳокимлигининг Мингтепа қишлоғига келган зиёратчиларини шахсан қаршилаб, улар олдида дастурхон ёзарди. Унинг камтарона турмуш тарзи, бой ҳаётий тажрибаси одамлар эътиборини ўзига жалб қилган. У кенг дунёқароши, чуқур мулоҳаза юритиши туйфайли устози, машҳур эшон Султонхон Тўра эътиборини ўзига жалб этди. 1882 йилда Султонхон Тўра вақти қазоси етса ўрнига 29 ёшли Муҳаммад Али пир-устоз бўлишини эълон қилади. У 1887—1893 йилларда ҳажда бўлиб, юрт кўриб келди. Чекланган, шарнатдан ўзгани тан олмайдиган мутаассиб руҳоний эмас, балки даври талаб-эҳтиёжларини билувчи пешқадим диний арбоб сифатида Муҳаммад Али ўз олдида аниқ мақсад қўйган ва унинг йўлида барча воситаларни, ҳатто ҳийло ва найрангларни ҳам ишга солган. Эшон чет элларда орттирган тажрибасига таянган. У зиёратчилар кўз олдида ўт-оловсиз қозон қайнатган. Бу ишни девор ўртасидан ўтказилган махсус қувурлар орқали келадиган иссиқлик бажарган. Бу мисол эшоннинг муҳандислик илмидан воқифлигини кўрсатади. Унинг хуфия ишлар билан шуғулланувчи одамлари кўча-кўйларда, маҳалла ва бозорларда, турли идораю маҳкамаларда нималар бўлаётганидан хабардор эди. Зиёратчиларнинг нима келтиргани «от», «қўй», «эчки», «туд» каби лақаблари билан белгиланган хизматчиларининг улар билан эшон ҳузурига кирганида маълум бўларди. Аммо бундан зиёратчилар гоят ҳайратга тушишган. Эшон улар келтирган жониворлардан дошқозонга ташлаб, ўзларини меҳмон қилгани муридлар ихлосини ошириб, сафини кенгайтирган.

Муридлар эшон кимга дарра ушлатса, бу дарра душманга қарши ўз-ўзидан милтиқ бўлиб ўқ отади, у берган дастурмолу белбоғ ўқ тешмас, тиг ўтмас қалқон бўлади деб қаттиқ ишонилган. Мингтепа эшонининг тобора кучайиб бораётган обрў-эътибори ва гоят ошиб кетган мавқеи подшо амалдорларини таҳликага солади. Асака пристави Чанишев бевосита Марғилон уезди бошлиғига шу ҳақда махфий нома ёзганди.

1897 йил май ойида Муҳаммад Али фаолиятига доир барча маълумотлар генерал-губернатор маҳкамасининг махсус бўлими томонидан пухта ўрганилиб, шунга доир чора-тадбирлар режаси ишланади ва ўлка бошлиғи диққатига ҳавола этилади. Эшон хуфия одамлари орқали Мингтепага юксак мартабали меҳмонлар келиши эҳтимолини билди ва шунга яраша тараддуд кўра бошлади. 1897 йил 15 май кuni Туркистон генерал-губернаторининг махсус топшириқлар бўйича мулозим, Ташкент округ суди раисининг энг муҳим ишлар бўйича терговчиси, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори амалдорларидан иборат 12 киши тушган 4 извош Мингтепага яқинлашади. Беш юз кадамча масофага ташланган пойандозларга ҳайрат ила қадам босган амалдорларни эшон ўз муридлари ила эҳтиром билан кутиб олади. Мулла Салоҳиддин газначи келтирган бир неча бўҳчалар ечилиб, қимматбахо тўнлар меҳмонлар елкасига ташланади. Амалдорларни европача безатилган дастурхонли махсус чодир кутарди. Анчагача давом этган куюқ зиёфатдан сўнг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи олдида қорғоз қўйиб, аввалдан тайёрланган саволларни бера бошлайди.

Терговчи [Т.] — Қаерда ўқингансиз? Қайси ерларни кўргансиз? Муҳаммад Али [М. А.] — Бухорода ва Карруҳда, Шаҳрисабзда ўқиб, ундан кейин ҳажга бориб, Мадинада икки йил туриб, пиру устодлар хизматини қилиб қайтиб келганман.

Т. — Муридларингиз неча киши, қаерда кўпроқ!
М. А. — Муридларим кўп. Қанча эканини билмайман, лекин биродарларимиз кўпроқ қирғизлар ичиде. Кетмонтепа ва Кўгарт тарафларда.

Т. — Подшоҳ ва императори аъзамни ким деб биласиз!
М. А. — Подшоҳи аъзамни катта подшоҳ, улуғ ҳукмдор, подшоҳи одил, фуқаропарвар, жами подшоҳлар қошида иззатли деб биламан.

Т. — Подшоҳи аъзамга қарашли қайси мамлакатларни кўргансиз!

М. А. — Ҳа қишлоғимдан бўлак Севастополь, Одесса, Қрим, Асхабод, Узукота, Тошкентларни кўрдим.

Т. — Муинча давлат ва иморатлар отангиздан қолганми, ўзингиз топганмисиз! Эшон бўлмасдан аввал нечук эдингиз, ер-сувларингиз бор эдим!

М. А. — Отамдан кичик бир ҳовлича қолган эди. Бошқа давлат қолган эмас. Бу давлатни 26 йил ичиде, ҳаждан келганимдан сўнг, аввало худойим етказди, подшоҳи аъзамнинг сояи давлатларида эшон бўлганимдан кейин топдим. Ҳали чандон давлатли эмасман, ҳамма нарсаларим бўлса, худовандо олам йўлида, бева-бечораларга ҳада қилиб қўйганман. Ниманки худойим етказса, бечора камбағалларга етказиб тураман.

Т. — Муридларингизнинг ҳаммаси камбағалми ёки бой, давлатлими, қайсиси кўп!

М. А. — Ҳар қайсиларидан ҳам бор.
Т. — Сизга қайсилари яқин — бойларми ёки камбағаллар! Қайсининг тарафдорисиз!

М. А. — Албатта, манга шу, олдимда хизмат қилиб турган камбағаллар яхшидир. Чунки доимо хизматда, келган-кетган кишилар аҳволдан хабардор бўлиб, манга ёрдамлари тегади. Узоқдаги бойлардан ҳеч умидимиз ҳам йўқ, уларнинг бизга фойдаси ҳам тегмайди. Узимиз бир дуоғўй бечора бўлганимиздан кейин «калжинс маал-жинс» дегандек, ҳар ким ўз жинсини дўст тутиб бирга бўлади.

Т. — Подшоҳи аъзамнинг катталиги ва аскарларининг кўпчилигини ўзингиз билганингиздек, буларга ҳам айтиб тушунтирасизми! Бу юрганлар ҳам биладиларми!

М. А. — Албатта айтаман. Ҳаммалари биладилар.

Улканнинг ҳарбий-сиёсий раҳбарлиги эндиликда Мингтепа шомиси ҳақида тўла-тўқис тасаввурга эга бўлди. Махсус бўлим шомисия ҳисоботи ва махфий ахборот асосида шундай хулосага келди.

Эллиқдан ошган Мингтепа эшони жисмонан бақувват, руҳан соғлом. Мустаҳкам диний эътиқоди ҳушёрлик, мулоҳазакорлик ва тадбиркорлик билан уйғунлашган. Фавқулодда таъсир кўрсатиш қобилиятига эга. Шарқ олами ва Европа дунёсини яхши билади.

Уз олдида қандайдир катта мақсадни қўйган. Бу мақсадни рўйга чиқаришнинг нозик услубларини билади. Табиатан мулкдор синфларга эмас, балки камбағалларга мойиллиги учун мақсадни мавжуд тузумни таҳлилга солишдан дарак беради. Рус амалдорларига пора бериб, кўнгилларини овлаш эшоннинг нимадандир хавфсизрашидан далолатдир. Мингтепа эшонининг ҳукуматга мойиллиги ва унга сўзидилдан хизмат қилиши дарғумон. Аксинча мавжуд тузумга қарши ҳаракатни бошқаришга қодир бу шахсдан исталган вақтда кутилмаган зарбани олиш мумкин.

Айни пайтда Туркистон ҳарбий округи штаби контрразведка бўлими, Урта Осиё темир йўл жандармерия-полиция бошқармаси ва генерал-губернатор маҳкамаси махсус бўлимига ташаббат маълумотлар бир-бирдан ташвишли эди.

Масалан, Андижон атрофида яшовчи қирғизлар исён кўтаришга уринишган. Мингбоши Чибил бўлиси ва қози номби Мулла

Раҳматулло бошчилигида мингдан зиёд кўчманчи қирғизлар ички губерналардан кўчиб келган рус деҳқонлари устига юриш бошлаган. Аммо йўлда Мингтепа эшони пешвоз чиқиб, уларни бундай шиддан қайтишга ундаган.

— Биродарлар, — деган Муҳаммад Али, — ўйлаб иш қилиш керак. Биламан, шаҳарлар ўзбекларга тор, тоғлар эса қирғизларга — элатияга тор. Аммо ёдда тутиш. Поездлар келиб қолган.

Эшон бу ўринда Урта Осиё темир йўли Россия қўшинларини зудлик билан ўлкага келтиришини назарда тутганини махсус бўлим алоҳида қайд қилди.

Шунингдек, қирғизлар ўртасида гоёт баобру бўлган Шаҳидон ботирнинг набираси 25 йилгити билан Мингтепага келиб, қўзғолон кўтаришга ундаганида эшон уларга шундай жавоб қилган:

— Ҳали вақти эмас, биродарлар. Андан фурсат бор. Таваққуф қилиб туришлар. Мен ўзим бош бўлиб, ҳамма биродарларни, билъаск, тамом шаҳар халқини ўзимизга ёр қилиб, кейин ишни бир йўла бошлаймиз. Ҳамма бирдан ҳужум қилиб, охири, бу Николай зулми остида қолмаймиз. Бир оз фурсат бор.

Муҳаммад Али эшоннинг «шаҳар халқини ўзимизга ёр қилиб» деган сўзлари деҳқонлар, ҳунармандлар ва ишчиларни бир мақсад йўлида бирлаштириш эканлигини подшо махфий хизмати яхши тушунди. Худди шу гоёт хавфли ва ниҳоят таҳликали фикр махсус бўлимини талвасага солди. Ишчи-деҳқон иттифоқи империалнинг империя марказидаги воқеалар яққол кўрсатган. Бунга Туркистонда муллақ йўл қўйиб бўлмайди.

Мингтепа эшонининг асосий мақсади энди аниқ бўлган эди. Махсус бўлим фурсатни ғанимат билиб эшонни бемаврид ҳаракатга мажбур этувчи гоёт махфий операция режасини амалга оширишга киришди.

Муҳаммад Али одамлари ҳам олишувга пухта тараддуд кўришмоқда эди. Эшон томонидан тайинланган раисларга маҳаллий маъмурият вакиллари — мингбоши, қози, оқсоқолу юзбошилар ҳам бўйсунгани диққатга сазовор. Улар ҳатто ўз ваколатларини ҳам унга тақдим этишган. Ҳижрий 1312 йил (милодий 1895 й.)да Мингтепа эшонига берилган ҳужжатга икки шарият қозиси, 2 мингбоши, 7 қишлоқ оқсоқоли ва 3 баобру кишиларнинг муҳри босилган.

1898 йил 11 май куни Мингтепа қишлоғи одамларга тўлиб кетди. Зиёратчиларнинг кўпчилиги Кетмонтепа ва Кўгартдан келган қирғиз чорвадорлари эди. Эшон хонадониде 200 дан зиёд киши ўзаро маслаҳат қуришди. Маслаҳат иштирокчилари бўлгуси қўзғолон режасини муҳокама қилишди. Андижонга Муҳаммад Али, Марғйонга Иноятхон эшон, Ушга Умарбек додхон бошчилигидаги отрядлар бир кунда тўсатдан ҳужум бошлашлари келишилди. Кетмонтепа ва Кўгарт қирғизларидан иборат қўшинга бўлис бошқарувчиси — мингбоши Чибил қўмондонлик қиладиган бўлди.

Мажлис қатнашчилари бир овоздан Муҳаммад Алининг жияни Абдулазизни хон деб эълои қилишга қарор қилишди.

Кенгашда ҳали қўзғолонга тараддуд етарли эмаслиги тўғрисида ҳам овозлар эшитилди. Мингтепа эшони Андижоннинг катта бойларидан Муҳаммад Алибойнинг хатини ўқиб берди. Бой ўзининг пирига кўтарилишга ҳали фурсат етилмагани, бунга пулмаблар, қурол-яроғ ва, энг муҳими, жойларда, тайинли мадад етишмаслигини баён қилиб, рус ҳукумати билан курашишга кучлар озлигини кўрсатган эди.

Эшоннинг ўзи ҳам шу фикрга мойиллик билдирди. У ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан қўзғолон етилмаганини яхши тушунар эди. Аммо кўпчилик зудлик билан қўзғалишга тарафқашлигини намойён этди. Айниқса, жоҳил муллалар, сўфилар ва қаландарларнинг мутаассиб қийқириқлари барча мулоҳазали товушларни босиб кетди.

Халқнинг авзойи бузуқ ва у ортқча қўтишни нстамас эди. Эшон халқ иродасига бўйсунини позимлигини ҳис қилди. У тўп-ланган халойиққа келаси чоршанбага тайёр бўлишни буюрди.

Муҳаммад Али бой тажрибаси ҳамда фавқулодда сезиш қобилияти билан атрофида кимлардир нима учундир ҳаракатни тезлаштиришга уринаётганини ҳис қиларди. Қўз илғамас душман қўли гоёт маккорлик билан иш кўрарди. У бу қўл кучини 17 май куни тўсатдан унинг ҳовлисига бостириб келган икки юздан ортиқ кишини дарҳол қўзғолон бошлашни талаб қилганида яққол сездди. Бутун режалар остин-устун бўлиб кетди. Жияни Абдулазиз эмас, балки уни, эшонни оқ кигизга ўтказиб, хон деб кўтарган қўлларни ҳам бегона куч бошқарди. Маккор душман одамларнинг унга кўр-кўрона эътиқидидан ҳам усталик билан фойдаланди. Оддий таёқлар эшон дуоси билан ўточар милтиққа, белбоғ эса тиг ўтмас қалқонга айланади деб ҳайқирганлар ишончини ҳам мустаҳкамлаб, олға бошлади. Бу номаълум куч шиддатидан эшон эсанкираб воқеалар тизгинини қўлдан чиқарибгина қолмай, сандиқда жуда эҳтиётлаб сақлаган муҳим ҳужжатларни олишни ҳам унутди. Муҳаммад Али гарчанд қўзғолон ташаббускори бўлса ҳам унинг боришини идора қилолмай қолди. Қудратли тўлқин уни ўз домига тортиб, оддий иштирокчига айлантирди.

(Давоми келгуси сонда)





У дунё хабарин ким берган, э дил! Умар ХАЙЕМ

Атлантика океанининг Африка соҳиллари яқинида — Канар оролларида бири Тенерифда 6000 йил яшайдиган мўъжиза дарахт ўсади. Унинг ниҳоли униб чиққанда ер юзи номсиз, на шаҳарлару на чегаралар бор эди. Уммонлару тоғларни ҳали ҳеч ким ҳеч нима деб атамасди. Миср фиръавни Рамзес II хеттлар шоҳи Муваталлис билан жанг қилган йили мўъжиза дарахт илк бор гуллади...

Асрлар унинг ёнидан шабада эпкинни мисол ўтаверди. Ер юзида не-не салтанатлар емирилиб, не-не халқлар қирилиб кетмади. Баайни жаҳон айвонида «Башарият» номли бир сўнгсиз фожиа кўйилаяпти-ю мўъжиза дарахт томошабин сифатида япроқлари ила қарсақ чалиб турибди. Юнон босқини, араб истилоси, мўғуллар ҳужуми, ўрта асрлар бу улкан томошада бир лаҳзалик кўриниш эди, холос. Тош болталар овозини эшитган мўъжиза дарахт узра ҳозирда фазовий кемалар учиб ўтмоқда...

Мўъжиза дарахтнинг 6000 йиллик умрига нисбатан одамнинг 60 йиллик умри чақмоқ янглиғ. Айниқса, ош тузи кристалларида 500000000 ёшдаги бактериялар топилганидан кейин табиат инсонга нисбатан ниҳоятда адолатсизлик қилгандек туюлади. Бинобарин, у дунё борлигига ишонч ана шу адолатсизликка қаршиликдан пайдо бўлмаганмикан? Инсон жисмонан ўлганидан кейин ҳатто дўзахда бўлса ҳам яшайвериши шу боис орзу қилмаганмикан? Тўғри, жаннату дўзахга ҳозир ҳеч кимни ишонтириб бўлмайди. Лекин, ҳар қалай, одамнинг жисми ўлиши у бутунлай йўқ бўлиб кетди деган сўз эмасдир? Балки ҳаётимиз бўлакча бир кўринишга ўтар?

Келинг, биродари азиз, бу дунёнинг ташвишларини бир пасга кўя турайлик. Ҳаёт деганлар ишхона югур-югурию рўзгор чоп-чопидангина иборат эмас-ку ахир! Одам боласининг озроқ орзу қилишга, ер юзида рўй бераётган сирли ҳодисалар, табиат жумбоқлари, ҳаёт ва ўлимнинг азалий муаммолари тўғрисида ўйлаб кўришга ҳам ҳаққи бор. Бундай ажабтовур воқеалар эса талайгина. Қор одаму Лох-Несс махлуқи... Учар ликопчалару ўзга оламликлар... Барабашка ҳақида эшитган чиқарсиз, кўринмас мавжудотлар — сирли шарпалар билан ҳам ғойибона танишдирсиз... Дарвоқе, Вангадан хабарингиз борми? Улиб тирилганлар, яъни у дунёдан қайтаётган одамлар ҳақида-чи? Ҳозирча, келинг, шулардан биттаси — у дунё тўғрисида суҳбатлаша қолайлик...

ЎЛИМДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТ

Доим ўзга бўлур сурат ила руҳ.
Алишер НАВОИЙ

«Улганимдан кейин онгим вужудимни тарк этди-ю реанимация палатасининг шифти остида муаллақ туриб қолди. Врачлар жасадимни тирилтиришга уринаётганларини, бу ўрнишдан наф борми-йўқми деб баҳслашаётганларини тепадан кузатиб турардим. Кейин эса пастда, касалхона йўлагига синглим ўлганимдан йиғлаб ўтирганини сездим. Онгим унинг олдига интилди-ю темирбетон деворлар орасидан ҳеч бир қийналмай ўтиб кетавердим. Шу ҳолатда мен ўзимни бағоят енгил ҳис этардим, аввалги ҳаётимга қайтишни истамасдим, аммо лекин синглимга ҳам ачинардим, шунда қандайдир бир куч мени яна жисмимга қайтарди...»

Бу сатрлар Раймонд Моудининг «Улимдан кейинги ҳаёт» номли китобидан олинди. Унда америкалик психиатр врач, фалсафа

Рустам ОБИД

доктори турли сабабларга кўра ўлим чангалидан сақлаб қолинган 150 кишининг у дунёда «кўрган-кечирганлари» тўғрисида ҳикоя қилади. Маълумки, илм-фан тараққий этгани сари медицина ҳам тобора катта ютуқларга эришаётир. Хусусан, реаниматологлар дунё бўйича мнглаб кишиларни тирилтириб, ҳаётга қайтаришмоқда. Улими қайд этилганидан кейин маълум вақт ичида тирилтирилган бу одамлар ўша вақт мобайнида, яъни ўлганларидан кейин нималарни ҳис қилишгани, у дунёда нималарни кўришгани ҳақида сўзлаб беришяпти.

Уларнинг ўлимдан кейинги ҳиссиёт тўғрисидаги таассуротлари эса ақл бовар қилмас даражада бир-бирига ўхшаш... «Одам жон берар экан, жисман ниҳоятда занфлашган дақиқаларда врач унинг ўлимини тавсифлаётганини эшитади. Қулоғига аллақандай айқаш-уйқаш шовқин-сурон чалинади. Айни пайтда у қоп-қоронғи тубсиз чоғга қулаб кетаётгандек бўлади, кейин бирдан ўзини қушдек енгил сезади ва ҳатто танасини четдан туриб кузата олади... Орада бир оз вақт ўтгач, у ўзининг ажабтовур ҳолатига аста-секин кўника бошлайди. Табиатан бошқача ва мутлақо ўзгача қобилиятга эга бўлган янги танаси борлигига ишонч ҳосил қилади. Тез орада яна янги ҳиссиётлар сеза бошлайди. Уни аллақандай хушфёъл мавжудотлар кутиб олади. Улар орасида аллақачон ўлиб кетган қариндош-уруғларию ёру биродарларини ҳам кўради...»

Ўзлаб одамларни ёлғончиликда айблаш қийин, айниқса улар бошқа-бошқа мамлакатларда яшаётган бўлса. Дарҳақиқат, Раймонд Моудидан ташқари, мустақил ҳолда иш олиб борган Америка параспсихологлар жамиятининг икки тадқиқотчиси — Карлис Осис билан Эрландер Харалдсонлар ҳам ўнлаб шу хил ахборотларни йиғишган, бу ҳақда ҳинд медикларидан ҳам сўраб-сўриштиришган. Олинган маълумотларни ўзаро қиёслаш орқали тадқиқотчилар қайси миллий маданиятга ва қайси динга мансублиги ўлаётган одам ҳиссиётига қандай таъсир кўрсатишини аниқламоқчи бўлишган. Лекин буни қарангки, диний тафовутларни истисно этганда ер юзининг бир-биридан олис икки чеккасида — икки мамлакатда ҳам ўлаётган одамларнинг ҳиссиёти айнан бир хил чиққан: барининг кўз олдига аллақачонлар қазо қилган яқин кишилари кўриниб, ўз олдларига чақирришган.

Бу нимаси бўлди ахир! Материалистик дунёқараш жисми ўлганидан кейин одамдан ҳеч нима қолмайди, руҳ тўғрисидаги гаплар шунчаки уйдирма, деб таълим бериб келади-ку бизга! Улиб тириляётган одамлар эса бунинг аксини айтишяпти. Наҳотки руҳ чиндан ҳам мажуд бўлса! «Доим ўзга бўлур сурат ила руҳ» деганида Навоий бобомиз наҳотки ҳақ бўлса! Еки бу ўринда бошқа синоат борми! Улиб тирилганларнинг таассуроти балки галлюцинациямикан!

ОНГНИНГ АЛАҲСИРАШИМИКАН Ё?

Улим — бу уйқу демакдир.
Улганимиздан кейин, билмадик,
қандай тушлар кўраркинмиз.
Вильям ШЕКСПИР. «Ҳамлет».

Дунёдаги барча халқлар азалдан ўлимни абадий уйқу деб билишган. Бу бежиз эмас, албатта. Ташқаридан қараганда ўлган одам худди уйқуга кетганга ўхшайди: кўзлари юмилган, қилт этмайди, сўзламайди ва ҳоказо. Лекин бу фақат бошқалар учунгина шундай кўринади, ўлган одамнинг ўзи шу тобда нима-

ларни ҳис этаётганини эса — мабодо ҳис эта олса — ҳеч ким билмайди.

Бу қиёснинг яна бир қизиқарли жиҳати бор. Маълумки, кўриш деганда фақат очиқ кўз билан кўриладиган нарсаларнигина тушунишга одатланиб қолганмиз. Аниқроғи, биз катталаргагина хос одат бу. Болаларда эса бир ҳазил топишмоқ бор: «Кўзни юмиб нима кўриш мумкин!» Жавоби: «Тўш кўриш мумкин». Дарҳақиқат, уйқудаги одам тушида ҳам яшайди — гарчи бошқа воқеликда бўлса-да, у бемалол эштади, кўради, гаплашади, ҳаракатланади, қандайдир воқеаларда қатнашади, қисқаси, росмана ҳаёт кечиради.

Борхеснинг туш ҳақида ажойиб бир асари бор: ҳикоя қаҳрамони тушида бир одамни яратади (ўзини ҳам биров тушида яратганини эслайди), ўз навбатида у ҳам бошқа одами яратади ва шу тарзда воқеа давом этаверади. Бу жараёнинг на боши бор, на охири. Ҳаётимизнинг ўзи ниҳоясиз бир туш эмасми, демоқчи муаллиф, лекин шунда ҳам яратган одамимиз учун жавобгармиз.

Балки чиндан ҳам бу ҳаётимизнинг ўзи улкан бир тушдан бўлак нарса эмасдир! Улганимиздан кейин, яъни уйғонганимиздан кейин «Хўп ғалати туш кўрдим-да!» деб ажабланиб юрмасмиканмиз ҳали! Зотан, ҳақиқий тушда ҳам ўз тушимиз ичида юрганимизни мутлақо билмаймиз-ку! Бир умр ўша муҳитда яшаётгандек тутамиз-ку ўзимизни! Фақат уйғонганимиздан кейин — асл воқеликка қайтганимиздан сўнггина бо яги воқелик шунчаки бир рўёлигини биламиз. Эҳтимол, тескарисидир бутунлай! Воқелик қайси-ю рўё қайчилигини ким айтиб бера олади ахир! Балки асл воқелик бошқадир-у биз ўшанда яшармиз, ҳозир эса — бу ҳаётда, шунчаки ўз тушимиз ичида ўралашиб юргандирмиз! Еки асл воқелик шунинг ўзи-ку ўлимдан кейинги ҳаётнинг ўзи бир тушмикан!

Фарқи балки фақат шундадирки, бу дунёда уйғонгач, қандай туш кўрганимизни айтиб бера оламиз, у дунёга ўтгач эса, табиийки, уйғонмаймиз ва тушимизни ҳам ҳеч кимга айтиб беролмаймиз. Эҳтимол, ўлиб тирилганлар у дунёга ўтиб уйғонишга муваффақ бўлган одамлардир ва шу боис ҳам кўрган тушларини бизга айтиб бера олаётгандирлар! Хўш, бу ҳақда медиқлар, тадқиқотчиларнинг ўзи нималар дейди!

Ҳозирги медицина маълумотларига, хусусан, тажрибалар ва сон-саноқсиз клиник кузатувлар натижасига қараганда, юрак уриши тўхтаганидан кейин ўлим жараёни одатда организмнинг бошқарув органлари, энг аввал бош мия пўстлоғи фаолиятининг сўнишидан бошланади, чунки унда кислород танқислиги юз беради. 5 — 7 минут давом этувчи ана шу клиник ўлим ҳолатида марҳумни тирилтириш мумкин, кейин эса кеч бўлади. Лекин тирилтириш жараёнида ҳам аввал юрак ура бошлайди, кейин нафас олиш тикланади ва энг охирида бош мия пўстлоғи жонланади. Хуллас, маълум вақтгача «ҳокимиятсизлик» ҳукм суради, яъни, организм бошқарувсиз қолади. Бунинг оқибатида эса бош миянинг пўстлоқ ости тузилмалари, жумладан ҳис-туйғу ҳамда сезгининг бирламчи таҳлил марказларининг фаолияти назоратсиз қолади — мана шунинг ўзиёқ йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши, эшитилиши ва тасаввур бузилишига олиб келувчи физиологик асос бўлади.

Осис билан Харалдсонларнинг тадқиқотларида ўлим бўсағасида турганларнинг бир қисмига оғриқ қолдирувчи ва баъзан галлюцинацияга сабаб бўлувчи наркотик моддалар берилган. Бироқ аксари беморлар галлюцинацияга олиб келувчи бирон нима

қабул қилишмаган бўлса ҳам у дунёдаги қисқа муддат ичида бир хил нарсаларни кўраверишган. Хуллас, у дунё ҳақидаги тасаввурлар галлюцинация эмаслигини ва кенг тарқалганлигини тан олишса ҳам олимлар бу сирли ҳодисани турлича изоҳлашаётир. Масалан, ўша Раймонд Муудининг ўзи эълон қилган хабарларининг биронтасини ҳам у дунёдан олинган деб ҳисобламайди. Аксинча, ўта эҳтиёткор олим тўплаган жамки маълумотларини «Ўлим бўсағасидан ахборот» деб атайдди. Карлс Осис билан Эрландер Харалдсон эса у дунё бўлиши мумкин, деб мужмал жавоб қилишади. Бошқа мутахассислар, айниқса психиатр Элизабет Кюблер-Росс эса вужуд ўлиши билан кишининг ҳаёти тугамаслигига қатъий ишонади.

Гап мана шунда асли, у дунёда эмас. Ҳозирги илм-фан дўзаху жаннатга кўринмайди. Лекин жисми ўлгандан сўнг кишининг ҳаёти бошқача кўринишга ўтиши эҳтимол буткул бошқа масала. Хўш, бу сирли ҳодиса нима ўзи!

ҲАЁТНИНГ КЎРИНМАС ШАКЛИМИ?

Фақат руҳгина ҳақиқийдир.
Вужуд эса шунчаки бир кўриниш,
холос.
Жек ЛОНДОН

Ўлиб тирилган юзлаб одамларнинг кўрган-кечирганлари у дунё борлигидан далолат бермайди асло, деб қайта-қайта таъкидлаб ўтдик юқорида. Бироқ айни пайтда ҳаёт тўғрисидаги материалистик дунёқарашимиз қолипига тушмагани учунгина бу кишиларнинг ҳикояларини илм-фанга зид деб рад этавериш ҳам тўғри эмас-да!

Асримиз одами ҳаддан зиёд материалист бўлиб кетмаяптимикан! Илм-фанга ишониш яхши, фақат кўр-кўрона ишонмаслик керак, чунки у ҳам янглишади, кейинроқ ҳатосини тузатади. Тарихда жунга мисоллар, э-ҳе, қанчадан-қанча!.. Ўз вақтида Англияда телефон билан электр лампочкаси истиқболсиз ҳисобланган. Париж Фанлар академияси чечакка қарши эмлашни, осмондан тош (метеорит) тушишини, нисбийлик назариясини рад этган. АҚШда ҳатто ракета фазода уча олишига (бизнинг асримизда-я!) қарши чиқилган. Ўзимизнинг мамлакатда-чи... Кибернетика рад этилгани, генетика қувғин қилинган сир эмас-ку ахир!

Бироқ илм-фаннинг қудрати ҳам шундаки, ҳатосини ўз вақтида тан олади ва ривожланишда давом этаверади.

Ҳозирда, XX аср поёнида юқоридagi каби хатоларга йўл қўймасликка уриниш бор. Бунда эса илм-фан тараққийтига азалдан кучли туртки бериб келаётган илмий-фантастик адабиётнинг ҳам хизмати катта, десак асло муболага қилмаган бўламиз. Масалан, голография кашф этилишидан тортиб, космонавтика ривожига қадар жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ фантастиканин шундай башоратлари ҳам кўпки, ҳали амалга ошмаган, шунга қарамой, илм-фан унга ҳамфиқир. Айтайлик, кўп ўлчамли оламлар, коинотда ҳаётнинг хилма-хил шакллари мавжудлиги ҳозирча мавҳум, лекин фан асло инкор этмайди уларни.

Илмий маълумотларга қараганда, мабодо икки ўлчамли олам бўлса, биз — уч ўлчамли оламда яшовчилар у ердаги одамларга кўринмай туриб, уларнинг ички аъзоларини кўришимиз ва ҳатто қўл тегизишимиз, уларнинг бузмай туриб, ичкаридан бирон нима олишимиз мумкин экан. Худди шунга ўхшаб, тўрт ўлчамли оламда яшовчилар ҳам бизга кўринмай туриб ички аъзоларимизни кўра олиши, қўл тегизиши, ҳатто пўлат сейфни бузмай туриб, ичидagi нарсаларни олиши мумкин экан.

Ана шуларни ўйласангиз, бир-бирдан қизиқарли саволлар туғилаверади. Балки биз ўлганимиздан кейин руҳимиз тўрт ўлчамли оламга ўтиб кетар! У ёқдан келувчи кўринмаслар ўзимизнинг яқин кишиларимиз эмасмикан! Ғойибдан билувчилар ўшалар ёрдамидан фойдаланмасмикан! Фалончининг «одам» бор, дейилганда шу хил руҳлар кўзда тўтилмасмикан! Улганимиздан кейин наҳотки ҳар биримиз мана шундай руҳга айлансак! Умуман, у ёғи нима бўлади! У дунёда бизни нималар кутади! Умар Хайём ёзганди:

У дунёдан келиб айтмади ҳеч ким,
Кетганлар бошида қандай кун бўлди?

«Ўлимни яқинлашаётганини сездим, шу лаҳзадаёқ руҳим, онгим гўё вужудимни тарк этди-ю ёқимсиз шовқин остида аллақандай қоронғи йўлак бўйлаб чароғон маскан томонга шиддат билан учиб кетди...»

(Давоми бор)



МУАММО,

ҲАҚИҚАТНИ ОЧИҚ ЕЗИНГ

Мен «Фан ва турмуш»нинг август оғи сониди хилма-хил мавзулар ёритилганидан таъсирландим. Масалан, мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби — Қуръони карим сураларининг биридан парча берилгани журналдаги ўқишли материаллардандир. Шунингдек, тарих фанлари номзоди Ҳайдарбек Бобобековнинг «Россия Урта Осиёни босиб олганми?» мақоласи менда кучли қизиқиш уйғотди. Мақола бошида айтилган тарихчи олимларининг ўз юрти тарихини бузиб кўрсатгани мени ҳайрон қолдирди. Ахир, тарихчи олимнинг вазифаси ҳақиқатни очиб ёзиш эмасми? Пролетариатнинг улғу дохийларидан бири бўлган Фридрих Энгельс «Анти-Дюринг» асарида (X-боб) чор Россиясининг Урта Осиёни босиб олишини қоралаб ёзганлигини тарихчи олимлар ўқимаганми? Илмига амал қилмаган олимни биз ким деб атаймиз? Халқимиз тарихини ўзига қайтаринг, ҳақиқатни очиб ёзинг, ҳурматли тарихчи олимлар!

Хафиз ЙҮЛДОШЕВ,
Қўқон шаҳри, 25 ёшда.

ТАКЛИФ,

НИМАЛАР ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

Мен яшаётган Жиззах ноҳиясидаги «Москва» колхозинда 20 мингга яқин аҳоли яшайди. Томорқа ерлари жуда тор. Баъзи хонадонларда 14 сотих ерда 4—5, ҳатто 6 оила яшайди, ҳар оилада ўртача 3 бола бўлганда ҳам, хонадонда 20 дан зиёд киши яшайди. Уғиллар жанжали, «келиндар қўзғолони», қўйди-чиқдилару ўз жонига қасд қилишлар — ҳаммаси топилди. Қанча жанжал, навбат кутишлардан сўнг, ҳиммат қилишса, 4—7 сотих ер беришди. Бунга уй-жой, молхона, сомонхона, ошхона қурасанми ё экин жасанми — бошинг гаранг бўлади. Шу шапалоқдек ер ҳам ҳаммага берилмавермайди. Масалан, Ҳошим ака Эргашевлар хонадонини 14 сотих ерга эга, 5 оила яшайди. Марат исмли ўғлига 4 сотих ер берилди. «Ҳеч бўлмаса, эсини танигандан буён шу колхозда ишлаётган пенсионер ота-онамининг ҳурмати 7 сотих ер беринглар, ўқитувчи бўлсам, халқнинг боласини ўқитаман-ку, менда нима гуноҳ!» — деди у. Колхоз раиси рад жавобини берди. Уйлайманки, бундай воқеалар ҳозир ҳамма жойда исталганча топилади. Бу, инсон қадр-қимматига берилган баҳодан бўлак нарса эмас.

Шарт-шароитларнинг йўқлигини бир ёққа қўйиб тураёлик: мен аёлларнинг пахта даласидаги оғир меҳнати ҳақида айтмоқчиман. Улар ўт пурқайган офтобнинг тиғида ишлашади, турмуш қийинчиликлари аёлларимиз елкасига оғир юк бўлиб тушади. Оғир меҳнат, химиявий ўғитлар, заҳарли дорилар, таъсирда турли ёмон касалликлар, бола ташлашлик ёки нимжон, касалманд фарзанд кўриш рўй бераётгани эса сир эмас.

Имомқул ҲАМРОҚУЛОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ИСТАКЛАР

ЖУРНАЛ ҲАЖМИ ОШИРИЛСА

Журналнинг 1989 йилги ўнта сонини ҳаяжон билан ўқиб чиқдик. Йил охирига ҳали икки ой қолган бўлса-да, шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бу йилги «улоқ» «Фан ва турмуш»да кетди! Бу сўзларга изланувчан инсонлар хизматига лойиқ бир камтарин баҳо сифатида қаралишини истардик. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик нашрида, бизнингча, журнал фаолиятига янада аниқроқ баҳо берилди: «Фанимиз ҳам, турмушимиз ҳам бояғи-бояғидек бўлса-да, «Фан ва турмуш»да кескин ўзгариш сезилмоқда». Афсуски, журнални тезда ўқиб қўясан киши. Унинг ҳажми бугунги кунга келиб жуда кичиклик қилмоқда. Айрим-айрим нисбатан йўғонроқ журналларимизни варақлаб чиққанда ҳозир камчил деб айтилаётган қоғоздан ким қандай фойдаланаётгани

маълум бўлиб қолмоқда. Ўзбек халқининг қалб торларини черта олаётган нашрлар ичида энг кичик ҳажмдиси «Фан ва турмуш»дир. Журнал эса Ўзбекистон Фанлар академиясини халқимиз билан бевосита боғлаб турган ягона нашр. Биз бу мулоқотнинг кенгайишидан манфаатдормиз. Уйлаймизки, журналга обуна бўлаётган юз минглаб муштарийлар ҳам бу фикрни маъқуллашади. Журнал ҳажмини ким оширади — буни билмаймиз. Истардикки, келгуси йилдан журнал ҳажми оширилса, маданий меросимиз намуналари, масалан, Қуръон, Ҳадис каби асарларга кенгроқ ўрин ажратиларди, майда ҳарфдаги мақолаларни ўқишга қийналмасдик. Энг муҳими, қизиқарли мақолалар сони кўпаярди, баъзи йириқлари келгуси сонга ўтказилмай, биратўла ўқиб чиққан бўлардик. Редакция ва таҳрир ҳайъатидан шу масалани 1990 йилда ҳал этишларини илтимос қилиб қоламиз.

Тошкент Политехникумининг бир гуруҳ талабалари номидан
М. ИНОҒОМХУҲАЕВА.

ДАРДИМИЗ ТИНГЛАШ МУШКУЛ...

Қайта кўриш илдам қадамлар билан одимлаётган бугунги кунда социализм дунёсида тўлғоқли дамлар ўз кучини кўрсатмоқда. Октябрь инқилобига ва ундан кейинги ўтган даврлардан то ҳозирги кунимизга қадар инсон аталмиш улғу зот қалбда йиғилиб қолган дардларини ошкоралик тўғрисида бир оз бўлса ҳам енгиллатишга йўл топилди.

Матбуотимизда ошкоралик руҳида ёритилаётган материаллар неча йиллар гангиб, алаҳсиб қолган киши дунёқарашини ижобий йўналишда шакллантираётгани ҳозирги кунимиз ҳақиқатларидан жанглигини кўпгина газетхону журналхонлар бор вужуди-ла ҳис этмоқда.

Ўзбекистон жумҳуриятининг бугунги етакчи ва салмоқли журнали — «Фан ва турмуш» ҳам турғунлик йилларида қайтсам — тилим, айтмасам — дилим куяр» қабилида ўз фаолиятини давом эттиргани маълум. Ҳа, бу давр касаллиги эди. Бу «дард» билан оғримиздаги киши қолганмиди!

Журнал ҳозирда чуқур мантқиқ ва ошкоралик руҳида тўйинган мақолаларини эълон қилмоқда. Айниқса, «Шимолдан келаётган офат», «Эзгулик ва ёвузлик: кураш давом этади!» ҳамда «Ўзбекистондаги ишсизлар» мақолаларида (сентябрь оғи сони) шу кунининг долзарб мавзулари ёритилган. Мен, шунингдек, «Бугун сен дунёга бор гапингни айт» — шахс, жамият ва қайта кўриш мавзусидаги давра суҳбатига журналхонлар йўллаган мактублардаги куюнчаклик билан ёзилган сатрларини ўқиб, ўзимнинг дардларим ёдимга келди:

БЎЛМАСА

Ўз тилимда кўриш-чун «ойна жаҳоним» бўлмаса,
Уйнаб-кулиб яйраш-чун боғу бўстоним бўлмаса.

Мен — ўзбек фарзандиман, юртим — кенг Қозоғистон,
Йўқ ҳануз дорилфунун, илму урфоним бўлмаса.

Санъатини кўз-кўз қилмоқ ишқида ёнар халқим,
Театр йўқ, тарқоқ ҳамон, шовқин-суроним бўлмаса.

Тўқ яшаймиз — жойида, йўқ бу ҳусусда гумон,
Афсуски, газету журнал — дилу жоним бўлмаса.

Қон-қардош Ўзбекистон олисмас, ён-жон қўшимиз,
Дардимиз тинглаш мушкул, меҳрибоним бўлмаса.

Ошкор давр-чун, Сарварий, кемтиклик жойини айтди,
Умидлар қанот ёзсин, булутли осмоним бўлмаса.

Салом билан, Чимкент вилоятининг Сайрам ноҳиясидаги Қора-булоқ қишлоғидан

Ирисмат ЮНУСМАТ ўғли,
II Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивалининг лауреати, Чимкент вилоятида ўзбек миллий маданиятини тинглаш жамиятининг аъзоси.

ТАРИХИМИЗНИ БИЛАМИЗМИ?

Редакцияга бу мактубни ёзишга ҳамкасбим билан баҳслашганим сабаб бўлди. Суҳбатлашиб ўтириб, гапдан гап чиқиб, XV—XIX асрларда яшаган боболаримиз ҳақида баҳслашиб қолдик. Дўппини бундоқ олиб, ўйлаб кўрсак, бу асрлар у ёқда турсин, ҳозирги асримиз бошларидидаги боболаримиз қандай яшаганлигидан ҳам

беҳабар эканмиз. Чингиз оғамиз яратган, ўтмишини йўқотган манкурт образига қандай муносабат билдиришимиз маълум, бироқ ўзимиз-чи, тарихимизни биламизми? Неча киши тарихимизни мукамал билади? Ҳатто инқилобдан кейинги йиллар тарихини ҳам тузукроқ билмаймиз. Сизлардан илтимос, бизга ўхшаган ўз тарихидан беҳабар кишилар учун яқин ва узоқ ўтмишда халқимиз қандай ҳаёт кечирганлиги ҳақида, илгариги ва ҳозирги даврларни таққослаб кўриладиган, чуқур таҳлил қилинган мақолаларни кўпроқ эълон қилсангиз.

Маҳмуджон ИСАБОВ,
Анджон шаҳри.

ВАТАН ТУЙҒУСИ БЎЛСИН!

Ҳар бир шахсда Ватан туйғуси бўлади. Шу туйғу туйфайли эътиқод ҳам, эзгу мақсадлар ҳам, тил ҳам унда ягона, яъни бир бутун йўналишдадир. Карахлик йиллари бу туйғуга путур етди. Тиркичилик ташвишлари билан бўлиб, ҳозирда ҳам шахс камолоти ҳақида қайғуришга вақт етмайди. Шахсининг шаклланиши онла ва мактабдан бошланади. Бунда онанинг роли катта. У болага маънавий ва руҳий озуқа бериши зарур. Лекин аҳвол қандай! Қишлоқ аёлининг турмуш шароити ҳаммамизга маълум. У фарзандига мусиқа асбобларини чалиб беролмаса, расмлар чизишини ўргатолмаса, бунга ўзи бошидан ўргатилган бўлмаса нуқул тиркичилик ташвишлари билан ўралашиб қолган бўлса, қандай қилиб тарбия, она юртга муҳаббат туйғуси ҳақида сўз бориши мумкин!!

Утган асрда чор босқинчиларига қарши курашни узоқ йиллар тўхтатмаган, ўлимлардан ҳам қўрқмаган Қурбонжон додхоҳ исмли аёлининг мардлигига Туркистон генерал-губернатори Кауфман ҳам тан бериб, «Шарқнинг жасур аёли», деб баҳо берган экан. Ўтмишда халқпарвар нисонлар, миллий қаҳрамонларимиз

кўп ўтган. Бугунги авлодлар улар билан фахрланади, албатта. Биз бугун мана шундай бобо ва момоларимизга муносиб халқ сифатида шаклланишимиз керак.

Олимжон ЮНУСОВ,
тарих ва жамиятшунослик фани
ўқитувчиси (Наманган вилояти).

РЕДАКЦИЯДАН: Утган йилнинг ўн ойи мобайнида редакция Сиз, муҳтарам журналхонлардан тўрт мингдан зиёд мактуб олди. Бу, аввалги йилгидан деярли икки барабар кўпдир. Шу мактублардан элликка яқинини журнал саҳифаларида ёритдик, ўнлаб мактублардаги тақлиф-истаклар асосида мақола ва суҳбатлар, маданий меросимиз намуналаридан эълон қилдик. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан мингга яқин мактуб олинди, улардан айримлари журнал саҳифаларида ёритилди.

Бу йил ҳам «Мактублардан сатрлар» рубрикаси остида ҳар икки-уч ойда бир марта мактубларингиздан намуналар эълон қилиб боришни режалаштирганимиз. «Фан ва турмуш» саҳифаларида кўтарилаётган муаммолар Сизни бефарқ қолдирмаётгани редакцияга йўлланган ҳар бир мактубни ўқиганда сезилади. Сиз — журналнинг ҳақиқий ҳакамисиз. Журналнинг қизиқарли бўлиши кўп жиҳатдан редакцияга йўллаган тақлиф-истакларингизга боғлиқ.

ЎҚИШ

Сиз эски ўзбек алифбоси ҳақида муайян даражада маълумотга эга бўлдингиз. Энди ана шу дарс сабоқлари орқали олган билимларни синаш мақсадида араб алифбосида битилган матнларни ўқишга ўтамиз. Бу матнлар адабиёт ва санъат, илм-фан ва маданиятимиз тарихига оид турли даврларда битилган китобларнинг асл нусхаларидан олинади. Журналнинг дастлабки сонларида матнларнинг ҳозирги ёзувимиздаги муқобилини ҳам берамиз. Ўқишни ўзбек халқ китоблари орасида муҳим ўрни тутувчи «Қиссан Юсуфбек ва Аҳмадбек» дostonи матнидан бошлаймиз.

Дostonнинг тили унинг эски ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасига мансуб шоир томонидан битилганини кўрсатади. Қўшқўпирлик Розия Машариф қизи хонадонидан сақланаётган ушбу дoston тилининг соддалиги, равонлиги, тўлаллиги ва яхши сақланганлиги, шеърини парчаларининг поэтик жиҳатидан етуқлиги билан ажралиб туради.

Бу дoston 1867 йилк Армен Вамбери томони-

МАШҚИНИ ОЛИНГ

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким Исфаҳон шаҳринда бир подшоҳ бор эрди. Одиға Бўзўғлонхон дер эрдилар. Аммо анинг икки саркардаси бор эрди. Бирини Бобобек дер эрдилар ва яна бирини Оғабек дер эрдилар ва яна Бўзўғлонхоннинг икки қариндоши бор эрди. Оғабек билан Бобобек иккиларига икки қариндошларини бериб куяв қилдилар. Иккиларидин икки ўғул пайдо бўлди. Бобобекнинг ўғлининг оди Юсуфбек эрди. Оғабекнинг ўғлининг оди Аҳмадбек эрди. Бу иккилари ҳам Бўзўғлонхоннинг жиянлари эрдилар. Юсуфбек ўн саккиз ёшиға, Аҳмадбек ўн тўрт ёшиға кирди. Аммо Исфаҳоннинг яхши йигитлари келиб Юсуфбекнинг олдинда базми суҳбат қилур эрдилар. Юсуфбек йигитларига жавлон бериб, инъом-эҳсон бериб, оту сарпойлар бериб, вақтларини хуш қилиб эрдилар. Бўзўғлонхоннинг яхши йигитлари қочиб Юсуфбекка қўшилур эрдилар. Юсуфбекнинг йиғини кун-кундин зиёда бўлур эрди. Бўзўғлонхоннинг бир вазири бор эрди.

дан Венгрияда немис тилида нашр этилган. Туркий халқларнинг севимли асарларидан саналган ушбу китоб инқилобдан олдин 1889, 1890, 1904 йилларда Қозонда, 1901, 1903, 1910 йилларда эса Ташкент, Самарқанд, Хева, Когон шаҳарларида нашр этилган. Дostonнинг турк-

Бир кун айди: «Эй подшоҳим, Юсуфбек билан Аҳмадбекнинг йиғини зиёда кўбтурур. Зўр бўлмай тез иложини қилинг. Йўқ эрса сизга зарари тегиб душман бўлуб яқонгиздин олур», деди. Бўзўғлонхонға бу сўз маъқул тушуб девонини чақириб, нома ёздуруб айди. «Эй девон, оқилға ишорат, аҳмакға калтак», деб «бу юртға икки ўғлонларнинг дахли йўқтурур кетсунлар», — деб номаға муҳр босиб, бир маҳрамға бериб юборди. Юсуфбекка олиб борди. Юсуфбек олиб очиб ўқудилар. Мазмуни шул турур деб бир сўз айди.

Бир шаҳарда икки султон наишлар, Фитраликда роҳи туман бўлолмас. Пардада туролмас бир неча қушлар Қарға, кузгун қушлар шаҳбоз бўлолмас. На дахли бор мунда бу икки ўғлон, Исфаҳондин кетсун энди шул замон Бизларга душмандур билинг бегумон Тулки, шағаллар арслон бўлолмас.

ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ нашрга тайёрлаган.

Т у з а т и ш. Журналнинг ўтган йил 11-сонидан берилган «Машқини олинг» сарлавҳаси остидаги «Сўнги сабоқ»да айрим топшириқлардаги араб ёзуви ўрни алмашиб кетган: 2-топшириқдагиси 5-га, 5-топшириқдагиси 9-га, 7-топшириқдагиси 2-га, 9-топшириқдагиси 7-га тааллуқли.

манча, қозоқча, қорақалпоқча, тожикча нусхалари ҳам мавжуд.

Мазкур дoston бўҳтон оқибатида кўплаб кулфатларга дучор бўл-

ган икки ўғлон Юсуфбек ва Аҳмадбекнинг қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Унда адолатнинг тананаси ва адоватнинг таназзули ғояси ўз аксини топган.

بوز اوغلان خان نینگ بر وزیری بار ایدی بر کون ایدی ای
 پادشاهیم یوسف بیک بیلان احمد بیک نینگ بیغینی زیاده کوب
 تورور زور بولمای تیز علاجهینی قیلینک یوق ایرسه سزکامتری
 تکیب دو دشمن بولوب یقانکیز دین آلور دیدی بوز اوغلان خان
 بوسوز معقول توشوب دیوانینی چاقیریب نامه یازدوروب
 ایدی ای دیوان عاقل غه اشارت اتمق غه کلتک دیب بو
 یورت غه ایکی اوغلان لار نینگ دخی یوق تورور کیتسونلار دیب
 نامه مهربانسیب محرم غه بریب یباردی یوسف بیک کا ایب
 یاردی یوسف بیک ایب آپیب او قودی لار مضمونی شول
 تورور دیب برسوز ایدی

بر شهرده ایکی سلطان نه ایشلار
 فطر تلیکده راهس تومان بولا لماس
 پرده ده یور لماس بر نیچه قوشلار
 قرغ قوزغون قوشلار شهباز بولا لماس
 نه دخی بار موزده بو ایکی اوغلان
 اصفهان دین کیتسون ایدی شول زمان
 بزلار کا دو دشمندور بیلینک بیکیان
 تولکی شغال بولار ارسلان بولا لماس

قصہ یوسفیک و ابرہیک

اما راوی لارا نداغ روایت قیلور لار کیم اصفهان شہر نیدہ بر پادشاہ
بار ایردی آدی غہ بوز اوغلان خان دیر ایردی لارا اما اینیک ایکی
سسر کردہ سی بار ایردی بر نیدہ آغابیک وینہ بر نیدہ بابا بیک دیر
ایردی لار وینہ بوز اوغلان خان نینک ایکی قرینداشسی بار ایردی
آغابیک بیلان بابا بیک ایکی لاری غہ ایکی قرینداشلا ریشی بریب
کیو قیلدی لار ایکی لار دین ایکی اوغول پیدا بولدی بابا بیک نینک
اوغلی نینک آدی یوسف بیک ایردی آغابیک نینک اوغلی نینک
آدی احمد بیک ایردی بو ایکی لاری تم بوز اوغلان خان نینک تین لاری
ایردی لار یوسف بیک اون سکیز یا شیغہ احمد بیک اون تورت
یا شیغہ کیردی اما اصفهان نینک یخشی بیکیت لاری کیلیب
یوسف بیک نینک آلدیندہ بزم صحبت قیلور ایردی لار یوسف بیک
بیکیت لاری کا جولان بریب انعام احسان بریب اطاسر پامی لار
بریب وقت لاری نی خوش قیلیب ایردی لار بوز اوغلان خان نینک
یخشی بیکیت لاری قاپچیب یوسف بیک کا قوشیلور ایردی لار
یوسف بیک نینک یغینی کون کون دین زیادہ بولور ایردی

Маълумингизки, журналнинг ўтган йилги бир неча сонда Қуръон каримнинг «Нисо» сурасидан ва ҳадислардан эътиборингизга ҳавола этган эдик. Шундан кейин идорамизга муҳтарам журналхонлардан кўллаб мактублар келди. Уларда бу тадбирнинг кирои жон эканлиги таъкидланади. Қунида ана шундай хатларнинг бирдан парча келтирамиз: «Биз, Марғилон ёғочсозлик заводининг бир группа ишчилари сеvimли журналимиз «Фан ва турмуш»нинг бу йилги чиқаётган сонларидан чексиз миннатдоримиз. Журналимиз заҳматкашларига катта раҳмат. Мана бизлар бу йил (1989 йил. — Ред.) «Фан ва турмуш»да эълон қилинган табаррук Қуръони каримдан «Нисо» сурасининг ўзбек тилидаги таржимаси билан танишдик. 10-сонда эса пайғамбаримиз

Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан айримларини ўқидик. Қандай ибратомуз сўзлар. Айниқса маффуравий тарбия соҳасида инсонларга дастурил-амал бўлгудек... Бир гуруҳ журналхонлар номидан ҚУЧҚОРОВ Б., ҲОШИМОВ М., МИРЗАҒАНИЕВ И».

Муҳтарам журналхонларимизнинг истакларини инобатга олиб Ҳадислардан журнал саҳифаларида бериб борамиз. Ҳадисларни Ўзбекистон ССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ ва Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний Бошқармаси фатво ҳайъатининг мудирини Абдулазиз МАНСУРОВ ўзбек тилига таржима қилиш-япти.

Ҳалол ва рухсат этилган нарсалар ичида Тангрига хуш келмайдиган-роғи — талоқдир.

Таомни совитиброқ истеъмол қилинганлар, иссиқ-қайноқ таомда барака бўлмайди.

Қўшнингга яхшилик қил — тинч бўласан. Узинг севган нарсани одамларга ҳам раво кўр — саломат юрасан. Кўп кулма. Кўп кулиш дилни ўлдирди.

Ҳалокатга олиб борувчи еттита гуноҳдан сақланинганлар:

1. Тангрига ширк келтирмоқ (Оллоҳни бирдан ортиқ демоқ).
2. Соҳр ишлари билан шуғулланмоқ.
3. Бировни ноҳақ ўлдирмоқ.
4. Судхўрлик.
5. Етимлар молини ёмоқ.
6. Ватан мудофааси учун бўлаётган урушдан қочмоқ.
7. Эрли, мўмин, ифбатли аёлларни фоҳиша деб ҳақоратламоқ.

Ароқдан сақланинганлар, чунки у барча ёмонликларнинг калитидир.

Тангри наздида уйларнинг яхшироғи — етимлар иззат қилинадиган уйдир.

Узингга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!

Отанг вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиргин. Улар билан алоқани узсанг, Тангри сенингу нурингни ўчиргай!

Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши динсизликдир.

Иложи борича одамларни олий жазога тортишдан четлашга ҳаракат

қилинганлар. Лекин олий жазолар (ҳадлар) ҳам бутунлай бекор қолмасин.

Ут-ўчоғига яраб турган ходими ўз хўжайинига таом тайёрлаб келганда уни ўзи билан бирга ўтқазсин. Агар бирга ўтқазмаса, бир-икки ошам на-сиба узатиб юборсин.

Ким-кимни яхши кўрса (дўст тутса), шу севгисини билдириб қўйсин.

Уйқудан уйғонган одам қўлини то уч марта юзмагунча идишга тиқмасин, чунки у билмайдикки, қўли қаерларда бўлган.

Қайси бирларингиз намозда одамларга имом бўлиб қолсангиз, намозни (қироатини) енгил ўқинг! Чунки улар ичида ёш болалар, кексалар, заиф кишилар, беморлар ва ҳожатманд кишилар бордир. Аммо ўзингиз якка ўқиганда хоҳлаганча узоқ ўқий-веринг!

Қачонки хаёлингдан бирор шубҳали фикр ўтса, уни тарк қил!

Агар гуноҳ иш махфий қилинса, фақат эгасигина зарар кўради. Ошқора қилинганда эса зарари ҳаммага уради.

Бирор киши гапирган пайтида у ёқ-бу ёққа қараб қўйса, демак шу гап омонатдир.

Бирор киши бор айбингни айтиб сени ҳақоратласа, сен уни унда бор айби билан ҳақоратлама. Шунда бунинг савоби сенга, гуноҳи унга бўлур.

Савобли иш қилганингда хурсанд бўлсанг, гуноҳ иш қилганингда эса хафа бўлсанг, демак сен ҳақиқий мўминдирсан.

Қўшниларинг сени яхши одам дейишаётган бўлса, демак сен яхшисан. Агар улар сени ёмон одам дейишаётган бўлса, демак сен ёмон одамдирсан.

Бир жойда вабо касали бор деб эшитсаларинг, ўша жойга кирманганлар. Агар сизлар яшаётган жойга вабо келса, ўша ердан қочиб чиқиб кетманганлар.

Қачонки бирор гуноҳ иш қилиб қўйсанг, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш ҳам қилиб қўй!

Қайси бирларингда жаҳлу ғазаб қўзиса, дарҳол сукут сақлашга ўтинг!

Подшоҳларингиз яхши одам, бойларингиз сахий ва ишларингиз бамаслаҳат бўлса, сизлар учун ернинг остидан кўра усти афзалдир. Акс ҳолда ернинг устидан ости афзалдир.

Тишларингизни (мисвок билан) то-залаб юринганлар ва тозаликка одат қилинганлар. Такрор-такрор қилинадиган махсус ишларни тоқ (сонли) бажаринганлар, зеро Тангрининг ўзи тоқ, тоқ ишларни яхши кўради.

Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб ҳол-аҳвол сўрашиб туриш — бу савоби тез тегадиган хайрли ишлардандир. Зулм билан қариндошлардан узилиб кетишлик эса, жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир.

Одамларга кенг юракли бўлинганлар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар.

Бу дунёда одамларга қаттиқ азоб берадиган кишиларни Тангри қиёмат куни қаттиқ азоблайди.



Муҳаммад пайғамбар (юзига парда тўсилган) Убуд тоғида жангнинг боришини кузатмоқда.

Бу сурат Лейпцигда 1988 йили чоп этилган «Туркий миниатюралар» альбомидан олинган.

Беш хил хислатга кафил бўлинглар, мен ҳам сизлар учун жаннатга кафил бўлай: 1. Меросларингизни тақсимлашда бир-бирларингизга хиёнат ва зулм қилманглар. 2. Одамларга, ўзларингизга инсоф қилинглар. 3. Душман билан бўладиган жангларда қўрқоқлик қилманглар. 4. Ўлжа тақсимида хиёнат қилманглар. 5. Зулм қилувчилардан мазлумлар ҳаққини ундириб беринглар!

Яхшиликни чеҳралари очик, хушрўй одамлардан кутинглар.

Учрашганда қайси бирларингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам Тангрига ҳам итоатлироқдир.

Зоту насабларингизни яхши таниб олинглар, токи қариндошлар билан алоқа яхши бўлсин. Ўзи яқин тургани билан силаи раҳм (мурувват) бўлмаса, унинг яқинлигидан фойда йўқ. Ўзи узоқ тургани билан силаи раҳм бўлса, узоқлигининг зарари йўқ.

Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи — бу унинг онасидир.

Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингда меҳру муҳаббат уйғонур.

Тангрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали — бу одамлар билан дўстлашишдир.

Садақанинг афзали соғлом, мол тўплайдиган, яшашни хоҳлайдиган ва фақирликдан қўрқадиган ҳолингиздаги қилган садақангдир. Садақа қилишни узоққа чўзма, жонинг халқумингга келганда молимнинг бунчасини фалончига, унчасини фалончига, деганинг билан фойдаси йўқдир, чунки у пайтда сен айтмасанг ҳам молинг фалончиларники бўлур.

Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқликдир.

Қуръонни ўқиб унга амал қилинлар. Ундан узоқлашиб ҳам кетманглар, унинг маъносига чуқур маъно берман деб хато ва муболағага ҳам кетиб қолманглар. Уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, молу дунё орттиришга ҳам ўтманглар.

Бойларнинг уйига камроқ киринглар, акс ҳолда Тангрининг сизларга берган неъматларини писанд қилмаган бўласизлар.

Обрўли кишиларнинг хато ва камчиликларини кечиринглар, катта гуноҳлар бундан мустасно.

Бу дунёда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат куни кўп бўлур.

Лаззатларни йўқотувчи нарса (ўлим) ни кўпроқ эсланглар, чунки уни камбағалликда эсласа бой бўлади, бойлик ҳолида эсламай қўйса камбағал бўлади.

Нонни эъзозланглар.

Имон жиҳатдан мўминларнинг комилроғи — хулқи яхши бўлгани ва хотинларига нисбатан яхши муомалалароғидир.

Эй Парвардигор, мен Сендан фойдасиз илм, қабулсиз амал ва ижобатсиз дуодан паноҳ тилайман.

Эй Парвардигор, мен сендан ғамташвишдан, хафаликдан, ожизликдан, дангасаликдан, бахилликдан, қўрқоқликдан, қарздорлик ва хорликдан паноҳ тилайман.

...Огоҳ бўлки, ғазаб бамисоли инсон ичидаги ёниб турган чўғдир. Биласизларки, ғазаби келган кишининг кўзлари қизариб, томирлари шишиб кетади! Агар бирорталарингиз шундай ҳолатда бўлиб қолсаларингиз ерга ўтириб олинглар! Огоҳ бўлингки, одамларнинг яхшиси — ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир. Уларнинг ёмони эса ғазаби тез келиб секин келиб, секин кетса ёки тез келиб, тез кетса, бу ҳам дуруст. Огоҳ бўлингки, савдогарларнинг яхшиси — савдо-сотик ишларида хушмуомала бўлади. Ёмони эса кўпол муомалали бўлади. Бу икки хислатлардан лоақал бирига эга бўлса ҳам дуруст.

Огоҳ бўлки, ҳар бир хиёнатчи қиёмат куни белги учун хиёнати миқдориди байроқ кўтариб юрур. Огоҳ бўлки, хиёнатнинг каттаси амирларнинг халқ оммасига қилган хиёнатидир. Огоҳ бўлки, ҳақ гапни билган кишига уни гапиришликда одамларнинг ҳайбати тўсқинлик қилмасин! Огоҳ бўлки, жиҳодларнинг афзали золим подшоҳ олдида айтилган ҳақ сўзидир. Огоҳ бўлингки, умрингизнинг қолган қисми бамисоли яшаб турган кунингизнинг қолган қисми кабидир.

Онанга яхшилик қил, онанга яхшилик қил, онанга яхшилик қил, сўнг отанга яхшилик қил!

Тангри покдир, покизаликни яхши кўради, тозадирки, тозаликни яхши кўради, сахийдирки, сахийларни яхши кўради, ҳовли, сахн ва турар жойларингизни тоза тутинглар...

Тангри умматларимни залолат ишига бирлаштирмайди. Тангри кўпчиликка ёрдам беради. Кимки кўпчиликдан ажралса, дўзахга (ёмонликка) йўл олган бўлади.

Тангри сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва амалларингизга қараб баҳо беради.

Тангри фаҳш ишларни қилувчи ва беҳаё сўзларни гапирувчи кишини ёмон кўради.

Тангри биродарларига қовоғини солиб қарайдиган кишиларни ёқтирмайди.

Тангри аксиришликни ёқтиради, эс-нашликни ёмон кўради.

Тангри қиёмат куни айтади: Эй инсон фарзанди! Бетоб бўлдим, мени келиб кўрмадинг. У одам айтади: эй раббим, сен бутун оламнинг Парвардигори бўлатуриб мен сени қандай кўришим мумкин эди? Тангри айтадики: Фалончи одам бетоблигида бориб кўрмадинг-ку, агар борганингда унинг олдида мени топган бўлур эдинг. Эй инсон фарзанди! Узинг овқатландинг, аммо мени йўқладинг. Одам айтади: эй раббим, сен бутун оламнинг подшоҳи бўлсанг-ку, мен сени қандай овқатлантиришим мумкин эди? Тангри айтади: Фалон бандам муҳтож бўлиб олдинга борганида, сен унинг ҳожатини раво қилмадинг. Агар қилганингда эди, ўша ерда мени топган бўлур эдинг.

Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир...

Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Борди-ю кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади.

Сабрлилик мусибатнинг биринчи қақчаларида билинади.

Фаҳш ишлар, фаҳш сўзлар исломда йўқ нарсалардандир. Мўмин одамларнинг яхшиси — хушхулқлисидир.

Аёл диёнати ёки молу дунёси ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур!

Тиламчилик қуйидаги уч тоифадан биригагина жоиздир: 1. Хун тўловчига, 2. Оғир қарз эгасига, 3. Фақир-қашшоқ кишига.

Ўлим — даҳшатли ҳодисадир. Қачонки тобутни кўрсаларингиз, дарҳол ҳурмат учун ўринларингиздан туринглар.

Бир мўмин бемор ётган бошқа бирор мўмин биродарини кўргани борса, босиб ўтган йўлларида жаннат боғларида юргандек бўлади.

Имонли одам ваъдага вафодор бўлади.

Мўминлар бир-бирларининг оғриқларига шерик бўлишлари керак. Бу бош оғриганда бамисоли бутун тана оғригани кабидир.

Кишилар ўртасидаги низо ва муаммолар хусусида тўғри фикр берадиган ва одилона ҳукм чиқарадиганлар яхши одамлардир.

Сенда Тангрига маъқул ва маъқуб икки хислат бор: ҳалимлик ва оғирлик.

Сизлардаги икки хислатни Тангри ва унинг Расули ёқтиради. 1. Мулойимлик, 2. Вижорлик (вазмийлик).

Ҳар бир нарсанинг авжи бор. Омади келган киши ўзини тўғри тугиб юрса, ундан яхшилик кутинглар. Мабодо шухрат ва манмансирашга ўтса, уни мукаммал одам ҳисобламанглар.

Берган нарсасини қайтариб оладиган киши гўё ит қайт қилган нарсасини яна қайта еявериши билан баробардир.

Бахтсизлик уч нарсададир: отда, хотинда ва ҳовлида (яъни: ёмон от, ёмон хотин ва тор ҳовли, дейилмоқчи).

Фақат хайрли ва савобли ишларга буюрилганда итоат қилиш керак.

Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатидаги гаплари омонатдир. Суҳбат қурган кишилар Тангрининг омонати билан тургайлар. Суҳбатдошининг сирини фош қилиш ҳаромдир.

Ҳожат сўраш жуда зарур бўлиб қолса, солиҳ, яхши одамлардан сўрагин.

Мусибат етганда сочини юлиб, юзини тирнаб ёки кийимини йиртиб йиғлайдиганлардан безорман.

Инсон кўпроқ хатони ўз тили билан содир қилади.

Биродарларингизга — хоҳ у золим бўлсин, хоҳ мазлум, ёрдам беринг. Сўрадилар: «Мазлумга-ку ёрдам берамиз, золимга ёрдам беришлик

қандай?» Жавоб бердиларки: «Уни зулм қилишдан тўхтатиб қолсангиз, шу унга қилган ёрдамнингиз бўлади».

Кўпи маст қиладиган ичимликнинг озидан ҳам сизларни қайтараман.

Сизларга васиятим шуки, саҳобаларимга, сўнг улардан кейингиларга эргашинглар. Ундан сўнг ёлгончилик кенг тарқалади. Ҳатто одамлар сўралмаса ҳам қасам ичиб, ёлгон гувоҳликка ўтаверади... Кимки бир бегона аёл билан хилватда бўлсалар уларнинг орасига Шайтон кирилади. Доимо кўпчилик билан бирга бўлинглар. Бўлиниб кетишдан сақланинглар. Шайтон ёлғиз қолган одам билан биргадир. Икки кишидан эса узоқлашур. Кимки жаннатнинг ўртасига тушишни хоҳласа, жамоат билан бирга бўлсин. Кимки ўзининг яхши ишидан қувонса, ёмон ишидан хафа бўлса, демак у ҳақиқий мўминдир.

Кўшни билан яхши алоқада бўлинглар!

Никоҳ тўйида бир қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат бер!

Сизларга жаннат аҳли ким бўлиши тўғрисида хабар берайми? Улар заиф бечоралар ёки Тангрига қасамёд қилсалар, албатта устидан чиқадиганлар. Дўзах аҳлидан хабар берсам, улар хусуматни қаттиқ қилувчи, мутакаббир одамлардир.

Сизларга яхшиларингиз билан ёмонларингиздан хабар берсам, сизларнинг яхшиларингиз — яхшилиги умид қилинадиган ва ёмонликдан эса ўзни тиядиганларингиздир. Ёмонларингиз эса, яхшилигидан умид қилинмайдиган, ёмонлигидан эса қутилиб бўлмайдиганларингиздир.

Ораларингизда энг кучлиларингиз кимлигини айтмайми?! У ғазоби келганда ўзини тугиб тура оладиганингиздир.

Қулоққа ёмон эшитиладиган гапдан сақлан, э хотин!

Гумондан сақланинглар! Зеро у ёлгон гапдан иборатдир. Бир-бирларингизни текшириб жосуслик қилманглар. Мол-дунё учун мусобақа қилманглар. Урталарингда ҳасад, адоват ва аразлаш бўлмасин. Тангрининг биродар бандалари бўлинглар. Биров қўйган совчи устига то улар ўзаро битишгунча ёки тарк қилишгунча, совчи юборманглар.

Ёлгон гапиришдан сақланинглар, чунки ёлгончилик имондан бегонадир.

Ҳар қандай ҳайвон териси ҳам ошланса, тоза ва пок бўлади.

Давоми бор

БИР КАШФИЁТ ТАРИХИ

Ҳозир ёзув-чизувни шарикли ручкаси тасаввур қилиб бўлмайди. Уни венгер журналисти Ласло-Йожеф Биро ихтиро қилган. У ўз иши юзасидан босмахонага кўп бориб турарди. Бир кун ротацья машинасидан чиққан заҳотиёқ куп-қуруқ бўлган газета варағини кўриб ўйга толди: «абдий перо найчасини босмахона бўёғидек тез қурийдиган бирон-бир сиёҳ билан тўлдириб мумкин эмасмикин! Қани энди, авторучкада шундай қилишнинг иложи бўлса. Лекин бундай сиёҳ қуюқ бўлиши керак-ку. Бунақа қуюқ сиёҳ авторучканинг капиллярлар системасидан ўтмаслиги турган гап. Бинобарин, мақсадга эришиш учун қандайдир бошқа ёзув мосламаси ўйлаб топиш керак.

Биро кимёгар акаси билан маслаҳатлашиб, перони айланувчан шарча билан алмаштирди. Шундай қилиб, шарикли ручканинг дастлабки тажриба нусхаси 1938 йили яратилди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида Венгрияда рўй берган сиёсий ҳолат муросасиз журналист Биро сингари одамлар учун хавфли бўлиб қолди. Дастлаб у Парижга бориб турди ва у ерда ўз ихтироси учун ҳужжат қоғози олди, кейин Испанияга, 1940 йили эса Аргентинага ўтди. Бу ерда у ўзининг ажойиб ғоясини амалга ошириш учун маблағ билан таъминлаб туришга бир бадавлат одамни унатди. Биро конструкциясини такомиллаштириб шарикли ручка ишлаб чиқарадиган машина яратди. Биро қурган мўъжазгина фабриканинг илк маҳсулоти Аргентинада 1943 йили сотувга чиқди, унинг баҳоси яхшигина сиёҳли авторучкадан қимматроқ эди.

Шарикли ручканинг дастлабки харидорлари учувчилар бўлишди. Чунки улар «абдий перо»дан фарқли ўлароқ шарикли ручка сиёҳи баландга кўтарилишда атмосфера босимининг камайиши таъсирида оқиб кетмаслигига амин бўлишди. «Учувчилар авторучкаси» ҳақидаги маълумот АҚШ мудофаа министриликгача етиб боргач, министрлик авторучка ишлаб чиқарувчи устаси фаранг фабрика эгаларига бу янгилик билан яхшилаб танишиб чиқишни ва америка ҳарбий учувчилари учун ана шундай шарикли ручка ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни топширди. 1944 йили Биро ўз ихтироси учун АҚШда патент олди ва икки йirik америка ширкатига лицензия сотди. Лекин улар то ишга киришганларига қадар Жанубий Америкада тасодифан шарикли авторуч-

ка сотиб олган М.Рейнолдс деган киши унинг конструкциясига бирмунча ўзгаришлар киритиб, ҳеч қанақа лицензиясиз шундай авторучкалар ишлаб чиқараверди. Биро ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Рейнолдсни судга берди. Рейнолдс сувдан қуруқ чиқиш мақсадида 1888 йили Ж.Лауд деган қандайдир ихтирочининг той ва қўтиларга ёзиш учун яратилган хаткаша олган ва аллақачон инут бўлиб кетган америка патентини рўқач қилди. Ҳозирги вақтда сотилаётган дезодорантли шарикли пластмасса флаконларни эслатувчи Лауд системасида бўёқ солинган баллончадаги кўндаланг кесими 1—2 сантиметр бўлган пружинали шарча қоп, картон ёки тахталарга номер ёзиш учун хизмат қиларди. Рейнольдс ўзининг ручкаси — Лауд кашф этган ручканинг кичрайтирилган нусхаси эканига, Биро системасига мутлақо алоқадор эмаслигига судни ишонтирди.

Кенг кўламда тарғиб қилинганлиги туфайли Рейнолдс ручкаларининг дастлабки партияси 1945 йил 19 октябрда Нью-Йоркдаги йirik универмага олиб келинганида харидорларни тартибга солиш учун нақ 50 нафар полициячини чақиришга тўғри келган. Унг минг ручка бир соатдаёқ сотиб бўлинади.

Кашфиётнинг асл соҳибни Биро 1947 йили бу ишини ташлаб, қолган 38 йиллик умрини рассомликка бағишлади.

БУНАҚАСИНИ ТОПОЛМАЙСИЗ

Швециянинг жануби-шарқдаги Кальмар шаҳрининг футбол ишқибозларига жаҳондаги бошқа бундай ишқибозларга қараганда маза-да. Ахир улар томоша кўрадиган стадиондаги ўриндиқлар остидан иситилади-да. Бунақаси, ҳақиқатан ҳеч қаерда йўқ. Кальмар стадионидаги 2200 ўриндиқдан ҳар бирининг остидан шаҳар иссиқлик марказидан тортилган қувур ўтади. Фанер ўриндиқ остига мисдан ишланган бурама найча ҳамда иссиқлик баравар тақсимлансин учун мис тахтача ўрнатилган. Ҳаво ҳарорати плюс 15 даражадан пасайди дегунча қувурлардан қайноқ сув юборилади.



XXI АСР ИҚЛИМИ

Ҳўш, келгуси аср иқлими қандай бўлади! Бу савол муҳтарам журналхонларни қизиқтириши табиий. Мамлакатимиз мутахассисларининг, жумладан СССР ФА мухбир аъзоси М. Будиконинг фикрича, 2000 йилга келиб ҳаво қуйи қатламининг ўртача ҳарорати XIX аср охиридагидан 1,3 даража кўтарилади. Бунинг боиси атмосферада карбонат ангидрид гази улушнинг кўпайишидир.

2025 йилга бориб эса ўртача ҳароратнинг 2,5 даража, 2050 йилда эса тақрибан 3—4 даража ортиши тахмин қилинапти. Бу ҳол иқлимнинг умумий иситишдан ташқари, ёгин-сочин тарзининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Масалан, мамлакатимиз бўйича йилига ёгин-сочин миқдори дастлаб 5—20, кейинчалик 10—30 сантиметрге ортади. Айни вақтда Урта Осиёда келгуси аср ўрталарида ёгин-сочин қарийб икки баравар кўпаяди.



АВВАЛ ЖИМ ТУРИШНИ

Бир кун қадимги юнон файласуфи Арастуниги (миллоддан олдинги 384-322 йил) олдиға жуда ҳам серғаб бир ёш йигит келиб, унга нотқлик санъатини ўргатишни илтимос қилди. У дабдабали сўзларни изҳор этгандан сўнг Арастудан ўқиш учун қанча ҳақ тўлашини сўради.

— Сендан бошқаларга қараганда икки баробар кўпроқ ҳақ олинади, — қоғоғини солиб жавоб берди файласуф. — Нима учун! — ҳайрон бўлди йигит.

— Чунки, сен билан икки баробар ишлашга тўғри келади: сенга сўзлашни ўргатишдан аввал, жим туришни ўргатишим лозим.

ОЗУҚА ИЗЛАБ

Одатда, дарахт илдизи ер остига қараб ўсади. Лекин ҳамма вақт ҳам шундай эмас экан. Америкалик биолог Роберт Сэнфорд Венесуэла чангалзорларида ўн икки хил дарахтнинг илдизи танасига чирмашиб юқорига қараб ўсишини аниқлади. Чунки бу ердаги түпроқда озикланти-

рувчи моддалар жуда кам. Шунинг учун дарахт илдизи кальций, магний, калий ва бошқа минералларни танасидан оқиб тушаётган ёлғир сувидан шимиб олишга мослашган. Ёлғир таркибидаги минерал моддалар сунъий равишда оширилганда дарахт илдизи яна ҳам юқорироқ ўсганлиги тадқиқотчилар фикрини яна бир бор исботлади.

ҚУЛБОЛА ҚУЕШ СИСТЕМАСИ

Ғарбий Германиядаги Унтерзиминген қишлоғи яқинида Қуёш системасининг 850 миллион марта кичрайтирилган нусхаси яратилди. Қуёш кўндаланг кесими 163 сантиметр бўлган ичи бўш мис қурра сифатида тасвирланган. Ундан 69 метр нарида нўхатдек қурра тарзида алюминий қотишмасидан қуйилган Меркурий турибди, у шиша қўтичига ўрнатилган. Қуёшдан 126 метр масофада Венера, 176 метр олисда Ер (унинг диаметри бир ярим сантиметр) ва бошқа сайёралар жойлашган. Ҳатто Қуёшдан етти километри яроқдаги Плутон сайёраси ҳам бу системадан ўз ўрнини олган. Ҳар бир сайёра нусхасининг маҳсус лавҳасида сайёра ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилган.

ИМПЕРАТОР ВА МАТБУОТ

Наполеон [1769-1821] Францияга император бўлгандан сўнг ўз қотибасига ҳар кун эрталаб матбуот хабарларини тайёрлаб қўйиш вазифасини юклар экан, фақат инглиз ва немис газеталари бўлиши кераклигини тайинлади.

Котиба уни бир неча мартаба француз газетасида берилган хабарлар билан қизиқтиришга уринди, лекин Наполеон бу уринишларга барҳам берди.

— Сен бекорға овора бўлма, — деди у, — мен бу газеталарда нима ёзилганлигини биламан. Чунки улар мен нимани хоҳлаган бўлсам, фақат ўшани босадилар.



КУБРОВИЯ

Бизгача сақланиб қолмаган мистик шажараларнинг «занжирлари» Нажмиддин Кубродан (1145 — 1221) бошланади, лекин улар тариқатларнинг тарихий классификацияси учун зарур. Хивалиқ Нажмиддин Мисрда форсий шайх-санх Рузбихон ал-Ваззан ал-Мисрийдан (вафоти 1188 й.) тарбия олади. Бироқ у ҳақиқий мутасаввуфлик ҳаёт тарзини Табризда истиқомат қилган Бобо Фароҳ билан учрашгандан сўнг бошлайди. Унинг устозларидан бири Умар б. Яасир ал-Бидлисий (вафоти 1200 й.) эди. Кубронинг асосий устози Исмоил ал-Касрий (вафоти 1193 й.) бўлиб, бу зот уни хиркат ат-табаррукка (тариқат раҳбарияти) олиб кирди.

Охир-оқибатда у Хоразмга қайтиб, хонақо қуради ва бир қатор машҳур мутасаввуфларни тарбиялайди. Маждиддин ал-Бағдодий (вафоти 1219 й.), улуг форс шоири шайх Фариддин Аттор (вафоти 1225 й.) шулар жумласидандир. «Мантиқ ат-тайр» («Қушлар суҳбати») аллегорик дostonнинг муаллифи Аттор ўз асариде «етти водий» (босқич, мақом) бўйлаб руҳона саёҳатда бўлади ва чуқур маъноли фикрларини баён қилади.

Нажмиддин Хоразмда 1221-йилги мўғул истилосининг қурбони бўлди. Асарларининг кўли араб тилида ёзилган, бироқ шогирдлари учун ўғит-насихатларини қолдириш мақсадида, суфизмни эронийлаштиришда муҳим бўлган «Сифат ал-адаб» («Одоб қондалари») асарини форс тилида ёзиб қолдирди.

Нажмиддиннинг кўп сонли халифалари ҳеч кимни мустақил бўлиб ажралиб чиқиб кетишига йўл қўймади, фақат кубровия тоғфасини қарор топтирди. Араб санёҳи Ибн Баттута 1333 йили бу жойларга ташириф буюради. Хоразмга [Урганчга; бу ҳақда

Совет шарқшунослик фанида, тадқиқотчиларнинг ўзлари эътироф этишича, энг кам ўрганилгани суфизм, яъни тасаввуфдир. Утган йили «Наука» нашриётида чоп этилган инглиз олими Ж. С. Тримингэмнинг «Исломда суфий тариқатлари» асари ҳамда бир гуруҳ совет шарқшуносларининг «Мусулмон маданиятида суфизм» номли мақолалар тўплами бу камчиликни тузатиш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Ниҳоят бизда ҳам Шарқ халқлари тафаккури, демакки, инсоният тафаккури тарихида муайян аҳамиятга эга бўлган тасаввуфни илмий жиҳатдан ўрганишга ва атрофлича ёритишга эҳтиёж сезилибди. Илгариги йиллари, мана, бу йил ҳам тасаввуф нима, унинг қандай тариқатлари бўлган, бизда қайси вакиллари яшаб ўтган, деган саволлар битилган мактублар редакциямизга келмоқда. Журналхонларни қизиқтирган саволларнинг баъзиларига жавоб бериш билан бирга ўзбек шарқшунос олимлари эътиборини бу мавзунинг бугун ёритилмаган жиҳатларига қаратишга бурчлимиз. Қуйида инглиз олими Жон Спенсер Трименгэмнинг тадқиқотидан Урта Осиёда тасаввуф тариқатлари вакиллари ҳақидаги кичик парчани талабларга биноан журналхонлар ҳукмига ҳавола этдик.

Абу Якуб Юсуф ал-Хамадонидан кўпгина машҳур мутасаввуфлар ўз шажарасини бошлаган, лекин унга хусусан икки асосий йўналиш — форсий Абдуҳолиқ ал-Ғиждувоний, туркий Аҳмад ал-Яссавий тариқатлари туташган.

Урта Осиёлик бу улуг мутасаввуфларнинг «орифлик йўли» [мистик билиш йўли. — Ред.] туркий ҳукмдорларнинг эътиборини ҳам ўзига жалб этди ва уларнинг исломга мослашиларини енгиллаштиришда муҳим омил бўлди. Шунингдек, бу ҳол улар қарашларининг кенг территорияда тарқалишига олиб келди. Аҳмад ал-Яссавий барча туркий мутасаввуфларнинг отаси ҳисобланади. Яссавий анъанаси асос топган даврдан бошлаб фақат туркий бўлиб келган. Аҳмад аввало туркий шайх Арслонбобо тарбиясида бўлади, унинг вафотидан сўнг Бухорога йўл олади ва Юсуф ал-Хамадоний ҳузурига келади, охир-оқибатда бу устозининг тўртинчи халифаси [муовини, энг яқин кишиси] бўлади. Кейинчалик у бу жойларни тарк этади ва Туркистонга қайтиб, туркий шайхлар шажараси (сари силсилаи машойихи турк)га асос солади.

Урта Осиёда юзага келган асосий тариқатлардан кубровия, яссавия, нақшбандия ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

қаранг: «ФТ», № 9, 1989 йил, Ибн Баттута, «Саёҳатлар». — Ред.] кираверишда Нажмиддиннинг мақбараси бунёд этилган. Унинг халифаларидан бири — Олтин Урда хони Беркани исломга юз ўғиртирган Сайфиддин ал-Бахарзийнинг (вафоти 1260 й.) мақбараси ва зовияси эса Темурнинг ғамхўрлиги туфайли Бухорода барпо қилинган. Кубровия тариқатининг шажараси асосан Маждиддин ал-Бағдодий орқали тарқаган ва Бағдод, Хуросон, Кашмир ҳамда ҳинд диёрида ўз тармоғига эга бўлган...

ЯССАВИЯ

Аҳмад б. Иброҳим б. Али Ясси [ҳозирги Туркистон] шаҳрида туғилган. Унинг дунёқараши Юсуф ал-Хамадоний таълимоти асосида шаклланган. Юқорида айтилганидек, у туғилган шаҳрига қайтади ва шу ерда 1166 йили вафот этади. Яссавийнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар оз бўлса-да, унинг исломда мистик билишнинг туркий «йўлини» яратишдаги аҳамияти шубҳасиздир. Яссавия таълимоти кўпгина диний, социал ва маданий йўналишларга эга. У туркий қабилаларни исломлаштиришда, кўчманчи турклар муҳитига исломни татиқ этишда, Аҳмад ва унинг дарвиш издошлари, масалан, Юнус Эмро (вафоти 1339 й.) кибиларнинг шеърлари орқали форсий-туркий ўзаро тил таъсиротида роль ўйнади.

Яссавия манзилма-манзил кезувчи мутасаввуфлар тариқатидир; у мустақил тармоқларга ҳам, муқим жойга ҳам эга бўлмаган. Фақат шайхлар мақбарасига зиёратга келишган, бу ҳол Урта Осиё исломининг ўзига хос хусусиятидир. Библининг

яссавия йўли — мистик «йўлдан» кўра, туркларнинг [туркий халқларнинг — Ред.] қадимий динини сиқиб чиқарган валийлик йўли ва диний амалиётдир. Манзилма-манзил кезиб юрган мутасаввуфлар бу таълимотни бутун Туркистон бўйлаб, Шарқий Туркистондан шимолга томон Трансоксиана [Мовароуннаҳр. — Ред.] [Волга райони ҳам], жанубда Хуросон ва ғарбда Озарбайжон, кейин Кичик Осиёга доғур тарқатишган. Юнус Эмро каби кишилар ёрдамида улар туркларнинг янги ислом маданиятида халқ йўналишини, оқимини яратишга ўз ҳиссасини қўшдилар, бироқ яссавия мустақил таълимот сифатида тасдиқ топмади. Ҳазрати Туркистоннинг [XIV асрда Аҳмад Яссавийни шундай аташган] доғруғи ва таъсири шундан ҳам кўринадики, Жаҳонгир Темур унга атаб кўк гумбазли мақбара ва масжид барпо этади (1398 йили қуриб битказилган).

Бу тариқат зоҳидона хилватга [бу сўз термин сифатида ишлатилади. — Ред.] алоҳида аҳамият беради, шу боис Озарбайжонда тараққий этган ва Кичик Осиёга тарқалган хилватия оқимини унинг ғарбий турк тармоғи деб ҳисоблаш мумкин. Баҳовиддин ан-Нақшбандий тариқатининг диний ворисларидандир. Камол Иқоний асос солган иқония тармоғи тариқат шажарасининг Занги ота тармоғидан бошланади. Яссавия шайхларининг номлари XVI асрга келиб ҳам манбаларда учрайди.

ХОЖАГОН- НАҚШБАНДИЯ

Нақшбандия анъаналари Баҳовиддиннинг унинг номи билан аталувчи тариқатининг асосчиси деб ҳисобламайди, шу боис мурраббийлик тарбияси заңжир [силсилаи тарбия] унга келиб боғланмайди. Тариқат ат-

ТАСАВВУФ НИМА?



ФАЛСАФИЙ
МУҲОҚАДАЛАР

Мўғуллардан мерос сифатида ўтиб келган мустақил давлатлар ҳукмдорлари (Эрондан ташқари) бу буюк сунний тарикатига ҳомийлик қилган, унинг шайхларига тириклигида ҳурмат-эҳтиром кўрсатган, вафотидан сўнг мақбаралар барпо этиб, дарвишлар учун хонақола қурдирган. Замонлар ўтishi билан тарикат мавқеи суяса борган, шунга қарамай у Самарқанд,

Марв, Хива, Тошкент, Ҳирот, шунингдек, Бухорода кўпгина марказларга эга эди. Бундан ташқари, Хитой Туркистониди, Қўқон, Афғонистон, Эрон, Балужистон ва Ҳиндистонда тарикатнинг йирик гуруҳлари мавжуд бўлган.

Бу тарикат Ҳиндистон территориясига ilk бор Бобур (вафоти 1530 й.) замонасида кириб келди, бироқ унинг чинакам тар-

ғиботчиси Муҳаммад Боқибиллоҳ Бирани (1563 — 1603 йиллар) бўлиб, у Деҳлида фаол иш олиб борди. Унинг устозлари силсиласи Хўжа Аҳрорга бориб боғланади.

Қуллас, тасаввуф оламида хилма-хил тарикатлар, уларнинг тармоқлари, турли-туман гуруҳлар беҳисоб. Биз юқорида уларнинг Урта Осиёда яшаб ўтган айрим вакиллари санаб ўтиш билан чекландик,

Бу савол барча журналхонлар қатори мени ҳам қизиқтириб келади. Унга жавоб излаб, бир неча мўтабар нашрларни варақлаб чиқдим. Аввало, ушбу термин ҳақида тўхталсак. «Философия луғати» (Т., 1976 йил.), «Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 10-жилди ва Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида «Суфизм» термини арабча «суф» — жундан тайёрланган дағал кийим, жанда сўзидан олинганлиги айтилади. Жанда кийиб юрган кишилар суфий, уларнинг маслаги тасаввуф, яъни суфизм деб юритилган, жанда кишини кибру ҳаводан, мутакаббурликдан асраган, дейилади. Беруний «Ҳикматлар»ида (Т., 1973 йил.) бошқача фикр тасвирланган: «Юнонча «соф» сўзи «ҳикмат» демакдир. Шунинг учун ҳам файласуфга «пилосупо», яъни «ҳикматни суювчи» деб исм берганлар... Мусулмонларнинг баъзилари суффия сўзининг термин эканини билмасдан, уни «сод» ҳарфи билан ёзиб, «суффа суҳбатдошлари — асхоби суфадан иборат кишилардир», дедилар. Ундан кейин, (бу сўзни) «суф аттуюс» — «така жуни» сўзидан қисқартирилган деб тушундилар... Шундай қилиб, ўша «софий» лафзи «суфий» лафзига айланиб кетган, ниҳоят, (бу сўз) бизга маълум суфийларга лақаб бўлган». Демак, улўғ алломанинг изоҳидан бу термин аслида арабча эмас, балки юнонча бўлганлиги англашилади. Унинг ҳозирги кўринишда ва маънода ишлатилишини эса мутасаввуфларнинг кейинги турмуш тарзи (масалан, жанда кийиб, дарбадар юриши) билан изоҳлаш мумкин.

Умуман, бизда тасаввуф ҳақида тўлиқроқ тасаввур бе-

радиган асар йўқ экан. Чунки Шарқ фалсафаси тарихини чуқур тадқиқ этиш ва ёритиш масаласига эътибор ҳам, рағбат ҳам бўлмагани сезилиб қолди. Тасаввуф тарихини ёритиш ҳам шу аҳволда бўлган. Ваҳоланки, тасаввуфнинг Шарқ шеърӣ тафаккурига, Саъдий, Ҳофиз, Деҳлавӣ, Жомӣ, Навоӣ, Бедил каби бобокалон шоирлар ижодига беқиёс таъсир кўрсатганидан бу улўғ зотлар ижодини баҳоли қудрат ўқиб хабар топганмиз, бироқ улар ижодига бевосита таъсир кўрсатган қандай таълимотлар бўлган, мутасаввуфлар ўзи қандай кишилар эди, нималарни маъқуллаган ва инкор этган деган сўнгсиз саволларга ҳануз жавоб йўқ. К. Маркс юксам иқтисодига тан берган ал-Фаззолий, бобомиз Алишер болалигида севиб ўқиган «Мантиқ ут-тайр»нинг муаллифи Фаридиддин Аттор, шунингдек, Жалолиддин Румӣ, Аҳмад Яссавӣ, Абдураҳмон Жомӣ ва биз номларини ҳам билмайдиган ўнлаб улўғ мутасаввуф олиму шоирлар меросидан қачон баҳраманд бўламиз, файласуф ва шарқшунос олимларимиз улар ижоди билан бизни қачон таништиришади? Илм ўчоғи бўлган академиямизнинг заҳматкаш олимлари бу ишларга ҳар сафаргиде биринчи бўлиб киришади ва шу мавзуда сеvimли журналисти саҳифаларида қизиқарли материаллар эълон қилинади, деб умид қиламиз.

Олимжон ЖўРАЕВ,
филология фанлари номзоди
(Жиззах Давлат пединституту).

лар тарихи бўйича «Рашаҳот айни ил-ҳаёт» асари муаллифи Али б. Ҳусайн бу тарикатни Юсуф ал-Ҳамадонийдан бошлайдди. Айни пайтда унинг халифаси (диний вазифасига кўра) Абдуллоҳиқ Ғиждувоний (вафоти 1220 й.) янги, бу таълимот учун хос бўлган амалиётнинг яратувчиси сифатида қаралиши мумкин. У осойишта ҳолатдаги жим зикрга рағбат этган, бундан ташқари ушбу силсила номини олган тарикат ал-хожагон асосида ётган саккизта қондани ишлаб чиққан. Ал-Ғиждувонийдан қуйидаги ворисийлик занжири бошланади: Ориф Ривғарӣ (вафоти 1259 й.), Маҳмуд Анжир Фағнавий (вафоти 1245 ёки 1272 й.), Азизон Али ар-Ромитоний (вафоти 1306 ёки 1321 й.), Муҳаммад Бобо ас-Саммасӣ (вафоти 1340 ёки 1354 й.), Муҳаммад б. Муҳаммад Баҳовиддин ан-Нақшбандӣ (1318 — 1389 йиллар). Булар асосан Бухоро атрофидан етишиб чиққан.

Баҳовиддин султон-дарвеш Халил (Халил ота)нинг хизматида олти йил бўлади, унинг вафотидан сўнг дунёвий ишлардан кўнгли совуб, Бухородаги қишлоғига қайтиб боради. Ўз тарикатларига ном берган кўпгина кишилар каби Баҳовиддин ҳам уни мерос қилиб оларкан, бирор бир ташки-

лотга эга бўлмаган. У ўз атрофига маломатия оқими руҳидаги, мистик турмуш «йўли»даги қийинчиликларга чидашга тайёр турган ҳамфикрларни йиғди. Баҳовиддин ўзининг «зоҳиран — дунё учун, ботинан — худо учун» [аз-зоҳир ли-л-халқ, ал-ботин ли-л-ҳақ] шиорига амал қилади. Бу «йўл» анча йиллар ўтганига қарамай, Ғиждувонийнинг мураббийлик, таълим ва маросимлар софлиги масаласидаги даҳоси туфайли нутилмади. Мусулмонлик нуқтаи назардан қараганда, у туркларни суннийлик билан алоқасининг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнади. Баҳовиддин мақбараси ва унинг яқинида 1544 йили амир Абдулазизхон қурдирган ажойиб бино Урта Осиёдаги энг асосий энэраттоҳлардан бирига айланган.

Нақшбандия тарикатининг сунний анъаналардаги аҳамияти катта бўлган. Бу таълимот очик-ойдин эроний ва шаҳар характерида бўлишига қарамай, кўпгина туркий қабилалар томонидан уларни бирлаштирувчи восита сифатида қабул қилинди ва мазкур таълимот Шоҳруҳ вафотидан кейинги даврдаги ғалабаларда ўз ҳиссасини кўшди.

Жомийни бу тарикат шажарасига

киритганимизга сабаб унинг форс, турк ва ҳинд тасаввуфига кўрсатган таъсирини таъкидлаш, шунингдек, 1476 йили тугаллаган «Нафаҳот ул-унс» — мутасаввуфлар таржиман ҳоли тўпламининг аҳамиятини ўқдиришдир. Маълумки, Жомӣ темурий султон Ҳусайн Бойқаронинг ишончли катта амалдори Алишер Навоӣ руҳона покланиш йўлига ўтган 1476 йили унга нақшбандия тарикатини баён қилади. Алишер санъат ҳомийси ва буюк шоир ҳамда носир сифатида доврў таратади, у чигатой (туркий) тилида қалам тебратган биринчи шоир бўлган. Навоӣ Ҳиротда Ихлосия хонақосига (Шоҳруҳ барпо этгач) асос солди ва уни моддий жиҳатдан таъминлади, 90 работ қурдирди.

Баҳовиддиндан кейинги энг таъсирли киши «Ҳазрати эшон» номи билан машҳур бўлган Насириддин Убайдуллоҳ ал-Аҳрор б. Маҳмуд аш-Шошӣ (Шош — Тошкентнинг қадимий номи. — Ред.), яъни Хўжа Аҳрор бўлиб, ундан юқорида айтилган уч регионал тармоқ бошланади. Унинг аъзолари ўзбеклар орасида ислонинг асосий тарқатувчилари бўлиб, Хўжа Аҳрор эса улкан диний обрўга эга эди, шу боис ҳам у ижтимоӣ ҳаётда муҳим роль ўйнаган.

ДИНОЗАВР

ИЗИДАН

Биз яшаб турган дунё, кузатаётганимиз атроф-муҳит узоқ муддатли геологик ва тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ана шу даврда табиат ҳеч бир тиниб-тинчмаган, аксинча, доимо ҳаракатда, оқимлар силсиласида бўлган.

Сайёрамизнинг ривожланиш тарихида ҳам табиат ўзининг «олмос қили»ни доимо қайраб, ҳозир нозир қилиб турди. Кези келганда уни қайта-қайта ишга солди, серқирра найзаларидан тез-тез фойдаланиб турди. Вулқон, силзила, бўрон, тўзон, жала, сел, момақалдирак, чақмоқ, ёнғин, тошқин каби бир қатор даҳшатли қуролларини, барча яратувчилик амаллари, йўл ва усулларини қўллади. Шу зайл сайёрамиз кўрки, атроф-муҳитнинг шакл ва хусусиятлари вақти-вақти билан ўзгариб, тараққий эта борди. Чунончи, сув ва қуруқлик чегараси бир неча бор алмашди. Айрим денгизлар ўрнида баланд тизма тоғлар, ороллр ва буюк саҳролар пайдо бўлди, миллиард-миллиард тоннали тоғ жинслари табиатнинг «сеҳрли» элагидан ўтди. Табиат ўзи яратган организм жонли дунёга нисбатан ҳам кўп мартабала раҳмсизлик қилди. Улар бир неча минглаб нотинч даврлар, даҳшатли фасллар, кескин ўзгаришлар ичида қолди.

Табиат яратган меваларининг энг олий маҳсули бўлмиш жонли табиат узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди. Чунончи, Ер юзидан оддий организмлар бундан икки миллиард йиллар аввал пайдо бўлган. Қуруқликдаги ўсимликларнинг ёши 400 миллион йилга яқин. Бундан 150 миллион йил муқаддам ҳозирги қушларнинг авлодлари вужудга келди.

Замин камолати борасидаги ана шундай мураккаб ҳар бир он исиз қолмади. Аксинча, тараққиёт белгилари қатлам-қатлам бўлиб ётган табиат китобида ўз аксини топди. Бинобарин, атроф-муҳитнинг ривожланиш тарихини геологик эра ва даврлар бўйлаб тафсил қилиш маъқул. Шу жумладан, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда тарқалиши бевосита сайёрамизнинг геологик тараққиёти билан боғлиқ. Чунончи, олимларимиз таъкидича Ернинг ёши 4,5 миллиард йил, ундаги энг қадимги тоғ жинслари 3,5 миллиард йилни ўз ичига олади. Зотан, энг қадимги эралар архей ва протерозой деб аталиб, Ер тарихининг тахминан олтидан беш қисмини қамраб олади. Архейда энг оддий организмлар (бактерия, кўк-

яшил сувўтлар), протерозойда медузалар, маржонлар пайдо бўлган. 340 миллион йилни ўз ичига олган палеозой эрасининг охирига келиб турли организмлар, дарахтлар, айниқса игнабаргли дарахтлар кенг тарқалган.


Бундан 230 миллион йил муқаддам бошланган мезозой эраси 163 миллион йиллик геологик тарихга эга. Мезозой (ўрта ҳаёт) эрасида ҳаёт мураккаблашиб сувда ҳам қуруқликда яшовчи судралувчилар (тошбақа, тимсоҳ каби), динозаврлар, қадимги қушлар яшаган. Кайнозой (янги ҳаёт) эрасида улар такомиллашган. Мураккаб тузилишга эга бўлган дарахтлар ва организмлар (сут эмизувчилар, қушлар) вужудга келган.

65 миллион ёшга эга бўлган кайнозой эрасининг тўртламчи даврида уч панжали отлар, каркидонлар, жирафалар, буғулар, ҳар хил йиртқич ҳайвонлар, одамсимон маймунлар кенг тарқалган. Ўсимлик ва ҳайвонот асосий турларининг ривожланиши ана шу даврга тўғри келади.

Ана шундай воқеалардан бири динозаврларнинг пайдо бўлишидир. Уларнинг изи Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Зеро, динозаврлар бундан 230 миллион йилдан кўпроқ муқаддам ўлкамиз осмони, ери ва сувида ҳукмронлик қилган энг катта ва кучли жонзот эди. Илк мезозой (триас) эрасида яшаган архозаврларнинг авлодидан бўлган текодонтлар динозаврларнинг аждодлари ҳисобланади.

Биринчи динозаврлар эса ўрта триасдан мезозой эрасининг охиригача яшаган. Бинобарин, улар 160 миллион йилга яқин ҳаёт кечирган. Ўрта триас давридаги баҳайбат ҳайвонларнинг тури кўп бўлган. Сувдагилари — плезиозаврлар, қуруқликдагилари — динозаврлар, ҳам учиб, ҳам судралувчилари эса птерозаврлар деб аталади.

Шу кунларда фанга маълум бўлган динозаврлар бир неча юз тур ва иккита туркумга (калтакесак чаноқлилар



ва қуш чаноқлилар) бирлаштирилган. Динозаврларнинг энг кичиги мушукдек, улканларининг бўйи 30 метр, оғирлиги 40 — 50 тоннагача бўлган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўрта Осиё заминида динозавр излари кўп учрайди.

Шу кунларда бу ердаги ўндан ортик манзилда шу махлуқларнинг камёб излари топилди. Улардан анчаси Тожикистон (Уратепа, Ягноб, Боботоғ, Ширкент, Харкўш, Тамшўш), Ўзбекистон (Китоб, Ҳисор) ва Туркменистон (Кўхитанг ва Катта Балхан) манзилларида жойлашган.

Ўрта Осиёда шу кунгача топилган излар мезозой эрасининг ўрталарида, яъни юра даврининг иккинчи ярми ва охирлари, яъни бўр даврида ҳосил бўлган ётқизикларда шаклланган. Улар бошқа ўлкаларда топилган излардан анча фарқ қилади. Чунончи, ўлкамизда яшаган судралувчиларнинг ҳаммаси икки оёқли бўлиб уч тоифага бўлинади. Уларнинг энг катталари туркманозовруслар деб номланган, Қолганлари эса хўжапилозаврус ва ҳисорозавруслар деб аталади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганивчи кенгаши ва География бўлими анча вақтдан бери табиатнинг нодир ва камёб обидаларини аниқлаш, тадқиқ этиш, муҳофаза қилиш борасида иш олиб бормоқда.


Ўтган йили География бўлими экспедиция уюштирди. Асосий йўналиш Жануби-ғарбий Ўзбекистон ва Жануби-шарқий Туркменистон бўйлаб ўтди. Тадқиқотчилар ўлкамизнинг табиати нақадар ноёб, гўзал ва хилма-хил, ажойиб ва ғаройиб обидаларга бой эканлигининг гувоҳи бўлишди. Динозаврларнинг янги излари топилди.

| Динозаврларнинг Ўрта Осиёдаги хиллари | Изларининг ўртача ўлчами сантиметр | | |
|---------------------------------------|------------------------------------|-----|------------------------------|
| | узунлиги | эни | қадамлари оралигидаги масофа |
| Туркманозаврус | 65 | 60 | 170 |
| Хўжапилозаврус | 48 | 46 | 154 |
| Ҳисорозаврус | 43 | 38 | 152 |

Ўтмишнинг бундай далиллари асосан Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмалари системасидаги триас ва бўр даврларининг ётқиқликларидан кўринди.

Хусусан, Ҳисорозавруснинг изларини биз Яккабоғ тоғларидаги Амир Темур сойининг юқори қисмида, Тошқўрғон қишлоғи яқинидаги оҳактош, гипс, доломит ва мраморлар юзида учратдик. (Изларни ўрганиш ва уларни суратга олишда Ҳисор қўриқхонасининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Бахтиёр Оромов катта ёрдам берди). Ҳавза Қашқадарёнинг ирмоғи Қизилдарёга чап томондан қўйилади. Бу ерлар Ҳисор қўриқхонасининг ерларига кирилади. Ҳозир Мергансой массивидаги 250 квадрат метрга яқин майдонда динозаврларнинг эллика яқин изи бор.

Тошқўрғон атрофидаги излар даладини ташкил қилувчи тоғ жинслари шарқ ва ғарб томонга қараб бир неча ўн километр масофага чўзилиб боради. Ҳисор тоғларининг давоми бўлган Хўжа Коршавар, Филон ва Калтасой



массивларида ҳам излар қайд қилинди.

Кўхитанг динозаврларнинг хилма-хил шаклдаги изларини мужассам қилувчи ниҳоятда ноёб манзилдир. Тизманинг асосий қисми Ўзбекистонда, жануби-ғарбий қисми қўшни Туркменистон чегарасида жойлашган. Ана шу жойдаги Хўжапил массивининг ўзидан 2500 дан ортиқ излар қайд қилинган. Изларнинг умумий кўриниши учбурчак шаклида бўлиб, энидан бармоқларига қараб кенгайиб боради, энг катта излар туркманозаврусларга хос бўлиб ўртача узунлиги 65, эни 60 сантиметрга тенг, қадамларининг оралиғидаги масофа 170 сантиметрни ташкил қилади. Ҳисорозаврусларнинг излари ҳаммасидан кичикдир.

Ўрта Осиёдаги динозаврларнинг пайдо бўлиш тарихи ва уларнинг қирилиб кетиш сабаблари олимларни кўпдан қизиқтиради. Бу масала энг аввало сайёрамизга хос бўлган табиат ривожланиши қонуниятлари умумбашар тараққиёт йўллари билан изоҳланади. Бу ўринда Ер юзидаги қадимги муҳитнинг ўзгариши, айниқса зонал, регионал ва маҳаллий манзаралар (ландшафт) хусусиятларининг такомиллашишини ҳам назарда тутиш керак.

Чунончи, мезозой эрасининг бошларида Ўрта Осиёнинг аксарият майдони қуруқликдан иборат бўлиб, супасимон текисликка ўхшаш шаклни олган. Бу герцен тоғ бурмаланиш даврига тўғри келади. Қуруқ иқлим намли илиқ иқлим билан тез-тез алмашиб туради. Триас даврининг ўрталарида нураш жараёни ҳукмронлик қилади.

Бундай палеогеографик шароит юра даврининг иккинчи ярмигача давом этди. Сўнгра сув ҳавзаларининг таъқиб кучайди, мавжуд қуруқликлар парчалана бошлади. Дорвоз ва Олой тоғларидан то Устюртгача, Жануби-шарқий Туркменистондан Қизилқумгача бўлган майдонда денгиз мавж урарди. Бўр даврининг иккинчи ярмида сув ҳавзаларининг майдони янада кенгайди, Фарғона ва Сирдарё денгизлари бирлашди, ниҳоят ўлкамиз территориясининг аксарият қисмини денгиз, қўл ва кўлоблар ишғол қилди.

Биз ҳикоя қилаётган даврда намли ва қуруқ субтропик иқлим вақти-вақти билан алмашиб турган. Қирқ бўғин панжалли ҳамда очиқ ва ёпиқ уруғлик ўсимлик ўрмони денгиз соҳиллари ва дарё бўйлари қоплаган. Мазкур муҳит динозаврларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт этиши учун қулайлик туғдирди. Улар текисликларда, водийларда, тўқай, ботқоқлик ва кўлоблар ҳавзасида ҳукмронлик қилишди. Бироқ бўр даврининг охирида тектоник ҳаракатлар бирмунча кўпайди. Ер замини тез-тез силкиниб турди. Атмосфера ҳавосининг таркиби ўзгарди, сув ҳавзалари ва қуруқликлар чегараси алмашди, наботот олами бошқача тус олди. Динозаврларга ем бўлувчи



ЎТМИШ ЛАВҲАЛАРИ

ҳайвон ва мавжудотлар камайиб кетди, ҳулласи калом динозаврларнинг ҳаётида алғов-далғов давр бошланди. Муҳит йилдан-йилга салбий тарафга ўзгараверди. Ниҳоят бу баҳайбат ҳайвонлар бўр даврининг охирига келиб батамом қирилиб битди.

Қадимги ҳайвонлар изларини ўрганишнинг аҳамияти жуда катта. Энг аввал бу масала ўлкамизнинг ўтмишидаги қадимий табиий-географик шароит унинг ривожланиш йўллари ва қонуниятларини тиклаш учун қўл келади. Зотан, динозаврларнинг излари табиатнинг мезозой эрасидаги тош муҳри бўлиб, у даврларда ҳосил бўлган тоғ жинслари, айниқса замин қатламларини тадқиқ қилишдаги муҳим объектдир. Чунончи, изларнинг хусусиятлари ва географик ўрни қадимги қуруқлик манзилларни аниқлашда, денгиз соҳиллари чегарасини белгилашда, палеоиклим шароитларини тиклашда, наботот олами тараққиётини тадқиқ этишда жуда муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, уларнинг жуда катта умумтаълим аҳамияти ҳам бор.

Биобарин, қадимги ҳайвон ва мавжудотларнинг изларини аниқлаш, уларнинг тафсиллини яратиш ва муҳофазага олиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги йилларда геологик муҳитнинг бузилиши палеонтологик нуқтанан назардан муҳим бўлган замин қатламларининг пайҳон қилиниши, ҳайвон ва мавжудотларнинг қолдиқларига этиборсизлик ҳоллари тез-тез содир бўляпти. Бундай ҳоллар Китоб ва Тошқўрғон қишлоғи атрофида, Яғноб дарёсининг ҳавзасида, Боботоғ ва Ширкент каби бир қатор муҳим манзиллар учун хосдир. Демак зудлик билан қатор тадбир-чораларни кўриш зарур, хусусан геологик обидаларни муҳофаза қилувчи қўриқхоналарни, айниқса кичик муҳофаза жойларини (заповедникларни) ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Умуман очиқ палеонтология музейларини бунёд этиш вақти ҳам етиб келди. Айниқса динозаврлар ҳаётига оид музейлар ёшларда жуда катта қизиқиш уйғотар эди. Бундай кўргазмалар чет элларда — Польша, Венгрия, Германия Демократик Республикасида ва Италияда кенг расм бўлган.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда СССР география жамиятининг аъзолари, муаллимлар, талабалар, ўқувчилар умуман бутун жамоатчилик энг шимариб ишга киришмоқлари лозим.

Баҳодир БАҲРИДДИНОВ,
Асомиддин САИДОВ,
география фанлари номзодлари,
СССР география жимиятининг ҳақиқий
аъзолари.

14 октябрь куни соат 8 дан 45 дақиқа ўтганда осмонда ёруғ ва катта учар ликопчани кўрдик. У гоҳ катталиги юлдуздек жимларга бўлиниб кетар ва яна бирлашар, гоҳ тўсатдан йўқолиб, яна пайдо бўларди. Баъзан эса у бирдан кўринмай қолиб, бир лаҳзада анча узоқда кўзга ташланарди. Бу ҳол бир неча дақиқа шундай давом этгач, учар ликопча бутунлай ғойиб бўлди.

Ҳурматли редакция! Кейинги пайтларда шу хил ҳодисалар кўп бўлаётгани тўғрисида эшитаяпмиз. Журнал саҳифаларида учар ликопчалар, ўзга оламликлар ҳақида ҳикоя қилишингизни сўрардик.

Дилором САЛОМОВА,
Дилфуза ҲАЙИТОВА,
Барно ТУЛАЕВА,
Шаҳрисабз табобат билим юрти талабалари.

Қизиғи шундаки, айнан шу куни — 14 октябрда учар ликопчалар бошқа жойларда ҳам кузатишган. Уларни Чироқчи ноҳиясидаги Шўрқудуқ қишлоғида У. Хушмиров, Сарийосиё ноҳиясидаги Ленин номи колхозда А. Одинаев, «Коммунизм» совхозидан З. Чоршанбиева, У. Усмонов, Самарқанд вилояти Красногвардейск шаҳрининг



«ВЛКСМ 30 йиллиги» кўчасидаги 105-уйда яшовчи У. Мамадиёров, Фалларол ноҳиясининг Тутли қишлоғида А. Ҳидилов кузатган. Учар ликопчалар бир вақтнинг ўзида — соат 20³⁰ - да бир қанча вилоятларда кўринган, ҳар сафар уларни талай гувоҳлар кузатиб туришган. НУОларнинг хатти-ҳаракати ҳам барча ерда худди катта тасвирлангани каби деярли бир хил. Хўш, 14 октябрь қандай кун эдики, учар ликопчалар Ўзбекистонга ялли ташриф буюришган? Шу куни эрталаб уларни Избоскан ноҳиясидаги Пойтуғ шаҳрида кўришгани ҳақида журнал-

нинг декабрь сонидан хабар бергандик. Бир кун аввал худди шу пайтда эса Сарийосиё ноҳиясининг Ленин номи колхозидан талай гувоҳлар бирикки эмас, ўнлаб НУО лар парвозини кузатишгани ҳақида Д. Ҳамдамова хабар берди, ҳатто уларнинг суратини ҳам чизиб юборибди.

НУОлар бошқа вилоятларимизда ҳам кузатилаётир. Бу ҳақда Гурлан шахри Г. Отабоева кўчасида яшовчи Ҳ. Ҳайтимметов, Иштихон ноҳиясининг Митан қасабасидан Ш. Аҳмедов, Пастдарғом ноҳиясининг Қизилравот қишлоғидан Д. Қораев ва бошқа ўнлаб-юзлаб журналхонлар учар ликопчалардан тушаётган ўзга оламликлар ерликларга зиён етказмайди деб хавотирланиб сўрашапти.

Шунингдек, муштарийларимиз бу хил воқеалар ҳақида вилоят ва ноҳия газеталарида босилаётган хабарларни ҳам қирқиб юборишмоқда. Масалан, 7 октябрнинг ўзидаёқ Фарғона вилоятининг «Коммуна» ва Ғиждувон ноҳиясининг «Октябрь байроғи» газеталари учар ликопчалар Езёвон ноҳиясига ва Ғиждувон шаҳрига қўнгани, ўзга оламликлар кишиларимиз билан гаплашгани ҳақида ҳикоя қилган. Китоб ноҳиясининг Севоз қишлоғига тушган НУО лар тўғрисида журнализмнинг декабрь сонидан сўз юрит-

МИШ-МИШЛАР ВА ДАЛИЛЛАР

Уларнинг айримларини ҳозир, бошқаларини эса ўрнига қараб айтиб ўтсам.

Маҳаллий аҳолининг энди тасдиқлашига кўра, ҳатто бувилари гапириб юрган ғаройиб ҳодисаларга кўпдан буён эътибор беришар экан. Бу ўринда жиндақкина мақтаниш ҳам бўлса ажабмас: миш-мишлар болалаб кетаяпти, сафархалта ортмоқлаган «шаҳарликлар» гадоё топмас бу жойга танда қўйиб қолишди, улар яшайдиган ерга қизиқиш ортаёпти, шундай экан, бу қизиқишни салгина бўрттириб қўйишса нима қилибди? Лекин мана сизга, қувликни билмайдиган содда бир кампирнинг бу тўполон бошланишидан аввал берган гувоҳлиги: «Қора кийими баданига сирилиб турган баҳайбат, аммо башарасиз, ғалати одамларни кўрдим». Бунақа «ғалати одамларни бошқа кишилар ҳам кўп марта кўришган. Масалан, «зона»да пичан ўраётган икки киши дам олиб ўтиришганда йўлда кийими сирилиб турган бир одам тўғри уларга қараб келаверибди. Унинг юзини кўриб бўлмаган — юзи, умуман, боши ўрнида пақирга ўхшаган алламбало бор эмиш. Ғалати «йўловчи» қирқ метргача яқинлашиб келганда эркаклар ажабланиб ўринларидан туришган — қора шарпа эса шу лаҳзадаёқ ғойиб бўлган. Мабодо у икки эркакдан ўзи қўрқиб кетган ва бир сакраб четга ўтган одам бўлган тақдирда ҳам ном-нишонсиз ғойиб бўлиши мутлақо мумкин эмасди, негаки, энг яқин буталаргача ҳам олти метрлар бор, устига-устак қуёш чарақлаган кунда бутун атроф қафтдагидек кўриниб турарди. Биз шу жойни ҳам кўздан кечирдик.

Бачурининг ўзи эса «зона»ни қўйидаги воқеадан кейин ўргана бошлаган. Саксонинчи йилларнинг бошида М.да ўнта уста хўжалик эҳтиёжлари учун оморлар қуриб беришга киришган экан. Қурилиш деярли битаёзганда нимадандир ўтакиси ёрилиб кетган усталар оёқни қўлга олиб қочи боқибди. Аллақандай инс-жинслар ҳақида бир нималар деб фўлдирган бояқишлар ҳатто пул олишдан ҳам воз кечиб, орқага қарамай қочишган. Бачури билан ўртоқлари миш-мишларга чек қўйишда ёрдам беришларини сўраб Кавказга, усталар номига мактуб устига мактуб йўллаётган экан, бироқ «топширилгани маълум қилинадиган хатлар» орқасига қайтиб келаверган...

Бу жойнинг беҳосиятлиги ҳақида Бачури авваллари ҳам эшитганди. Масалан, мўъжазгина — у томони ҳам, бу томони ҳам етти километрдан ошмайдиган «зона»да ҳатто тажрибали овчилар баъзан ҳафталаб адашиб юришар экан. Бу жойни

Тасаввурингизда шундай бир вазият: ўн киши ўзга оламлар вакиллари билан телепатик алоқа боғлашди, ўн кишининг ҳар бири берадиган саволлар пухта йўлаб олинган, жавоблар алоҳида алоҳида ёзиб борилаяпти. Тажриба қатнашчилари ўртасида ўзаро алоқа йўқ: ҳар бири ўзга олам вакили билан яккама-якка суҳбатлашди. Кейин эса ҳаммалари йиғилиб ёзувлар қиёсланди, қарашсаки... олинган жавоблар айнан, сўзма-сўз мос келди. (Суҳбат қандай ўтиши, қандай ҳис-туйғулар уйғотиши ҳақида кейинроқ ҳикоя қилсам, буни ўз бошимдан кечирдим).

Умуман, сиз ҳозир ўқийдиган нарсаларни фантастика деб аташ мумкин, холос, бошқа ҳеч бир изоҳ йўқ. Бу ёзувларга ҳам шундай муносабатда бўлиш мумкин. Лекин бу ғаройиб воқеалар ҳақиқатан юз берди, менинг кўз ўнгимда содир бўлди, уларни ўз бошимдан кечирдим. Буни мендан бўлак яна қирқ киши тасдиқлай олади.

Бизга, экспедиция қатнашчиларининг ҳаммасига билим етишмагандир, шу боис ҳам соат сайин ҳайратга тушавердик. Манаман деган бирон олим биз кўрган ҳодисаларнинг сирини очиб берармиди балки. У ҳолда жуда соз, расмий илм-фанга шундай муружоат қиламиз — қилни қирқ ёрадиган зукко олимлар, марҳамат, асбоб-ускуналарингизни олиб келинг бу ерга, рўй бераётган ғаройиботларни кузатинг, тегишли хулосалар чиқаринг ва изоҳлаб беринг нималар бўлаётганини.

Унгача эса биз олим бўлмасак ҳам кўрган ҳодисаларимизни ўз қаричимиз билан «ўлчаб» тураемиз.

Хуллас, воқеалар шундай бошланди. Сешанбада ғойибона танишим — ғайритабиий ҳодисаларни ўрганиш бўйича Пермь гуруҳининг асосчиси Эмил Бачуридан хат олдим. У махсус экспедиция тузилаётгани ҳақида хабар берган экан. Аниқроғи, бу душанба куни эди. Сешанбага ўтар кечаси соат бир яримда очиқ дераза ёнида чекиб турганимда осмонда тугмачадек бир оқ нуқта чарақлаб кетди. У мутлақо товуш чиқармасдан ва пастга тушмасдан учиб бораверди ва бир неча сониядаёқ осмонни кесиб ўтиб, уфқ ортида ғойиб бўлди. Ернинг сунъий йўлдошимикан деган хаёлда осмонни бир соатча кузатиб турдим, лекин такрорий парвоз бўлмади. Очиғини айтганда, буни бир белги деб тушундим-у экспедицияда қатнашим кераклигига ишонтириш мақсадида эрталаб муҳаррирининг ҳузурига кирдим. Лекин «жанг» қилишга тўғри келмади, бошлиқ сигаретасини бир босиб тортди-ю деразага қараганча, «Командировкани тўғрилайвер» деди. Жумада эса Пермга йўл оларканман, боршимиз керак бўлган жой — М. қишлоғи яқинидаги «зона» тўғрисида Эмил берган хабарни хаёлан такрор-такрор ўқирдим.

гандик. 22 октябрь куни шу ноҳиянинг Бодомзор қишлоғига тушиб, кишиларимиз билан гаплашган ўзга оламликлар ҳақида «Ғалаба» ноҳия газетаси хабар берган, афсуски, мақолани қирқиб юборган Ш. Нуралиев газета сонини айтмаган. Шу сабабли муштарийларимиздан газета ному ва санасини албатта ёзиб юборишларини сўрардик.

Умуман, сиз азиз муштарийлардан бу масалада эътиборлироқ бўлишингизни илтимос қиламиз. Сариосиё ноҳиясидаги «Коммунизм» совхозидан Ш. Хўжаев учар ликопчаларни ўртоқлари билан биргаликда кўрганни айтибди-ю қайси кун эканлигини ёзмабди. Тошкент шаҳар Уста Ширин кўчасида яшовчи А. Азимов эса ҳатто қайси ойда кўрганлигини эслай олмабди. Тўлиқ ва аниқ бўлмаган маълумотни эса матбуот саҳифасига чиқариш қийин. Умуман, барча вилоят ва ноҳия газеталари идораларидаги ҳамкасбларимиз шу хил воқеа тўғрисидаги мақола босилган сонлардан бизга бир-иккита юбориб турсалар, умумий ишимизга катта ёрдам берган бўлишарди.

Зотан, «Фан ва турмуш» идораси ҳамда Табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича Ўзбекистон қўмитасининг полтергейст ва

учар ликопчалар шуъбаси жумхуриятимизнинг барча ерида содир бўлаётган жамики сирли ҳодисаларга оид хилма-хил маълумотларни тўплаб ўрганапти. Модомики журналимиз ҳар бир ғайриоддий ҳодиса ҳақида ҳикоя қилиб борар экан, ўзингиз гувоҳ бўлган воқеа ҳақида бошқаларга хабар беришингиз ва эвазига бошқа ерларда юз бераётган сирли ҳодисалардан хабардор бўлиш имкониятингиз борлигини унутмаслигингизни истардик.

Айтмоқчи, Самарқанддаги вилоят болалар кутубхонаси ҳузурида номаълум учувчи объектларни ўрганиш бўйича Урта Осиёда дастлабки клуб ишга тушди. Клуб раиси физик Шукрулла Иброҳимовнинг хабар беришича, клуб аъзолари бутун Урта Осиё бўйича учар ликопчаларга оид маълумотларни тўплаб ўрганишади, улар тушган ерларга бориб гувоҳлар билан суҳбатлашади. Клуб аъзолари йиғилиши ҳар сешанба соат 4 да бўлади, телефон: 3—17—81.

Афсуски, ҳозирча Ўзбекистонда учар ликопчаларни исталган пайтда кўриш мумкин бўлган жой йўқ, албатта. Мамлакатимиз бўйича эса шундай жой бор — ўн йилча бўлдики, бу ерда учар ликопчалар кечасио кундузи ғужгон ўйнайди, ўзга олам-

ликларни ҳам исталган пайтда кўриш ва ҳатто гаплашиш мумкин.

Шу сондан бошлаб биз бултур август-сентябрь ойларида Ригада чиқадиган «Советская молодёжь» газетасида шу умумий сарлавҳа остида берилган туркум мақолаларни диққатингизга ҳавола этмоқчимиз. Қисқартиришлар билан берилётган ушбу мақолаларнинг ғалатилиги шундаки, улар... ўзга оламлар вакиллари ҳақида ҳикоя қилади! Тўғри, Коинотда ўзга оламлар озмунчами, ҳаммаси тўғрисида ёзиб бўлармиди. Бироқ гап шундаки, «Советская молодёжь» газетаси ҳикоя қилаётган экспедиция қатнашчилари ўзга оламлар вакиллари билан бизнинг она Еримизда учрашишди, улар билан бевосита суҳбатлашишди ва пировардида сиз билан бизнинг келажгимизга (ўтмишимизга ҳам) доир шунақанги ғаройиб, ақл бовар қилмайдиган хулосаларга келишдики, «Фан ва турмуш» журнали бундан азиз муштарийларини хабардор қилмаса бўлмас.

Тунда юлдузлар чарақлаган самога бир назар ташланг-а: қанчадан-қанча яширин, номаълум кўзлар бизни кузатиб турибди! Улар ҳақида бирон нима билишни хоҳлайсизми? Узимиз тўғримизда-чи! У ҳолда, марҳамат — ўқишга киришинг!

Силва дарёси қарийб ўраб олганига қарамай, улар ичкаридан сира чиқиб кета олишмаган. Тўғри, қандайдир даражада овчиларнинг ўзи ҳам айбдор — компаслари йўқ экан. Магнит аномалияси эса бу ерда сезилмаган, ҳар қалай, биздаги компаслар миля ҳамиша фақат шимолни кўрсатиб турди. Лекин айни вақтнинг ўзида экспедициямиз қатнашчиларининг ҳаммаси муайян даражадаги фазо-вақт аномалияларини ҳис қилишди. Масалан, турли объектлар (айтайлик, йиқилган дарахтлар) орасида кундузи ўлчанган масофа тунда ғалати бир тарзда узайиб кетарди. Шуни таъкидлаш керакки, масофа уни кўриб турганингизда эмас, балки юриб ўтаётганингизда узаяди. Бошқача айтганда, кундузи 30 метрли масофа кечаси камида 80 метрга узайиб кетади. Балки тунда қадам уч марта қисқарар ёки биз уч марта секинроқ юргандирмиз, лекин шу хил ўзгаришларни сездик. Ёки, масалан, кўналғамиздан 200 метрча нарига борилса, орқага қайтишга йўналиш аранг топилади. Шу боис ҳам «зона»га ёлғиз кирмасдик.

Энди вақт ҳақида. Бу ерда соат бир кеча-кундузда ё илгарилаб кетади, ё ортда қолади. Ваҳоланки, ҳеч кимнинг соати олдин нотўғри юрмаган. Фақат менинг эски «Ориент»имгина мутлақо адашмади, уни чиқарган япон фирмасига бу реклама керакмасдир балки, лекин ҳақиқати шу. Соатларингизни ўзингиз суриб қўйгансиз, деб шубҳаланишингиз мумкин. Йўқ, биз ҳатто тажриба ўтказдик. Бир неча соатни термос ичига солиб, «зона»нинг энг «фаол», яъни НУОлар — номаълум учувчи объектлар энг кўп кўринадиган жойига олиб бориб қўйдик — механик ва электрон соатлар барибир юришидан адашарверди. Айтмоқчи, бу ерда тракторларнинг двигатели ҳам ўз-ўзидан ўчиб қолаверди.

Диққатга сазовор яна бир далил — саксонинчи йиллар бошида «зона»дан айиқлар чиқиб кетишган. Ҳозир бу ерда фақат буғуни кўрасиз, холос, аҳён-аҳёнда тўнғиз учраб қолади. Бироқ чўпонлар «зона»да ўтлатиш учун сигирларни ҳайдаб ҳам кириштишолмайди — улар бўкириб маъраганча шаталоқ отиб қочаверишади. Ҳа, яна бир гап: шу ерда бир ҳафта бўлдим-у ақалли битта қуш сайраганини эшитмадим.

Энди бу ерда «одамсимон» шарпалардан ташқари яна нималар кўриниши ҳақида. Майса эллипс ёки айлана шаклида, хилма-хил ўлчамда босилиб қолгани кўринади гоҳо. Бундай жойларда биорамка (биологик мавжудот борлигини аниқлайдиган мослама) қўлингизда нақ ўйнаб кетади. Бу ерда яна учувчи «ликопчалар», «банан»лар, «гантел»лар, турли ўлчамдаги шарлар кўринади. Объектлар рангини тез-тез ўзгартириб туради, баъзан кишилар атрофида айланиб юради. Шундай пайтлари махсус асбоб ёрдамида ҳаводаги электромагнит ўзгаришларни ёки

электростатик майдон кучланишини қайд қилишга уриниб кўрдик, лекин булар шарсимон яшин ёхуд бошқа хил плазмоидлардир деган фаразни чиппака чиқариб, асбоб миля қилт этмай тураверди. Кишилар яқинлашишга ҳаракат қилишганда эса НУОлар ғойиб бўлишар ёки товуш чиқармай учиб кетишарди. Айнан шунга ўхшаш бошқа ҳолларда эса шу асбобларнинг ўзи аномалияни қайд этди. Кимдан сўраманг, «улар» ўзларини оқилона тутишяпти дейди... Ҳа, айтмоқчи, фазовий аномалияга оид қизиқ бир ҳодисани унутай дебман. Бир куни Бачурин билан шериги кундузи яланглик узра муаллақ турган НУО ни бир неча дақиқа кузатишган. Кечаси эса шу ерга яқинроқ жойда тунашга ҳозирланиб гулхан ёқишган ва қоронғида атрофни кўздан кечирмоқчи бўлишган (объектлар айниқса тунда кўпроқ ва яқинроқ кўринади). Бир маҳал гулхан алангасига кундузи НУО кўринган жой оша қарашса, қирқ даража четда яна бир «гулхан» пайдо бўлибди. «Кўринаётган» эмас, балки ҳақиқий гулхан томонга қайтишар экан «гулхан» аста-секин «ўз жойи»га кўчибди.

Умуман, шу йиллар мобайнида Бачурин кўплаб шунақанги қизиқарли маълумотлар тўплагани, ҳаммаси ҳақида ҳикоя қилишнинг иложи йўқ. Бинобарин, энг сўнгги далилларга ўтиб қўя қолай, гарчи улар М.қишлоғи билан бевосита боғланмаса ҳам НУОлар Пермь областига «қиқиқиб қолганини» кўрсатади. Пермь шаҳрининг ўзида номаълум учувчи объектлар мунтазам равишда пайдо бўлиб туради, уларни юзлаб кишилар кўришяпти. Ҳатто жўнаб кетаётган кунимиз ҳам кечаси бир воқеа юз берди — осмондаги кенг ёруғ йўл бирданига шарга айланди-ю шиддат билан учиб кетди.

Мен Пермга келишимдан икки ҳафта олдин эса яқин орадаги Оса шаҳри пляжига учар «ликопча» кўнган ва кечкурун бўлишга қарамай юздан зиёд киши объект ичидан одамга ўхшаш бир қанча мавжудот чиқиб келганига гувоҳ бўлган, улар орасида ўта паханалари ҳам, баҳайбатлари ҳам бор экан. Бир неча минутдан кейин НУО дарё соҳилидан кўтарилиб кетган. У кўнган жойда кучли аномалия борлиги биолокация ёрдамида ҳатто бир неча кундан кейин ҳам аниқланган. Бу ҳодисаларга ишониб қийин, тўғримишми? Лекин айни пайтда шунча гувоҳ ўзаро келишиб олиши ҳам мумкин эмас-ку ахир!

Мана бу далиллар эса Бутуниттифоқ радиосида қисқача эълон қилинди, шу боис муфассалроқ айтиб ўтмасам бўлмас. Ушбу воқеалар Пермдан 50 километрча олисдаги Кукуштан деган жой яқинида, пионер лагерлари кўп бўлган ерда июлнинг ўрталарида бошлаб нақ бир ҳафта давом этган. Бу жойда шар шаклидаги НУОлар, бўйи бир метрдан тўрт метргача борадиган, кўзлари хилма-хил рангдаги, ярим шаффоф танали одамсимон

мавжудотлар, шунингдек, тасвирига кўра қор одамга ўхшаш кетувчи (демак, қор одам ҳам НУОга боғлиқ дейиш мумкин) мавжудотлар жуда кўплаб кузатилган. Бу воқеаларни болалар яққолроқ кўришган: катталар ёши қанчалик улғу бўлса, «шарлар» ва уларнинг эгалари шарласини шунчалик хира кўришган. Вилоят ёшлар газетасининг мухбирлари гувоҳлар билан суҳбатни магнитофонга ёзиб олишган. Ана шу суҳбатларга қараганда, «келгиндилар» ҳеч бир зарар келтирмай, лагерлар ичида, атрофда, дарё соҳилида бемалол юришган экан.

«Социалистическая индустрия» газетасининг 8 август сонидан берилган «Келгиндилар қишлоқ кўчаларида юришарди»... номли мақолани кўпчилик ўқигандир.

Унда тасвирланган, Пермь областининг Чернушев районида юз берган воқеалар Кукуштандаги ва М.қишлоғи яқинидаги аномаль зонада содир бўлган ҳодисалар билан ниҳоятда ўхшаш, қолаверса, бу аҳоли пунктлари бир-биридан айтарли узоқ ҳам эмас.

Мушоҳада учун яна бир маълумот: Ерда ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлмагани, балки ташқаридан келтирилгани тўғрисидаги панспермия фарази уни қувватловчи бир қатор омилларга эга. Масалан, олимлар ҳаёт учун зарур бўлган ДНК молекуласи бир йўла тайёр ҳолда бўлиши керак, яъни у тараққиёт жараёнида вужудга келиши мумкин эмас, чунки асли йўқ нарса ўзини-ўзи ярата олмайди, деган тахминни ўртага ташлашмоқда. Бундан чиқди, ўзга оламлар мавжуд, демак, биз инсонларни улар яратган бўлиши мумкин.

Узга олам вакиллари пайдо бўлиши худди Вологда вилоятидаги каби: аввалига шар кўриниб қўнади, иккига бўлинади ва ғойиб бўлади, унинг ичидан эса эгаси чиқиб келади. «Мезбонлар»нинг тажовузига қарши «меҳмонлар» кўрсатган тажовуз ҳақида ҳам далил бор. Болалардан бири ярим шаффоф қиёфага асфальт парчасини отган экан. Бунга жавобан келгинди унга тараққа ўхшаш бир нимани ўқталибди (мен албатта ўзга олам вакили деб таъкидламайман, бу воқеани ҳали номаълум бўлган, Ерга оид омилар билан ҳам боғлаш мумкин деган балки, лекин бу воқеаларга айнан шундай таъриф берилган экан, мен ҳам ундан четга чиқа олмайман). Шунда бола ҳаддан зиёд кучли қўрқув ва қочиб кетиш истагини сезибди ва ўша заҳотиёқ ура қочибди, у турган жойда эса майса аланга олиб ёнаётган экан. Аномаль ҳодисалар бўйича комиссиянинг Пермь группаси аъзолари шу районда бўлиб, юқорида айтилган биолокация ёрдамида НУОлар кўринган жойларда кучли майдонларни қайд этишди, ғалати тарзда — атрофида ҳеч бир изсиз эзилган майсаларни, ерда ромбсимон изларни, «объект»лар кўнган жойларда эса ёниб кетган буталарни топиди.

Дарвоқе, болаларнинг гувоҳлиги яна бир жумбоққа ойдинлик киритади. Пермь вилояти ҳайдовчилари баъзан хилват йўлларда «минотавр» (ярми одам, ярми ҳайвон)лар деб аталувчи мавжудотларни кўришганини айтишди. Масалан, йўлда бир қиз кетиб бораёпти, яқинлашиб бориб қарашса, башараси айқиқни эмиш. Ишонмасдан кулиб кўярсиз, ҳойнаҳой. Лекин кукуштанлик болалар худди шунақанги минотаврларни тасвирлаб беришади.

Бу қандай синаот бўлди экан? Балки чиндан ҳам табиий аномалиялар туфайли рўй бераётган галлюцинациялардир, инсон хотираси эса қачонлардир у ўқиган ёки қўрққан нарсаларини кўзига кўрсатаётгандир?

Ғайритабиий ҳодисаларни мавжуд фаразлардан бири қуйидагича изоҳлаб беради. Ер қаъридаги номаълум нурланшларини ҳосил қилади, натижада шу ҳодиса рўй бераётган жойда инсон мияси (бизнинг руҳиятимиз ҳам сирларга тўла ҳали) тасаввур даражамизга мос келувчи образларни (аввалига шайтонлар кўринарди, энди ўзга оламликлар) яратади, бу образлар фақат бизнинг миямиздагина мавжуд бўлади — уларни ўз кўзимиз билан кўраётганимизни тўлиқ ҳис қилишимиз эса галлюцинация-

дир, ҳуллас, бу образлар чиндан ҳам номаълум майдонлар туфайли айнан инсон миясининг таъсири остида пайдо бўлиши мумкин. Ахир инсон ўзининг майдони билан буюмларни силжитади (телекинез), шундай экан нега энди «бирон нима»га ўйланган шакл бермаслиги ёки фотоаппаратни ўчириб қўймаслиги (бу ҳақда кейинроқ айтамеиз) мумкин эмас.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам НУОлар билан бу ҳодисалар, менимча, ўзаро боғлиқ ва диққат билан ўрганишга арзийди. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилгани қувончли, ҳар қалай кўплаб шаҳарларда номаълум учувчи объектларни ўрганиш фидойилари гуруҳларга бирлашишди, бу гуруҳлар ўз навбатида СССР Илмий-инженерлик жамиятлари уюшмаси ҳузуридаги Аномаль ҳодисалар бўйича бутуниттифоқ комиссиясига бирлашган. Пермда шундай гуруҳ ярим йил олдин ташкил топди. Унда Бачурин — раис ўринбосари, раис эса — биолог ва кибернетик Владимир Шемшук.

ТАНИШУВЛАР

Умуман, экспедицияда мен танишган кишилардан энг қадрли ва илиқ таассуротлар, хотиралар қолди. Биринчидан, истисносиз ҳар бир кишида ўта кучли иштиёқ, ҳатто ўсмирларга хос фидойиллик дастлабки қарашдаёқ яққол сезилади, ҳолбуки аксарияти ёши улғу кишилар, ҳатто пенсионер ҳам бор эди. Иккинчидан, ёшлари ва НУО муаммосини ўрганиш бўйича ишончларидаги тафовутларга қарамай, уларнинг ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳамжиҳатлик ниҳоятда кам учрайди. Учинчидан, уларнинг ўта самимий, дилқаш, очикўнгиллиги шундоққина ром қилади-қўяди. Қисқаси, мен учун қизиқарли бўлган шунча одамни илк марта биргаликда учратишим эди. Лекин ҳозир уларнинг номини тилга ололмайман, воқеалар гирдобини ичра шунга руҳсат сўрашни унутибман.

Гапни «зона»да ишонмовчилар деб аталган кишилардан бошлай қолай, булар одатда ўнлаб кичик кашфиётлар қилган инженер-ихтирочилар ва рационализаторлардир. Улар бу ерга аномалияни изловчи ва қайд этувчи асбобларини ҳам ола келишганди. Муҳокама юритишнинг ҳис-туйғуга боғлиқ бўлмаган темир мантиқини, вазминлиқни, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни англаб етиш йўлидаги собит изчиллиқни мана шу кишилардан ўрганиш керак экан. Экспедициямиз таркибида яна ўз соҳаларидаги ақл бовар қилмас билимлари билан ҳайратга солувчи биолог ва астрономлар ҳам бор эдики, улар билан суҳбатлашининг ўзи бир ҳузур. Сафимизда, шунингдек, ноанъанавий усулда даволаш тажрибасига эга бўлган врачлар, умидсизлик нималигини билмайдиган геологлар, экстрасенслар ва ҳатто ғойибона билувчилар ҳам бор эди. Яна денг, буларнинг ҳар бири бошқаларни ҳам ўзидаги қобилият билан таништиришга, тажриба алмашишга уринарди.

Сиз, масалан, ёмғир ёғдирувчи булутларни қўллари билан тарқатиб юборувчи одамларни ҳеч кўрганмисиз? Ҳа-ҳа, улар қўлларини кўтариб, шамол булут ҳайдаб келаётган томонга кафтларини ўгириб туриб булутларни тарқатишади. Кулаясиз-а, ҳойнаҳой? Очигини айтганда, мен ҳам ишонмай ичимда кулиб қўя қолгандим, бироқ тепамиздаги булутлар бир неча дақиқа ичидаёқ ёруғлашиб кетди ва аллақандай куюн айлантириб юборгандек айлана бўлиб олишди: бошимиз узра доира ичига қамалган ёруғ ва қора йўллардан иборат ўзига хос «нишон» муаллақ қолди. Ёмғир тўхтади, аммо атрофимиздаги осмон қопқора булутга тўла, ўша ерларда сел қуяётгани сезилиб турарди.

Яна бир мўъжизакор одам билан эса «зона»дан қайтганимдан кейин танишиш насиб этди. Юқоридаги сабабга кўра, унинг ҳам исми-шарифини айта олмайман. Бу кишининг имкониятлари корхонада рўй берган ҳалокатда бир ўлимдан қолганидан сўнг очилган. Хўш, у нималар қила олади? Мана сизга иккита мисол.

(Давоми бор)

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 1 (423) 1990 г.

Қўлёзма ва расмлар Техмуҳаррир Абдувоҳид ТУРАЕВ қайтарилмайди. Бадний муҳаррир Уста ВАЛИ

Телефон: 33-07-05; 39-04-11; 39-04-12; 39-04-84; 39-03-88. Унвонимиз: 700000, Тошкент, ГСП(П) Гоголь кўчаси, 70-уй.

Теришга 20.11.89 йилда берилди. Босишга 19.12.89 йилда руҳсат этилди. Р-09011. Қоғоз 60×90¹/₈. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4.0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5.0. Тиражи 481071 нусха. Буюртма № 2107. Нашр № 223. Баҳоси 40 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент шаҳри. ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. © «Фан ва турмуш».